O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2005 йил, **1** июль, жума № **57** (2101).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **1** июля, **2005** год, № **57** (2101).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Мустақиллик—бу аввало ҳуқуқдир. Яъни, ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва қудратига суяниб, ота-боболарининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-29 июнь кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия алоҳида ўрин тутади. Тошкент ва Москванинг кўплаб халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқин, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қараш ва интилишлари муштарак. Ўзбекистон ва Россия барча соҳаларда ўзаро алоқалар кўламини кенгайтиришдан манфаатдор. Ана шу манфаатдорлик, шунингдек, ҳамкорликдаги ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, икки давлат раҳбарларининг ўзаро самимий муносабати, кўпгина масалаларда фикрдошлиги 2004 йили Тошкентда Ўзбекистон билан Россия ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланишига асос бўлди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида қарор топган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш, ишга солинмаётган имкониятларни кўриб чиқиш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратмоқда.

Ислом Каримовнинг Москвага бу галги ташрифи чоғида Россия Президентининг Ново-Огарёво қароргоҳида ўтган музокаралар савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар масалалари муҳокамасига бағишланди. Ислом Каримов ва Владимир Путин ҳамкорлик кўлами муттасил кенгайиб, савдо-иқтисодий алоқаларга доир кўрсаткичлар ошиб бораётганини, ушбу ташриф ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 38 фоиз ошиб, 1 миллиард 641,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойига доир кўрсаткич эса 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 42 фоиз ўсган.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ёқилғи-энергетика мажмуидаги сармоявий ҳамкорлик диққатга сазовордир «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» ва «Газпром» очиқ акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон нефть-газ саноатига 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилишини кўзда тутади.

Ново-Огарёво учрашувида бошқа кўплаб йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли йирик лойиҳалар режалаштирилаётгани қайд этилди.

Маданият ва санъат, таълим, экология ва умуман ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил мулоқотлар, ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ислом Каримов ва Владимир Путин халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги алоқалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Ислом Каримов жорий йилнинг 13 май куни Андижонда рўй берган фожиали воқеалар хориждаги экстремистик марказлар томонидан тайёрланган операция эканлигини, унга МДҲ, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлардан айри ҳодиса сифатида қараш мумкин эмаслигини таъкидлади.

Андижон воқеалари, МДҲ мамлакатларида уюштирилаётган турли «рангли инқилоблар»дан фарқли ўлароқ, мутлақо янги шакл ва қиёфада амалга оширилган мудҳиш фитнадир. Бу гал «сценарий муаллифлари» ва «режиссёрлар» «демократияпараст оломон»ни намойишга олиб чиқмади. Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини кўра олмайдиган, Марказий Осиёда вазиятни издан чиқариш ниятида бўлган бу «раҳнамолар» оломон ўрнига, қўпорувчилик бўйича яхши тайёргарлик кўрган террорчи ва экстремистларни ишга солди, деди Ислом Каримов.

Бу мудҳиш операцияга олдиндан тайёргарлик кўрилгани қуйидагилардан ҳам аён бўлади: хорижлик журналистлар Андижон воқеалари арафасида Ўзбекистонга келиб, жойлашиб олди. Чунки милиция батальони ва ҳарбий қисмдан катта миқдорда қурол-аслаҳа ва ўқ-дори олиниши, қамоқдан юзлаб жиноятчилар чиқариб юборилиши туфайли тинч аҳоли орасида қурбонлар бўлиши муқаррар эди. Шу тариқа ахборот хуружи учун ҳам замин тайёрланганди. Андижонда ҳали битта ҳам ўқ отилмай туриб, айрим хориж оммавий ахборот воситалари «ҳукумат тинч аҳолини ўққа тутишга буйруқ бергани» ҳақида жар сола бошлади. Кейинчалик ғараз ниятли бу кампания иштирокчилари мустақил халқаро текшириш ўтказишни талаб қилишга тушиб кетди.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбарининг операция хорижда тайёрланганлиги тўғрисидаги фикрини тасдиқлаб, ўша кунлари Афғонистонда жангариларнинг ҳаракатга тушиб қолгани ва айрим мамлакатлар чегаралари яқинида қўпорувчилар гуруҳлари тўпланганини кузатилганини, Россия махсус хизматлари бу ҳақдаги маълумотларга эга эканини таъкидлади.

Россия раҳбари Андижон воқеалари муносабати билан Ўзбекистон халқига ҳамдардлик изҳор этди. Андижонда ҳаёт изга тушгани, вазият барқарорлашгани ва назорат остига олингани бизни қувонтиради, деди Владимир Путин.

Ново-Огарёво учрашувида томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россия мудофаа вазири Сергей Иванов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Учрашувда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар очиш масаласи кўриб чиқилди. Бу йил Ўзбекистон ва Россия Қуролли Кучлари биргаликда ҳарбий машқ ўтказиши мазкур соҳадаги ҳамкорликнинг дадил қадамларидан бири бўлиши таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти билан музокаралар самарали бўлганини, суҳбат очиқ, ўзаро ишонч руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганини қайд этди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

В Академии Вооруженных Сил

ВЫПУСК В ПРЕДДВЕРИИ ЮБИЛЕЯ

Особенностью прошедших в Центральном Доме офицеров торжеств по случаю выпуска в Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан стал предстоящий 10-летний юбилей этого учебного заведения, открытого по инициативе главы нашего государства. Накануне этой «круглой» даты в армейские коллективы вливается новый отряд офицеров, прошедших обучение в этом, самого высокого в стране уровня квалификации, высшем военно-образовательном учреждении.

В торжественной церемонии приняли участие Министр обороны Республики Узбекистан Кадыр Гуламов и его заместители, военные атташе при посольствах США, России, Китая, Германии, Великобритании, которые с пристальным вниманием отслеживают ход военной реформы в нашей стране.

В своем выступлении начальник Академии Вооруженных Сил генерал-майор Феруз Усманов сделал краткий, но обстоятельный анализ пройденного за минувшее десятилетие учебным заведением пути. С удовлетворением отметив достигнутые успехи, докладчик выразил признательность руководству Министерства обороны, командно-преподавательскому составу Академии за самоотверженный и плодотворный труд во имя укрепления обороноспособности нашей Родины.

(Окончание на 2-й стр.).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ҲУМО ҚУШИМ – БОШИМГА ТОЖСАН

Давлат рамзлари биз фуқароларнинг ғуруримизни тарбиялайди. Президентимиз бу хусусда шундай дейди: «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир».

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида, яъни 1992 йилнинг 2 июлида давлатимиз герби тасдиқланди. Мана, ўша тарихий кундан бизни 13 йиллик масофа ажратиб турибди. Келинг, аввало давлатимизнинг бу муҳим рамзида акс этган маъно-мазмунни яна такрор эсга олиб ўтайлик.

Давлатимиз гербида гуллаган водий узра чарақлаб турган қуёш тасвири акс этиб турганини барчамиз яхши биламиз. Бу осмонимиз беғубор эканлигига, юртда қуёшдек сахий инсонлар яшашига ишора. Ўнг томонда буғдой бошоқлари олтиндек товланиб турибди. Бу эл-юрт фаровонлиги, ободонлигига ишора, деб тушунаман. Маълумки, истиқлолнинг илк давриданоқ ғалла мустақиллигига эришишдек устувор мақсад қўйганмиз, олдимизга. Яъни тўкин-сочинлик, фаровонликни таъминлаш йўлида қадамлар ташлаганмиз. Бугун бу борадаги ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Гербимиздаги буғдой бошоқларига қараб, шулар хаёлдан ўтади. Гербнинг сўл томонида очилган пахта чаноқлари сурати туширилганини биласиз. Тўғри, пахта миллий бойлигимиз бўлгани учун у акс эттирилган дерсиз. Буғдой ва пахта чамбари элимизнинг меҳнатсеварлиги, Ўзбекистон тошда ҳам гул ундиришга қодир қўли гул бободеҳқонлар, бунёдкорлар юрти эканлигига ишора.

Гербнинг юқори қисмидаги саккиз қиррали юлдуз тасвирига боқинг. Кўнглингиздан нималар кечади? Бу жипслигимиз, аҳиллигимиз рамзидир. Юртимизда барча миллат ва элатлар аҳил ва иноқ яшаши маъносидир. Саккиз қирра ичида жойлашган ярим ой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуғ рамзи эканлигини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Миллий рамзимиз марказида қанотларини ёйиб турган Ҳумо қуши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Хорижда хизмат сафарида бўлганимда малайзиялик Дэвид исмли бир ҳамкасбим бизнинг Ҳумога қизиқиб қолди. «Биздаги афсонавий Хоруда қушига ўхшаркан», деди жумладан у. Мен Ҳумони таърифладим, тавсифладим. Бу рамзда элимизнинг олижаноблиги, фидойилиги, серҳимматлиги, қолаверса, тинчликка, бахт-саодатга, нурли истиқболга, фаровон ҳаётга интилган халқимизнинг орзу-умидларига бўлган интилишлари акс этганини сўзлаб бердим. Қуш афсонавий бўлса-да, афсонани ҳақиқатга айлантира оладиган халқимиз борлигини, орзу-мақсадлари борлигини тушунтирдим.

(Давоми 3-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ОДОБ-АХЛОҚИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

Биз бугун айрим давлатлардан моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсак-да (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нуқтаи назаридан қараганда улкан ғурур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз.Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада бойитиб-ривожлантириш, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Дунё яралибдики одоб-ахлоқ, маънавий камолот масаласи нафақат ҳар бир инсон, элат, халқ, балки давлат, жамият учун ҳам тенгсиз аҳамият касб этиб келган. Чунки садоқат,меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром, тартиб-интизом, файз, қут-барака деган тушунчалар бевосита, билвосита одоб-ахлоқдан қувватланади Қаердаки ундан юз ўгирилса, руҳий таназзул, емирилиш бошланади. Бир сўз билан айтганда, оламнинг, кўнгилларнинг ободлиги, гуллаб-яшнаши одамга – бизга боғлиқ.

Шукрлар бўлсинким, миллатимиз ушбу улуғвор масалани ечиш учун уммонлар, қитъалар ошиши, «янги ахлоқ кодекси» яратиши шарт эмас. Жавоҳирлар сандиғи шундайгина ёнимизда, рўпарамизда. Бу – дунё тамаддунини, маданиятини янги поғоналарга олиб чиққан буюк ота-боболаримиз маънавияти, маърифатидир.

Хўш, аждодларимизнинг бунчалар юксак мақомга кўтарилишига, дунё халқлари орасида пешқадам бўлишига сабаб нимада?! Уларни машҳури жаҳон қилган маънавият, комиллик илдизлари қаерда?! Бу саволга ҳеч иккиланмай шундай жавоб бериш мумкин: улуғ асос, таянч – Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар ҳисобланади. Диққатга сазовор, одамни чексиз фахрлантирадиган томони шундаки, ислом оламида энг ишончли манба ҳисобланмиш олтита ҳадислар тўплами китоблари муаллифларининг кўпи бизнинг ватандошларимиздир.

(Давоми 6-бетда).

Навстречу 14-й годовщине Независимости

Я – ГРАЖДАНИН ОТЕЧЕСТВА

Родина, Независимость, Гражданство – высшие блага земного бытия. И сегодняшний разговор о Дне независимости хочется начать вот с чего. Мне вспоминается доклад Президента страны Ислама Каримова на торжественном собрании, посвященном первой годовщине Конституции Узбекистана. В нем, говоря об особенностях новой Конституции, глава государства подчеркнул, **«что в ней закреплена ответственность государственных органов и должностных лиц перед обществом и гражданами».** И далее он указал: **«Гражданство позволяет каждому человеку в полной мере участвовать в экономической, политической, правовой, культурной жизни республики».** Это – одно из важнейших завоеваний нашей независимости. Это, можно сказать, то, с чего начинается человек, с видения и осознания себя в обществе, в жизни.

Существует прямая, ясно видимая связь между понятиями «гражданство», «гражданин», «гражданственность». Если гражданин – это лицо, наделенное совокупностью политических, экономических, социальных и иных прав и обязанностей, то гражданственность – это, скорее, состояние души человека, его внутренняя готовность бескорыстно и добросовестно служить своему народу и своей независимой Родине.

Но есть еще, я бы сказал, незримая связь между понятиями «гражданственность» и «подвижничество». И если основной признак гражданственности – самоотверженная, благородная деятельность, продиктованная общественными интересами и высокими целями, то и подвижничество – это тоже самоотверженная деятельность на благо общества. **У великого Алишера Навои есть такие слова: подвижничество – это значит «по дороге закона мужественно идти, с огромной любовью следовать по истинному пути».** Как современно звучат эти слова! Ведь мы строим правовое, демократическое государство, гражданское общество, и, естественно, они должны опираться на силу закона. Человек в таком обществе чувствует себя настоящим гражданином страны. Потому что знает – его права и свободы защищены и гарантированы законом. В нашей стране не ущемлены интересы ни одной нации и народности.

(Окончание на 4-й стр.).

Муштарийларимизга

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА ҚАДАЛГАН НИҲОЛ

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов: «Мустақилликнинг таъми, агар таъбир жоиз бўлса, ҳаётбахш оби-замзамнинг таъмига ўхшайди», дейди. Истиқлол бу – ҳурлик, озодлик, эркинликдир.

Бундан ўн тўрт йил аввал Ватанимизга ҳурлик келди, тенглик келди, ўзаро ҳурмат, қадр келди, эркин ўйлаш, шодон куйлаш, завқ билан ишлаш, ширин даврон суриш даври келди.

Бундан ўн тўрт йил аввал диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, шу юртда истиқомат қилувчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечириши, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг пойдеворига асос солинди. Дунё ҳамжамиятида, жаҳон харитасида «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ» деган мамлакат пайдо бўлди, қад ростлади.

Ўн тўрт йил, тарих нуқтаи назаридан, қисқа муддат. Бироқ ана шу қисқа муддат ичида, мустақиллик йилларида мамлакатимизда асрга татигулик улкан ишлар амалга оширилди. Қайси соҳага қараманг, ўсиш, ривожланиш, олдинга қараб шаҳдам қадам ташланмоқда.

Иқтисодиётимизда жиддий муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Ғалла мустақиллигига эришдик. Ўзбекистон ўз автомобилсозлик саноатига эга бўлди. Халқимиз бунёдкорлик ишлари билан банд. Равон йўллар, мустаҳкам кўприклар, кўркам иншоотлар қад ростламоқда.

Маълумки, мудофаа соҳасидаги мавжуд ва эҳтимол тутилган таҳдидлар биздан мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор, жанговар қобилияти юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантиришни тақозо этарди. Бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларимиз ҳам ўз самарасини берятти. Бугунги Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишаётган Ватанимиз ҳимоячилари жанговар шайлик, касбий маҳорат борасида ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам.

Бир сўз билан айтганда, ҳар соҳада ўзгариш, ҳар соҳада ривожланиш. Эзгулик йўлида ниҳол қадалмоқда. Бу ниҳоллар эртага мустаҳкам чинорга айланажак.

Шу кунларда барча жойларда энг улуғ, энг азиз мустақиллик байрамимизни улкан меҳнат зафарлари билан кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Мустақиллик ҳар биримизга куч-қудрат, илҳом берятти, истеъдодимизни намоён этишга имкон яратди. Ҳар биримиз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун қўлимиздан келган барча ишни қилишимиз керак.

Юртбошимиз айтганларидек: «Мустақиллик – ҳуқуқдир». Ҳуқуқ эса ҳимоя қилиниши шарт.

ТАҲРИРИЯТ

К нашим читателям

САЖЕНЦЫ НА ДОБРОМ ПУТИ

«Вкус независимости, если бы это можно было ощутить, был бы похожим на вкус являющейся источником жизни воды», – говорит Герой Узбекистана Озод Шарафиддинов. Таким образом, независимость – это свобода.

Четырнадцать лет назад на нашу Родину пришли свобода, равенство, взаимное уважение, возвратились потерянные ценности, возродилась свобода мысли, самовыражения, наступило время с удовольствием петь и с вдохновением трудиться.

Четырнадцать лет назад были заложены основы правового, демократического государства, обеспечивающего соблюдение защиты прав и свобод, чести и достоинства, принципов гуманизма в отношении каждого проживающего в нем человека, независимо от вероисповедания и общественной принадлежности. В мировом сообществе, на карте мира появилась и начала крепнуть страна под названием «Республика Узбекистан».

С точки зрения истории, четырнадцать лет – короткий промежуток времени. Однако за это время, за годы независимости, в нашей стране осуществлены великие перемены, равные векам. Какую отрасль ни возьми, везде наблюдается рост, движение вперед уверенными шагами.

Известно, что для надежной защиты мирного труда наших граждан требовалось создание мобильных, всесторонне хорошо оснащенных, имеющих высокую боевую выучку и умело противостоящих возможным угрозам и вызовам безопасности в регионе Вооруженных Сил. И в этом плане ведущиеся преобразования дают положительные результаты. Проходящие сегодня службу в Вооруженных Силах защитники нашей Родины по уровню боевой готовности и профессионального мастерства никому не уступают и не будут уступать.

Одним словом, в каждой отрасли – добрые перемены, в каждой отрасли – движение вперед. На добром пути посажены саженцы добрых дел. Этим саженцам завтра предстоит вырасти в гордые и высокие чинары.

В эти дни повсеместно в разгаре подготовка к встрече большими трудовыми успехами этого самого дорогого для всех нас праздника.

Независимость каждому из нас дает силы и вдохновение, позволяет полнее раскрыть свои таланты и способности. Каждому из нас надо сделать все от него зависящее для укрепления независимости. Как сказал глава нашего государства, «независимость – это право». Право же должно быть надежно защищено.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ



2 ИДЕТ ЛЕТНЯЯ БОЕВАЯ УЧЕБА
НОВОБРАНЦЫ НАБИРАЮТСЯ ОПЫТА

3 ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД
УМИДЛАРНИ ОҚЛАЁТГАН УМИДЖОН

6 МЕРОС
ОДОБ-АХЛОҚИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
ЖОНИМ ИЧРА ЖОНИМДИРСАН, ЎЗБЕКИСТОН!

ВЫПУСК В ПРЕДДВЕРИИ ЮБИЛЕЯ

(Продолжение. Начало на 1-й стр.).

Приказ Министра обороны о назначении на должности выпускников Академии Вооруженных Сил зачитал подполковник Хурсандбек Абдувалиев. Из строк документа видно, что Вооруженные Силы пополняются офицерами высшей степени подготовленности. В воинские коллективы и в управления военных округов придут заместители командиров, руководители служб и отделов, которым предстоит отдавать все силы и энергию для решения задач по реформированию всех сторон жизни на вверенных участках служебной деятельности.

По сложившейся традиции, закончившие учебу с отличием, а в этом году таких успехов достигли майор Дустмурад Атарбаев и Владимир Надымов, оставлены в учебном заведении преподавателями. И это очень мудро – кому, как не лучшим из лучших выпускников, пополнять ряды наставников этого учебного заведения, готовящего элитных офицеров для наших Вооруженных Сил.

В выступлении перед выпускниками Министр обороны Республики Узбекистан поставил конкретные задачи на ближнюю и отдаленную перспективу.

Собравшимся в зале были адресованы также слова о необходимости широкого внедрения в повседневную служебную деятельность войск самых современных достижений передовых информационных технологий. Создание компактных, мобильных и самодостаточных Вооруженных Сил, было подчеркнуто в выступлениях, требует также качественно новых подходов и в деле воспитания личного состава, проявления постоянной заботы о нуждах подчиненных.

Выпускник Академии майор Шухрат Ганиев выразил искреннюю признательность наставникам. Офицер заверил собравшихся, что прозвучавшие пожелания восприняты как наказ на дальнейшую службу, будут являться для выпускников непреложным руководством к действию.

По окончании торжественной части, согласно еще одной доброй традиции, выпускники сфотографировались на память с руководством Министерства обороны.

Воспользовавшись свободной минутой, обратился с просьбой поделиться своими впечатлениями военного атташе при Посольстве Российской Федерации в Республике Узбекистан полковника Сергея Ищенко.

– Выпуск офицеров в Академии – еще одно подтверждение высокого уровня военного образования в вашей стране, – подчеркнул собеседник. – Сегодня мы еще раз убедились в том, что вооруженные защитники Узбекистана готовы дать достойный ответ любым вызовам и угрозам, в том числе и угрозе международного терроризма и религиозного экстремизма.

Свое мнение по этому поводу выразили также и атташе по вопросам обороны при Посольстве Великобритании в Узбекистане подполковник Ник Ридаут, военный атташе при Посольстве Германии подполковник Вольфганг Хифш, военно-воздушный атташе при Посольстве Китая полковник Сюй Ю Мин, которые также высоко оценили значение данного выпуска в Академии для продолжения военной реформы в независимом Узбекистане.

Массу добрых впечатлений и эмоций получили от праздника и родители выпускников. Полковник милиции Курбонбиби Султанова была счастлива разделить радость единственного сына – капитана Пограничных войск Аъзама Холмамедова. Он закончил ТВОКУ, начал службу командиром горнострелкового взвода, а в Академию уже поступал с пограничной заставы. Кстати, поздравить его с этим незабываемым событием пришли и супруга Гульшода с сыном Абдуллахоном.

Горд за сына и полковник в отставке Мухаммед Атарбаев, многие годы прослуживший в Термезском гарнизоне. Отличник учебы майор Д.Атарбаев получил назначение на преподавательскую должность в Академии. Мама, Олия Кабуловна, по праву делит с отцом семейства радость за воспитание сына достойным защитником Отечества, а для невестки Инны есть хороший пример. Надо теперь и маленького Азиза вырастить таким же преданным Родине, верным сыном Узбекистана.

Думается, выпускники года нынешнего преподнесли достойный подарок к предстоящему десятилетнему юбилею своей «альма-матер» – осенью минувшего года при подведении итогов соревнования среди высших военно-образовательных учреждений Министерства обороны Академия Вооруженных Сил заняла первое место. Теперь для новых слушателей, которые вскоре примут эстафету от нынешних выпускников, станет делом чести сохранить «прописку» переходящего приза Военной коллегии Министерства обороны.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

«ВАТАН ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙМИЗ!»

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси битирувчилари билан бўлган суҳбатимизда ҳар бир битирувчининг айттан фикрлари замирида ушбу гап мужассамлигини англадик. Мустақил юртимиз армиясининг эртанги куни айнан ушбу сараланган юқори малакали ва истеъдодли офицерларга боғлиқ бўлганлиги боис, бошқача гап бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Майор Ҳамза ДАВРОНОВ:

– Мен мазкур олий ҳарбий билим даргоҳига Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли мотоўқчилар қисмидан келиб киргандим. Бу ерда тажрибали ва билимдон устозлардан зарур билим ва кўникмалар олишга муяссар бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб, ўқитувчиларимизга каттадан катта миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Ишонтириб айтаманки, улар берган билимларни Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада ривожлантиришга ишлатаман. Менга Шарқий ҳарбий округдаги қисмлардан бирида хизматимни давом эттириш насиб қилди. Янги жамоани янги зафарлар сари бошлашни бурчим деб биламан.

Майор Жамолхон АЪЗАМОВ:

– Мен Академияга қисмдан ўқишга келганман. «Қанотли пиёдалар»га хос доимо ғалабага интилиб яшаш ўқишим давомида ҳам менга жуда асқотди. Ҳарбий педагогика фанига оид дарсларда жангчининг руҳий ҳолатини ўрганиш каби муҳим масалаларга катта эътибор қаратишга ҳаракат қилдим. Ушбу илм даргоҳида айнан ушбу йўналишда билимга эга бўлганим келажакдаги хизматим мобайнида албатта керак бўлади. Энди мен Марказий ҳарбий округидаги қисмда офицерлик хизматимни давом эттираман. Албатта, халқимиз ва Юртбошимиз билдирган юксак ишончни оқлайман.

Капитан Насим СУХАНОВ:

– Мен Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли қисмдан ўқишга киргандим. Аслида биринчи касбим танкчи офицер бўлишига қарамасдан, қуруқликдаги қўшинларнинг бошқа турида мустақил хизматимни олиб борганим менга ўқишим давомида катта ёрдам берди. Чунки, тажрибали командирларнинг қўл остида олган амалий кўникмаларни Академияда назарий билимлар билан бойитишга эришдим. Энди эса Шарқий ҳарбий округдаги — янги хизмат жойида ушбу қутлуғ илм масканида орттирган билим ва тажрибаларимни қўл остимдаги шахсий таркибга етказишга сидқидилдан ҳаракат қиламан.

Майор Иномжон ИБРОҲИМОВ:

– Мен Қуролли Кучлар Академиясига ўқишга киришимдан аввал Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда хизмат қилгандим. Мана, энди менга Мудофаа вазирлиги тизимида офицерлик бурчимни ўташ насиб этди. Ўйлайман-ки, ҳар бир офицер қаерда хизмат қилишидан қатъи назар Академияда олган таълим-тарбиясини юртимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга қаратиши лозим. Мен ҳам халқимиз тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга муносиб улуш қўшиш йўлида бажонудил хизмат қиламан.

Академия битирувчиларининг фикрлари, мақсадлари, орзулари битта – мустақил Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббат, бурчга садоқат ва юксак ватанпарварлик туйғусидир.

Суҳбатни майор А.НУРОВ ёзиб олди.

ФОРТУНА УЛЫБНЕТСЯ СИЛЬНЕЙШИМ

Еще совсем недавно мы искренне радовались за выпускников Академии Вооруженных Сил, успешно завершивших курс обучения, а сегодня уже разделяем вполне понятное волнение тех, кто решил повысить уровень своих знаний в стенах этого военно-учебного заведения. И переживают кандидаты на поступление отнюдь не безосновательно. Число желающих стать «академиком» довольно внушительное, зато количество мест, как известно, строго ограничено. А это означает, что только лучшие из лучших могут удостоиться такой чести. Кому улыбнется фортуна, кто наиболее серьезно готовился к столь ответственному в своей служебной карьере шагу? Их имена станут известны уже в ближайшее время, а пока, как говорится, абитуриенты проходят предварительные процедуры. Собравшись на базе одной из воинских частей, они, под руководством начальника сборов подполковника Орзимурода Садыкова, предстают перед строгой, но очень объективной медицинской комиссией, с помощью преподавателей Академии пытаются восполнить имеющиеся пробелы в знании иностранных языков. Кстати, отряд кандидатов понес уже первые потери. Медики не всегда были согласны с решением своих коллег из военных округов, и кое-кому из абитуриентов вынесли отрицательный вердикт. Немало испытаний для кандидатов еще впереди. Очень скоро им предстоит блеснуть мастерством в области физической и строевой подготовки, доказать, что после военных училищ не забывали об учебнике по иностранному языку, выдержать профильный экзамен по специализации, ну и, конечно же, успешно сдать тесты. Как видим, в считанные дни офицерам предстоит проделать большой объем работы, но, судя по их настроению, они полны сил и энергии, а закалка, приобретенная в ходе армейских будней, позволяет им не пасовать перед трудностями. Немало забот и у администрации сборов. Помимо множества организационных моментов, они стремятся уделить внимание каждому в отдельности взятому кандидату. Такое заботливое отношение придает уверенности офицерам в покорении намеченной вершины.

– Каждый надеется на успех, – говорит майор Кахрамон Сатаров, – понимая при этом всю полноту ответственности не только перед собой, но и перед командованием частей, которое оказало столь высокое доверие. Уверен, выражу общее мнение, если скажу, что равнодушных среди нас нет. Все настроены по-боевому и готовы доказать, что достойны стать слушателями столь авторитетного военного вуза.

Сомневаться в этом не приходится, ну а если кому-то и не повезет на этот раз, отчаиваться не стоит. Подавляющее большинство кандидатов – это молодые офицеры, перед которыми открыты все дороги, в том числе и в Академию.

Вячеслав ЛЬВОВ.

На снимках: **идет подготовка к экзаменам.**

Фото **автора.**

Идет летняя боевая учеба

НОВОБРАНЦЫ НАБИРАЮТСЯ ОПЫТА

Позади первый месяц летнего периода обучения. Главной его темой была одиночная подготовка личного состава с акцентом на адаптацию в боевом строю призванных минувшей весной новобранцев. Побывав в одном из воинских коллективов Восточного военного округа, наши корреспонденты убедились в том, что здесь воины весеннего призыва уверенно освоились и успели за месяц солидно прибавить в уровне подготовленности.

– Здесь положительно сказались и проведенные у нас сборы со специалистами, – говорит заместитель командира части по боевой подготовке капитан Анвар Джаббаров. – Надо отдать должное и отделам по делам обороны, которые со всей ответственностью отнеслись к вопросам отбора юношей в ряды Вооруженных Сил. Сразу чувствуется, что дает знать о себе конкурсная система отбора кандидатов на срочную службу. Ребята не только физически хорошо развиты, но и имеют широкий кругозор, интеллектуально подкованы.

Процессу быстрого вхождения молодого пополнения в жесткий ритм армейского распорядка в немалой степени способствует и закрепление за каждым из них солдата предыдущего периода призыва. Так делают и во взводе под командованием старшего лейтенанта Олима Раджабова. Например, за становление номера расчета гранатомета АГС рядового Шерзода Алиахунова несут ответственность его сослуживец наводчик рядовой Алимардон Каримов, командир секции младший сержант по контракту Хуснитдин Расулов, командир группы лейтенант Баходир Расулов, а замыкается эта цепочка на командире взвода.

Такая четырехступенчатая система ввода в строй молодого пополнения уже дает свои плоды. На сборах специалистов АГС, проведенных под началом старшего лейтенанта Х. Ашурова, рядовой Ш. Алиахунов и его товарищи одолели первую в своей службе вершину профессионального мастерства.

Следует отметить весомый вклад в благое дело становления новобранцев и выпускников окружной школы подготовки сержантов – военные профессионалы стремятся во всем соответствовать своему высокому предназначению. Одним из таких добросовестных воинов называют в коллективе командира секции младшего сержанта по контракту Шавката Одилова. На сборах гранатометчиков РПГ его подчиненные показали себя с самой лучшей стороны. Тут во всей красе проявила себя солдатская взаимовыручка. Например, рядовому Мавлону Абдурафиеву прибавляло сил и уверенности в себе пребывание рядом более опытного товарища рядового Фахриддина Бекназарова. Нет сомнений, что эти уроки солдатской дружбы не только помогут Мавлону быстро и качественно усваивать программу боевой подготовки, но и в нем самом заложат такие же основы взаимовыручки и готовности подставить плечо другу в трудную минуту. Ведь уже в зимнем периоде обучения ему придется действовать в роли наставника для солдат осеннего призыва.

Эти принципы работы с новобранцами имеют не просто прикладное значение, позволяя лучше и быстрее готовить воина. Они в корне устраняют почву для таких нежелательных явлений, как неуставные отношения и прочие нарушения воинской дисциплины. Когда воин старшего призыва несет личную ответственность за новобранца, он не только в ходе учебного дня поможет ему дельным советом, но и в часы досуга постарается быть рядом со своим подопечным. Такое своеобразное шефство позволяет лучше сплачивать воинские коллективы, а самим новобранцам помогает быстрее преодолевать первые трудности воинской службы.

Майор К. АБЛАЕВ,
подполковник
Ярослав КОРУКА (фото),
корр. «Ватанпарвара».

Ҳарбий қасамёд

УМИДЛАРНИ ОҚЛАЁТГАН УМИДЖОН

Тошкент давлат педагогика университети бошланғич ҳарбий таълим факультетида таҳсил олаётган талабалар яқинда дала-ўқув йиғинида тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилдилар. Ушбу тадбирда аълочи талабалар қаторида курсантлар гуруҳи командири Умиджон Раззоқовнинг номи ҳам тилга олиниб, у муносиб рағбатлантирилганди. Устозлар умидини оқлаб келаётган истеъдодли йигит бу гал ҳам уларни уялтириб қўймади.

Талабалар икки ҳафта мобайнида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг дала-ўқув марказида амалий машғулотларни белгиланган режа асосида ўтаб бўлгач, йиғиннинг кейинги ярмини университет ҳарбий кафедрасида ўтказиши кўзланганди. Амалий машқлар якунида бўлажак резервдаги офицерлар Ҳарбий қасамёд қабул қилишди.

Саф майдонида тўпланган талабалар дала-ўқув йиғини штаби бошлиғи подполковник Улуғбек Мирзаҳамдамовнинг буйруғи янграши биланоқ ростланиб, сергак тортдилар. Офицер Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари полковник Гулмурод Хушвақтовга шахсий таркиб Ҳарбий қасамёдни қабул қилишга шайлиги ҳақида ахборот бергач, тантанани бошлашга ижозат берилди.

Биз бирин-кетин сафни тарк этиб, жарангдор овозда Ҳарбий қасамёд матнини ўқиётган талабаларга яқин қариндошлари ғурур ва севинч билан қараб ўзаро фикр алмашиб турганини гувоҳи бўлдик.

— Гулчеҳра опа, Олимхоннинг бўйига қаранг, анча ўсиб қолипти, — дейди пойтахтдан келган Муродбек Рустамбеков. – Уларга жуда ҳавасим келяпти. Мен эса 1978 йилда узоқ Россияда қасамёд қабул қилганман.

Талаба Олимхон Булатовнинг онаси Гулчеҳра опа тунғичи Азизхоннинг Ҳарбий қасамёдига бора олмаганди. Мана энди унга ҳам навбат келди. Фарзанди Ватан ҳимоячилари сафига қўшилганидан онасининг қувончи чексиз.

Ниҳоят, талабалар жанговар сафларга қайтганидан сўнг, тантанали йиғилиш бошланди. Тадбирни университетнинг биринчи проректори Нуриддин Дўсанов қисқача кириш сўзи билан очиб, табрик учун сўзни ректор, профессор Ғафуржон Муҳаммедовга берди. Олийгоҳ раҳбари талабаларни ҳаётидаги ушбу унутилмас воқеа билан қутлар экан, уларни доим Ватанга содиқ қолишга, юртимиз равнақи йўлида фидойилик кўрсатишга даъват этди. Шунингдек, ўғлонларга эзгу ниятларини билдириш учун университет ҳарбий кафедраси бошлиғи полковник Илҳом Икромов, талабаларнинг ота-оналари – Раъно Авезова, Робия Аъзамова, Александр Вартаньянц, Гулсора Ўтамбоевалар сўзга чиқишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакили Абдуғафур Қирғизбоев ҳам талабаларни қизғин табриклади.

Ҳарбий қасамёд қабул қилганлар номидан сўзга чиққан Умиджон Раззоқов ва Дмитрий Класинлар билдирилган яхши ниятлар учун миннатдорчилик изҳор этиб, йигитлик бурчига умрбод содиқ қолишларини таъкидлаб ўтишди.

Шундан сўнг Тошкент давлат педагогика университети ректорининг буйруғи ўқиб эшиттирилди. Мазкур буйруққа биноан бир гуруҳ ҳарбий кафедра ўқитувчилари ва бошланғич ҳарбий таълим факультети талабалари Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Шунингдек, дала-ўқув йиғини бошлиғи буйруғига асосан жанговар ўқув илғорлари рағбатлантирилди. Улар орасида – подполковник Шуҳрат Дадабоев, майор Орифжон Эргашев, талабалар Умиджон Раззоқов, Музаффар Собиров, Артем Вартаньянц, Набижон Орзиев каби йигитларга университет проректори Узоқбой Бегимқулов, касаба уюшмаси раиси Мамасоли Мадримов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти раиси Саиджон Исмоиловлар совғаларни тақдим этдилар.

Тантананинг расмий қисми якунига етгач, талабалар ўз қувончларини ота-оналари билан баҳам кўришди. Чинозлик Абдумалик ота ва Раҳбарой ая Маъмуровлар невараси Абдуғаффорни бағрига босиб, уни чин дилдан табриклашди. Ватани ва Президентига содиқ қолишга қасамёд қилган Умиджон, Набижон, Артем ва Абдуғаффор каби ўғлонлар Ватан ҳимоячилари сафларига қўшилгани, мустақил Ўзбекистонни кўз қорачиғидек асрайдиган фарзандлар сони кундан кунга ошаётгани далолатдир.

Майор Аблай КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Камолиддин ТЎРАЕВ суратта олган.

ҲУМО ҚУШИМ – БОШИМГА ТОЖСАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ниҳоят гербимизнинг пастки қисмидаги давлатимиз байроғини ифодаловчи 3 рангдаги чамбар бандига «Ўзбекистон» сўзи битилган. Менимча, гербимиз моҳиятига ортиқча таъриф бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Маълумки, давлат рамзлари ўз тарихий асосларига эга. Байроқ, герб ва бошқа давлат рамзлари қадим-қадимдан мавжуд бўлган. Айнан герб ҳақида гап кетганда, шуни таъкидлаш жоизки, у немисча «эрбо» сўзидан олинган бўлиб, шоҳлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан-наслга мерос қолувчи мулк белгисини англатади. Тўғри, герб немисча сўздан истеъмолга кирган. Аммо бу бизнинг ота-боболаримиз, аждодларимиз қадим давлатчиликда у ҳақда тасаввурга ёки бундай рамзларга эга бўлмаган, дегани эмас. Маълумотларга кўра, бундан 2500 йилча муқаддам Эрондан Олтойгача чўзилган улкан сарҳадда турк ҳоқони Ўғузхон ҳукм сурган. У ўз давридa «тамға» га асос солиб, бу айнан бугунги гербнинг маъносини англатган. XII асрнинг машҳур муаррихи Рашиддидин Ҳамадоний бу ҳақда ўзининг «Танланган тарихлар» номли китобида гувоҳлик берган. Яъни, Ўғузхоннинг ўз мулкларини ўғилларига улуш сифатида кичик давлатларга бўлиб инъом этганини, ушбу давлатлар ҳукмдорлари ўзларининг тамғаларига эга бўлишганини баён этган.

Шу ўринда бир савол туғилади. Рамзларга бўлган муҳаббат, садоқат нима беради? Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, фахр ва ифтихор тимсолларига бўлган энг сара туйғуларимиздан ёки ана шу ҳаётбахш муҳаббатимиздан мустақил юрт ва миллат боқийлиги қувват олади. Ана, унинг кучи нимада.

«Бошим узра кўтараман Ҳумо қушимни», деб ёзган эканман, мақолаларимдан бирида. Бу гапларни шунчаки кўчма маънода ишлатилган деб ҳам қараш мумкин. Аммо айтиб қўяй, бу сўзларни ҳарбийларга қиёс қилиб, ўз маъносида ишлатганман. Эътибор берган бўлсангиз, ҳарбийларнинг бош кийими бўлган фуражка, кепкаларда гербимиз рамзи акс этган. Демак, она юрт ҳимоячилари бу қутлуғ рамзни бошлари узра кўтариб юрибди, дейишга ҳақлимиз. Юрт ҳимоячиси, унинг рамзларининг ҳам посбони ҳисобланади. Шу боис уни боши узра кўтаради, юрагига, қалбига қадаб қўяди.

Кўп ҳарбий либосларнинг елка қисмига «шеврон» тикилади. Уларда ҳам гербимиз рамзи бор. Барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, ижтимоий-сиёсий ўқув хоналарида рамзларимиз тасвири акс эттирилган. Рамзлар орқали ҳам улар қалбига Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси сингдирилади. Мана, биргина мисол. Хизмат сафарларидан бирида резервга бўшаётган аскар билан суҳбатлашиб, унинг муддатли хизматдан эсдалик сифатидаги альбомини кўрдим. У альбомнинг илк саҳифаларига давлатимиз рамзларини чиздирган. Бунга изоҳ сўрагаанимда, кўзлари чақнаб, жавоб беришга шошилди. Нима деб жавоб бергани қулоғимга чалинмади. Аммо мен унда Ўзбекистонига чексиз муҳаббатни ҳис қилдим.

Юртимиз спортчилари гербимиз, байроғимиз рамзи акс этган кийимларда майдонга чиқишганда, киши фахрланиб, ғурурланиб кетади. Сўз билан ифода этиб бўлмас туйғулар кечади, қалбдан. Аминманки, ўша либосда беллашувга чиққан спортчи ҳам шу Ватан, шу миллат шаъни учун курашаётганини англаб, қалби ғурур, ифтихорга тўлади.

Рамзлар фахримиз, ғуруримиз манбаи, бу юксак туйғуларни тарбиялайдиган, шакллантирадиган бир мезон эканлигини айтдик. Менимча, ортда қолган йиллар давомида буни чуқур ҳис қилдик, ҳам. Бугун, гербимиз қабул қилинганига 13 йил тўлиши муносабати билан шуни айтмоқчи эдимки, нафақат фахрланиш, балки рамзларимизга муносиб бўлиш масъулияти ҳар биримизнинг қалбимизда уйғоқ бўлиши керак.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

БИТИРУВЧИНИНГ ОРЗУСИ – КУРСАНТ БЎЛИШ

Тошкент шаҳридаги Ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейида тарбияланувчиларнинг навбатдаги битирувига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Икки йил давомида табиий ва гуманитар фанлар билан бирга Умумҳарбий низомлар, саф тайёргарлиги сингари бевосита ҳарбий хизматга алоқадор сабоқларни олган лицей тарбияланувчилари албатта, ўз ўқитувчиларидан, устоз офицерларидан жуда миннатдорлар. Чунки, шу пайтгача кўплаб ўспиринларни она юрти, Президенти, халқига садоқат, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиш руҳида тарбиялаб, даставвал курсант, кейинчалик офицер бўлганларида худди ўз жигаргўшасининг муваффақиятини кўргандек суюнувчи устозлардан кўп билим ва сабоқлар олишди.

– Мен, – дейди ҳарбий лицейни аъло ўқиши, намунали хулқи учун аъло даражадаги шаҳодатнома билан битирган Сирожиддин Қуватов,- ҳарбий, Ватан ҳимоячиси, деган улуғ номга лойиқ бўлишни ёшлигимдан орзу қилардим. Насиб этса, ниятимга етаман ҳам. Мақсадим аълочи курсант, намунали офицер, ўз ишининг устаси бўлишдир. Бу билан мен нафақат ўзимнинг, оила аъзоларимнинг, балки устозларимнинг юзини ёруғ қилмоқчиман. Фурсатдан фойдаланиб, барча ўқитувчиларимга, шу жумладан гуруҳимиз командири катта лейтенант Хайрулла Ҳасанов, синф раҳбаримиз Ширингул Жумашеваларга катта раҳмат айтмоқчиман.

– Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳарб илмини ўрганиш, келажакда командир бўлиш – бош мақсадларимдан биридир,– дейди битирувчи Акмал Камолов.

Дарвоқе, Камоловлар хонадонидан икки киши ҳарбий лицей тарбияланувчиси эди. Ўтган замонда айтишимнинг боиси, Акмал яқиндагина абитуриентлар қаторидан жой олди. Укаси Акбар эса, ушбу лицейда таҳсил олмоқда.

– Генерал бўлиш орзуим менинг, – дейди ука акасидан бўш келмай. – Миллий армиямиз, қудратли Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган, погон тақиб, юрт посбони бўлганларга кўпгина йигитлар ҳавас қилиши ҳеч кимга сир эмас. Бироқ, энг сараларгина бунга лойиқ топилади. Тилагим, акамга ҳам, менга ҳам ўша кучлилар билан елкадош бўлиш насиб этсин.

Энди бевосита ушбу ўқув маскани тарбияланувчиларининг битирувига бағишланган тадбирга тўхталсак.

Ҳарбий лицей директори Собир Аҳроров битирувчиларни ҳамда уларни қутлаш учун келганларни табриклаб, саф тортиб турган йигитларнинг ҳар бири ҳақиқий ватанпарвар, муқаддас замини, жонажон Ўзбекистонини кўз қорачиғидек асрайдиган инсон бўлишига ишонч билдирди.

Шунингдек, тадбир давомида Миробод тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи полковник Ҳусан Зуфаров, лицей ота-оналар қўмитаси вакиллари Саида Орифбоева ҳамда Муит Фозиловлар бирбиридан кўркам, келишган ва навқирон битирувчиларга ўз тилакларини йўллашди.

Битирувчиларга ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома, шу билан бирга ўқиш давомида намунали хулққа, яхши ва аъло баҳоларга эга бўлган, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилувчи «Амир Темур авлодлари» ҳарбий спорт мусобақасида лицей жамоасининг фахрли биринчи ўринни эгаллашида муносиб ҳиссасини қўшган, «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўтказилган тадбирлардаги фаол иштироки ҳамда ташкилотчилик қобилиятини намойиш этган битирувчиларга Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди. Лицей моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия ишларини юксалтириш ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашган кўплаб ота-оналарга «Ташаккурнома»лар эълон қилинди.

Тадбирнинг тантанали қисми ниҳоясига етгач, намойиш этилган концерт дастури, ижодий чиқишлар барчанинг кайфиятини янада кўтарди.

Курсант бўлиш сари дадил қадам ташлаётган битирувчиларга, шу касбни ихтиёр этган ватандошларимизга омадлар тилаймиз.

Лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Камолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.

Чегарачилар ҳузурида

БЕҲАЛОВАТ ДАМЛАР ЛАЗЗАТИ

Ёзилажак мақоланинг кўп жиҳати суҳбатдошга боғлиқ. Агар суҳбатдош самимий, ширинсухан, ўз вазифасининг фидойиси бўлса, бир зумда гурунг алангаси авж олиб кетади. Шу куни биз ҳам суҳбатдошдан ёлчидик...

Тошкент тумани ҳокимиятида чегарачилар ҳамда халқ посбонларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда чегара қисмининг командирлари, посбонлар вакиллари иштирок этишди. Анжуманни Тошкент тумани ҳокими Сайфулла Темиров очаркан, асосий диққат-эътиборни чегарачилар ва улар билан бевосита ҳамкорлик қилувчи халқ посбонларининг ўзаро муносабатларига қаратди. Шу билан бирга чегарачиларнинг маданий-маърифий ишлардаги фаол иштироки ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади нотиқ.

Шундан кейин хизмат чоғида алоҳида намуна кўрсатган халқ посбонлари ва уларнинг сардорларига раҳматномалар, эсдалик совғалари ҳамда янги қабул қилинганларга гувоҳномалар топширилди.

Йиғилиш якунида ўрта бўйли, бақувват, истараси иссиқ, ёши қирқдан ошган офицер билан танишиб қолдик.

– Чегарачилар қисми командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Муҳаммад Матаев бўламан, – деди у кулимсираб.

Суҳбат давомида шу нарса маълум бўлдики, суҳбатдошим бу вазифада иш бошлагунча тарбиявий ишлар борасида анчагина тажриба тўплаган экан. Асли касби журналист бўлиб, классик адабиётни теран англайди, ўқитувчилик фаолияти давомида ҳам истеъдодли шогирдлар тайёрлаган. Ҳарбий соҳада ҳам кўплаб ютуқларга эришган.

Ҳарбий соҳага қизиқишимни сезган майор Муҳаммад Матаев чегарачилар ҳаёти билан танишишга таклиф этди. Бажонидил рози бўлдим. Ниҳоят қисмга етиб келдик. Чегарачилар қисмидаги тартиб-интизом, тозалик, яшаш ва хизмат шароити, яшнаб турган дарахтлар, гулзорлар кишида ҳавас уйғотадиган даражада. Ҳар бир бино пештоқларида кўзга яққол ташланадиган, чегарачиликни улуғловчи шиорлар, масъулиятни англатувчи чақириқлар мавжуд. Мени штаб йўлагидаги деворга осилган суратлар ўзига жалб этди. Яқинига бориб, ёзувига кўз ташладим. Улар ҳарбий қисм аълочилари, ўз вазифаларини сидқидилдан бажарганликлари ва алоҳида жасорат кўрсатганликлари учун тақдирланган йигитлар экан. Мустақил Ўзбекистонимиз чегарачилари орасида дастлабки нишондорлар бўлмиш офицер Эркин Аҳмедов иккинчи даражали «Шоншараф» ордени, Музаффар Алиев, Иззатилла Розиев, оддий аскарлардан – Низомиддин Бобоёров, Хуршид Бахриевлар «Жасорат» медалига сазовор бўлишган. Қисм шахсий таркиби Тошкент туманининг Қозоғистон билан чегарадош ҳудудларини қўриқлайди. Шунинг учун ҳам чегарачилар бу тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, фаоллари билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туришади.

Кўп ўтмай ҳамроҳим билан янги очилган постга йўл олдик. Анча олисда экан. Суҳбатимиз чегарачилар ҳаётига боғлиқ воқеалар асосида бошланди.

– Чегарачилик, – деди суҳбатдошим аллақандай бир ички ғурур билан. – машаққатли, беҳаловат, аммо шу билан бирга, лаззат бахш этадиган касбдир. Унинг шундай ҳузурбахш оромлари ҳам бўладики, уни икки оғиз сўз билан таърифлаш мушкул. Сизга яқинда рўй берган бир воқеани сўзлаб берсам, фикрларим яққолроқ аён бўлиши мумкин. Менинг асли вазифам тарбиявий ишлар билан шуғулланиш. Хизмат юзасидан чегара нарядларини ҳам текшириб тураман. Ўша куни биз чегарани кўздан кечириб, отда узоқ юрдик. Ўзимиз ҳам, отларимиз ҳам жуда толиққан бир ҳолатда навбатдаги соқчи олдига етиб келдик. Белларимиз сирқирайди, гўё йиқилгудекмиз. Шу топда чегарачи бизга мурожаат қилиб қолди:

– Ўртоқ майор, ҳов анави чироқни кўраяпсизларми? «Дамас»нинг чироғи. Тўхташ ишорасига парво қилмади.

– А! – шу товуш кифоя эди. Биз ҳам, отларимиз ҳам дарҳол, ҳушёр тортдик. От инсоннинг дўсти, деб бежиз айтмас эканлар. Товушимиз оҳангидан вазиятни сезиб олишига қойил қоламан. Ўша топда ҳам жиловни бўшатилса, учиб кетишга шай бўлган отларнинг иккала кўзи узоқлашиб бораётган чироққа қадалганди. Мен шеригимга юзландим. «Автоматни елкага ол! Кетдик!» Жиловни бўшатганимизни биламиз, отлар елдек учиб кетди. Тун қуюқлашиб қолганига қарамай, ўнқир-чўнқир йўлдан ўқдек учиб бораяпмиз. Қоронғуда отлар қоқилиб кетгудек бўлса, ҳолимиз нима кечиши хаёлимизга ҳам келмасди. Бирдан бир мақсадимиз чегарабузарнинг йўлини тўсиш. Шунда отларга яна бир марта қойил қолдим. Улар қоронғуда ҳам қаерга қадам ташлашни билишаркан. Бир неча километрдан кейин машинани қувиб ўтиб, йўлига кўндаланг туриб олдик. Шеригим дарҳол автоматни қўлга олди. Машинада бир неча миллион сўмлик моддий бойликлар олиб чиқиб кетилаётган экан... Бундай воқеалар чегарачи ҳаётида ҳар қандай шароитда, ҳар лаҳзада содир этилиши мумкин бўлган ҳолатдир. Шунинг учун бизга беш қўлдек аён нарса шуки, ҳеч қачон холис ниятли киши давлат чегарасига яқин йўламайди.

Янги пост чегарачилар учун қулай жойга ўрнашган экан. Улар ҳаёти билан яқиндан танишамиз. Бу ерда офицеру аскарларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилганига, юксак тартиб-интизомга, посбонларнинг бир-бирларига бўлган самимий муомаласига, ҳурмат-иззатига гувоҳ бўламиз. Бу ерда кўрганларимиз чегарачиларнинг Ватан осойишталиги ва халқ мулкининг дахлсизлиги учун доим ҳушёрлик билан хизмат қилишаётганига қатъий ишонч уйғотди, бизда.

Чегара постидан қайтар эканмиз, фидойи, ҳар қандай ёвуз кучларга қақшатқич зарба бера олишга қодир ўзбек чегарачилари кўнглимни тоғдек кўтарганини айтдим. Суҳбатдошим самимий жилмайиб қўйди.

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ.

ЛЕЙТЕНАНТЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида ҳам курсантларнинг битирувига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Тадбирни билим юрти бошлиғи генерал-майор Ш.Ниязов кириш сўзи билан очди. Сўнгра битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.

Маросим давомида Ички ишлар вазирининг ўринбосари полковник Алишер Шарафутдинов, Ички ишлар вазирлиги фахрийларни қўллаб-қувватлаш маркази раиси истеъфодаги генерал-майор Ғофур Раҳимов, битирувчиларнинг ота-оналари сўзга чиқишди.

Ёш офицерлар номидан минбарга кўтарилган битирувчи Раҳматилла Ортиқов етук билим ва касбий малакага эга, матонатли ва сабр-бардошли устоз офицерларга чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, берган қасамёди, бурчи ва вазифаларига доим содиқ қолажакларини, ҳеч қандай вазият, шароитда ҳам юрт посбони, офицер номига доғ туширмаслигини айтди.

Бундай тадбирларда кўплаб ота-оналар, битирувчилар яқинларининг иштирок этиши табиий. Ахир улар ҳам янги лейтенантлар қувончига шерик бўлишни, ҳаётларидаги муҳим воқеа билан қутлашни исташади-да.

– Ўғлим Дилмуроджондан ниҳоятда хурсандман, – дейди Азиза Ғоипова. – Ойи, мен албатта, офицер бўламан, дерди. Мана, ўз ниятига етди. Ҳадемай офицерлик фаолиятини бошлайди ҳам. Албатта, мен у билан фахрланаман.

Шу пайтгача кўплаб соҳа мутахассисларини етиштириб чиқарган Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг бу йилги битирувчилари ҳам янги жамоаларига тезда мослашиб, ўз ўрниларига эга бўлишларига, Қуролли Кучларимизнинг профессионаллари сафларини янада кенгайтиришларига ишонч билдириб қоламиз.

Лейтенант Т.ХУДОЙНАЗАРОВ.

СЕРЖАНТ ОФИЦЕР БЎЛМОҚЧИ

Шу кунларда мамлакатимиздаги барча ўқув юртларига абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёни давом этмоқда. Шу жумладан, олий ҳарбий билим юртларига ҳам шарафли офицерлик касбини танламоқчи бўлган азамат ўғлонлар ўқишга кириш умидида интилмоқдалар. Айтиш жоизки, бошқа ўқув масканларидан фарқли ўлароқ, ҳарбий билим юртлари ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Курсантликка номзодлар орасидан мазкур ўқув даргоҳига ҳар томонлама соғлом, бақувват, интилувчан ва билимдон ёшлар танлов асосида саралаб олинади. Тиббий ва жисмоний кўрикдан муваффақиятли ўтганлар навбатдаги босқичда тест асосида имтиҳон қилинадилар. Барча босқичдан муваффақиятли ўтганларгина курсант, деган номга сазовор бўлишади. Бугунги курсант – эртанги офицер. Офицер бўлиш эса юртнинг асл фарзандларига, фидойи ва мардларга насиб этади. Эл-юрт осойишталигини асрашга бел боғлаганлар масъулиятли ва мураккаб вазифалардан, ҳар қандай хавф-хатарга тик боришдан асло чўчимайди. Ватан ва халқ тақдирини ўз тақдиридан-да устун қўяди.

Ҳа, офицер бўлиш шунинг учун ҳам анчайин мураккаб ва камдан-кам инсонларгагина насиб этадиган касб. Қаҳрамонимиз Бахтиёр Мансуров ана шундай улкан мақсадга бел боғлаган оловқалб шунқорлардан. Ҳарбийликка ҳавас илк болалик чоғлариданоқ юрагида уйғонган Бахтиёр ўз мақсадига эришиш учун тинмай интилиб, изланиб келмоқда. У 2000 йили ўрта мактабни битириб, Самарқанд иқтисод коллежига ҳужжат топширганди. Омади бор экан, коллеж талабаси бўлди. Талабаликнинг олтин даврини бошдан кечираётган бир пайтда Бахтиёр ўз йигитлик бурчини ўташ учун армия хизматига отланди. Яхши тарбия кўрган, одобли йигит эмасми, тез орада сафдошлари ва командирларнинг ишончини қозонди.

У ўзига берилган ҳар қандай топшириқни сидқидилдан бажарар, хизматга виждонан ёндашарди. Шу тариқа аскарликни ҳам тугатиб уйига қайтган Бахтиёр яна ўқишини давом эттирди ва 2004 йил ҳуқуқшунос мутахассислиги бўйича билим юртини тугаллади. Аммо ҳарбийликка бўлган ҳавас унга тинчлик бермади ва шартнома асосида хизматни давом эттира бошлади. Шу билан бирга интилишу изланишдан ҳам сира толмади. Офицер бўлишдек мақсади йўлида тинмай меҳнат қилди, изланди.

— Кичик сержант Бахтиёр Мансуровга ҳар қандай шароитда, қандай топшириқ берилмасин ҳаммасини вақтида уддалайди, – дейди у ҳақда қисм командири подполковник Бахтиёр Саидов. – Офицерликни орзу қилган экан, бу мақсади йўлидан оғишмай олға боряпти, шунинг учун уни қўллаб-қувватлаб Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжат топширишини маслаҳат бердим. Ўйлайманки, бундай тиришқоқ йигитлар, албатта, мақсадига эришади.

Ҳа, атрофингда сени тушунадиган, ҳар қанақа вазиятда қўллай оладиган сафдошларинг борлиги инсонга кўтаринки кайфият бахшида этади. Мана имтиҳонларга ҳам бир мунча вақт қолди. Мақоламизни якунлар эканмиз, биз Бахтиёрга, унга ўхшаган йигитларнинг барчасига синовлардан муваффақият билан ўтиб, бахтиёр дамлари тезроқ келишини тилаб қоламиз.

Мавжуда МИРЗАЕВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Я – ГРАЖДАНИН ОТЕЧЕСТВА

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Быть гражданином страны, безусловно, почетно. Но быть гражданином независимой Родины – вдвойне почетно и ответственно. И потому мы можем смело утверждать, что гражданственность в нашей стране наполнена новым богатейшим духовным содержанием и охватывает широкий аспект качеств политического и нравственного звучания. Каждому из нас надо понять и глубоко осознать, что Республика Узбекистан – это не просто независимая Родина, это – моя родная, кровная и благодатная земля, земля моих отцов и дедов, моих великих предков, беречь которую я должен как зеницу ока. Для воина-узбекистанца понятие «защита независимой Родины» конкретизировалось, стало особенно понятным и близким, потому что в нем произошло максимальное приближение и совпадение понятий «малая» и «большая» Родина. А значит, более конкретной и ответственной стала военная служба, повысился ее престиж, ее роль и значение в жизни воина-гражданина.

Чем сегодня, на заре четырнадцатой годовщины независимости, характеризуется гражданственность воина-узбекистанца, каковы ее основные, наиболее характерные черты?

Важнейшей, определяющей чертой гражданственности воина-узбекистанца является гордость за свою суверенную, независимую Родину, ее успехи на пути независимости, всевозрастающий авторитет на мировой арене, за последовательную и бескомпромиссную борьбу против международного терроризма и религиозного экстремизма. За то, что наше Отечество – благодатный край. **«Наши подземные и наземные богатства, экономический, научно-технический и духовный потенциал и возможности, которые созданы трудом предшествующих поколений, являются гарантией повышения благосостояния всех живущих на нашей земле людей, залогом социального прогресса Узбекистана».** Так говорил о богатствах родной земли Президент И.А.Каримов на торжествах, посвященных первой годовщине независимости страны. А впереди – четырнадцатая годовщина. Посмотрите на нашу Отчизну с высоты четырнадцатого «этажа». Посмотрите, как она изменилась, похорошела, преобразилась. Какими прекрасными, неузнаваемо красивыми стали ее города, поселки, кишлаки! Так и хочется воскликнуть: «Как прекрасен этот мир!» Мир, созданный трудолюбивым и мужественным народом Узбекистана. И разве можно не любить этот мир, эту прекрасную благодатную землю, эту независимую Родину.

И вполне естественно, что гражданственность воина-узбекистанца, питаемая этим высоким и непреходящим чувством любви к независимой Родине, побуждает его постоянно совершенствовать свои профессиональные знания и боевое мастерство, сверять свои дела и поступки с потребностями и заботами страны.

Отсюда и вторая характерная черта гражданственности воина-узбекистанца – его высокая активность в служебных делах, высокая ответственность перед народом за порученное ему дело. В гражданской ответственности воина-узбекистанца аккумулируется, прежде всего, его забота о безопасности страны, боевой готовности Вооруженных Сил, своей части и подразделения.

Сегодня наши Вооруженные Силы живут напряженной, полнокровной жизнью, заботами о повышении профессионализма и интеллектуального уровня, об укреплении воинской дисциплины и уставного порядка. Их важнейшая, первостепенная задача – достойно встретить День независимости. Завершившийся первый месяц боевой учебы летнего периода обучения показал, что части и подразделения получили хорошее пополнение, способное качественно решать стоящие перед войсками задачи. Надежное, профессионально подготовленное пополнение получают части и подразделения из числа выпускников военных училищ и Академии Вооруженных Сил. Это люди высокой нравственности, собранности, любви к Родине и к ратному труду. Вливаясь в воинские части и подразделения, они способны не просто оздоровить атмосферу их жизнедеятельности, но и поднять нравственный тонус жизни воинских коллективов, сплотить воинов для более успешного решения стоящих задач. Они – носители всего передового, что свойственно нашей армии. Они – люди совестливые. А совесть, как известно, является движущей силой гражданственности.

Мы ценим наших военнослужащих прежде всего за высокую гражданственность, за самоотверженность, за верность Отечеству, за риск, за то, что армия в любых обстоятельствах остается верной воинскому долгу и спокойно делает свое дело. Пример тому – события в Андижане. Наши военнослужащие проявили истинный героизм, действуя против пробравшейся в нашу страну банды террористов. Многие из них пожертвовали своей жизнью во имя сохранения мира и стабильности в стране, во имя благополучия людей, но не уронили чести и достоинства защитника Родины. Они – подлинные подвижники, настоящие герои нашего времени. Память о них священна. Имена героев золотыми буквами будут вписаны в историю нашей независимой Родины.

Говоря о гражданственности, хочется подчеркнуть, что мы живем в исторически значимое время. И наш долг – довести до сознания людей и прежде всего молодого поколения, о котором у нас забота особенная, очень простую и вместе с тем очень важную мысль. Чтобы быть достойным нашего времени, человек должен осознать себя продолжателем идей, традиций и дел великих предков, героев-фронтовиков, всех тех, кто отдал свою жизнь за независимую Родину. Он должен знать, как закладывался фундамент независимости, услышать биение пульса нашей общественной жизни, прикоснуться к истории современности не только умом, но и сердцем. Эту задачу можно решить только воспитанием. А учитывая то, что сегодня нас сопровождают динамичные, быстроменяющиеся, противоречивые и иногда непредсказуемые реалии, мы должны как никогда поднять уровень всей нашей воспитательной работы. **И не только воспитательный, но и весь учебный процесс должен в гораздо большей мере нести мировоззренческое содержание, пропагандировать идеалы независимости, нашу национальную идею и идеологию национальной независимости.**

Воин-узбекистанец – человек государственный. Он – гражданин Отечества, не только представитель народа, источник власти, но и ее гарант. Он – детище народа, его надежный вооруженный защитник. И чувствуя это, народ инстинктивно тянется к своему детищу, не только когда надо оказать помощь в уборке урожая или при ликвидации стихийных бедствий, но, прежде всего, как к силе, способной в любых условиях защитить народ от бесчинств международных террористов и религиозных экстремистов, сохранить мир и стабильность в стране, защитить ее независимость и территориальную целостность. А защищая народ и государство, воин-узбекистанец защищает и свою семью, ее покой и благополучие.

А.ХЛЫЗОВ.

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!

НИҚОБЛАНГАН «ДЕМОКРАТИЯ»

Табаррук заминимизда, Тожикистонда бўлгани каби, фуқаролар урушини бошлаш, ҳокимиятни қўлга олиш ва Ўзбекистонда толиблар тартиботини ўрнатишни истаган инсон қиёфасидаги ваҳшийлар қолдирган ярадан ҳамон қон томаяпти, бу жароҳат андижонликлар ва бутун Ўзбекистон аҳлининг юракларини, қалбларини аста-секин эзмоқда. Ушбу жиноят йўлида улар ўнлаб бегуноҳ инсонларни қурбон қилишди, воқеадан айнан ўз хўжайинлари хоҳлаганидек фойдаланишди. Аммо жангарилар пировардида қилмишига яраша жазо олди. Кимки қўлида қурол билан, ўз халқига қарши борган бўлса, муносиб ва кескин жазога юз тутди, Қуролли Кучларимиз ва ҳуқуқ посбонларимизнинг қатъияти, уларнинг ўз Ватани ва Конституциясига садоқати ғаламисларни тўхтатди.

Ёлланма қотиллар – хўжайинларининг жиноятқорона буюртмаларини бажарганларни айнан шундай аташ мумкин холос – ўз ишини ўнлаб навқирон аскарларни, зобитларни, ИИВ ходимларини ўлдириш билан бошлади, қонсиради ва бегуноҳ инсонлар бошига етди ҳамда адолатли равишда кўплари ўз қонига ўзи ғарқ бўлди. Ўзбек халқига ва унинг табаррук заминига қарши қўл кўтаришга журъат қиладиган, унинг Конституцияси, ҳудудий яхлитлиги ва миллий мустақиллигига раҳна солмоқчи бўлган ҳар қандай кимсани ана шундай қисмат кутади.

Буни тўполонларнинг ташкилотчилари, уларнинг ҳозирча озодликда юрган хориждаги эгалари ва халқаро ҳомийлари ҳам тушуниши ва ўз танасига ўйлаб кўриши лозим. Аллоҳ буюкдир. Ҳар кимга қилмиши учун бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазо муқаррар.

Бу оддий сўзлар эмас. Андижонда содир бўлган фожиали май воқеаларида маҳаллий жангарилар ва хориждаги ҳомийлар йўриғига қариндошларидан бошқа бирор кимсанинг юришини тасаввур қилиш қийин. Ўз жамиятига қарши чиққан камдан-кам кимсаларни ҳисобга олмаганда, бутун халқ бу жиноятчиларнинг ният ва вазифаларини яхши тушуниб турибди ва айниқса, кимларнингдир она диёримизда қонли урушлар бошлашига асло чидаб тура олмайди.

Ва бу фақаттина ўзбекистонликлар учун хос эмас. Мисол тариқасида 1999 йилнинг августида Доғистоннинг Цунтинск, Цумадинск ва Ботлихск районларида юз берган воқеаларни, тиш-тирноғигача қуролланган Ш.Басаев бошчилигидаги чечен жангарилари Доғистон ичкарисига кира олмаганлигини келтириб ўтиш мумкин. Уларни ўз замини, ўз маскани, ойласи, миллий ғурури ва инсоний қадрини ҳимоя қилиш учун отланган халқ тўхтатганди. Доғистонда террорчилар йўлига ғов бўлиб чиққан инсонлар ўз ватанида четдан келган ёлланма қотиллар ҳукмронлик қилишини, ўрта асрлардаги шариат қонунлари асосида Доғистон фуқароларини кўчаларда қаторасига отиб ташлашини истамаган инсонлардир. Бизнинг ватанимиз ва халқимизга қарши террорчилик хуружини амалга оширишга журъат қилганларни ҳам Ўзбекистондан олисда жойлашган Доғистондаги жангариларнинг қисмати кутади.

Бир неча йилдан буён террорчиларга қарши кураш олиб бораётган Россияда Андижонда юз берган воқеаларни холисона баҳолашмоқда.

Шу йил 2 июнда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири С.Лавров баёнот берди. «Бизда Ўзбекистонда содир этилган воқеаларга қатор исломий ақидапарастлар, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» тузилмалари, толибларнинг қолдиқлари ва айрим чечен жангарилари аралашганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор», деди. Россия вазири «Бу воқеа қандай юз берганлигини, қуролланган гуруҳ Ўзбекистонга қайси йўллар билан кириб борганини, одамларни, қуролларни, биноларни қандай эгаллаб олганлигини» текшириш лозимлигига эътибор қаратди.

Россия Федерацияси Ҳарбий фанлар академияси академиги, полковник В.Поповнинг фикрича, «гуруҳнинг хатти-ҳаракатлари жуда усталик билан йўналтириб турилган. Ҳарбий қисмни қўлга олиш ва катта миқдордаги қурол-яроғни эгаллаш, БТРларга ўтириб, милиционерлар ва давлат хизматчиларини ота бошлаш учун кучли тайёргарликдан ўтган бўлиш керак. Буни, албатта, хориждан молиялаштириладиган ақидапарастлар уюштиришган».

Кама бўйи минтақаси муфтийси, Россия мусулмонлари идораси Марказий бошқаруви ижроқўмининг раиси Муҳаммадали Хузиннинг фикрига қараганда, Андижондаги вазиятдан диний экстремистлар билан бир қаторда, учинчи бир куч ҳам фойдаланиб қолишга уринган. Унингча, юзага келган бундай вазиятда «ўзбек ҳукумати ҳам, қирғиз ҳукумати ҳам ўз ҳокимиятидан қатъий фойдаланиши лозим. Россия ҳам бу масалада четдаги кузатувчи сифатида қолиб кетмаслиги керак. Россияда экстремистик оқимларнинг тарқалиши учун пойдевор яратилган. Бизда 15 йилдан буён турли исломий ақидапарастлик гуруҳлари расмий ёки норасмий равишда фаолият олиб бормоқда».

Андижонда террорчилик хуружларини ташкил этганлар хатти-ҳаракатларининг яққол иноний характерига қарамасдан, бир қатор таъсирли кучлар ҳеч бир айби йўқ инсонларни ўлдирган, Андижондаги қамоқхонадан олти юз маҳбусни бўшатиб юборган безориларни оқламоқчи бўладилар. Бу кучлар учун жангарилар амалга оширган барча ваҳшийликлар «тинч демократик митинг» бўлиб кўринади. Шу маънода таъкидлашни истардикки, ҳар қандай давлатда, хусусан, Ғарбдаги демократик мамлакатларда ҳам бирор нарсадан ўз норозилигини ифодалаш учун қурол-ланган гуруҳлар қўшни давлатдан унинг ҳудудига бостириб келмайди, ҳарбий қисмларига ҳужум қилмайди, катта миқдордаги қуролларни эгаллаб олиб, унинг фуқароларини ўлдирмайди. Бундай «демократия» ўша Ғарбда қандай тавсифланади? Бу жавоби йўқ савол эмас, чунки шу каби қилмишларни жаҳон ҳамжамияти бир овоздан террорчилик хуружи деб баҳолайди.

Айрим оммавий ахборот воситаларининг ёлғончилигини кўрсатиб бериш учун қуйидаги рақамларни келтириш мумкин. Ҳозирги пайтга келиб, «бошпана қидираётган шахслар» учун махсус лагерларда Андижондаги фожиали воқеалардан сўнг Қирғизистон ҳудудига бориб қолган 510 нафардан зиёд «қочоқ»лар орасида 490 нафар ўзбекистонликлар мавжуд: 18-50 ёшдаги 384 нафар эркак, 85 нафар аёл, 21 нафар бола (улардан уч нафари эмизикли ёшда, қолганлари эса мактаб ёшида). Лекин кўплаб Ғарб оммавий ахборот воситалари сўзларни шундай айлантирган ҳолда репортажлар бераяптики, худди лагерда фақаттина аёллар ва болалар бордек тасаввур ҳосил бўлади. «Қочоқ»ларнинг «тинч» одамлар эканлигига «Интерфакс» агентлиги маълумотлари ҳам гувоҳлик беради. Агентликнинг Қирғизистон миграция хизматидаги манбага таяниб тарқатган маълумотларига кўра, қочоқ деб аталаётганларнинг кўпчилиги 22-35 ёшдаги эркаклар бўлиб, ҳаммасининг елкасида автоматлар осиб юрганидан далолат берадиган кўкиш излар бор. Бироқ бундай далиллардан «демократик» ОАВ мутлақо кўз юммоқда.

«Қочоқ»ларнинг дастлабки рўйхатида Қирғизистоннинг 37 фуқароси бўлганлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Улар қирғиз ҳукумати томонидан «қочоқ»ларнинг асосий қисмидан ажратилиб, тушунтириш хатлари ёзиб олингач, уй-ўйларига қўйиб юборилди. Савол туғилади: қўшни давлатнинг қирққа яқин фуқароси тўполон ичида қандай қилиб пайдо бўлиб қолди? Қачондан буён қўшни мамлакат фуқаролари бошқа бир давлатда яна қўлида қурол билан оммавий тартибсизликлар уюштирябти?

Албатта, бизда Қирғизистон Республикасида юзага келган инқирозли жараёнларнинг бутун мураккабликларини яхши тушунадилар. Бундай вазият, биринчи навбатда, Қирғизистоннинг собиқ президенти А.Акаевнинг фаолияти, тўғрироғи, фаолиятсизлиги туфайли юзага келган палапартишлик, тўполон кўтарган нодавлат ташкилотларнинг ҳақиқий бебошлиги билан боғлиқ. Сўнгги воқеалар кўрсатганидек, бу ташкилотлар жиноятчи ва террорчиларни очиқдан-очиқ ҳимоя қилиш, уларга «демократлар ва тинч деҳқонлар» либосини кийгизиш билангина чекланишмаяпти: қарабсизки, бу кетишда хориждаги ҳомийлар уларга нафақат ахборот уруши учун, балки энди терактларни амалга ошириш учун ҳам грант ажрата бошлайди.

Қирғизистоннинг янги ҳукумати Андижон воқеаларининг биринчи кунлариданоқ ҳукумат даражасида оқилона ҳаракат қилди ва ҳозир ҳам юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш учун Ўзбекистон билан ўзаро мақбул йўл топишга уринмоқда. Қирғизистон бош вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Кулов шу йил 23 майда шундай баёнот берди: «Андижондаги тартибсизликлар халқаро террорчилик ташкилотларига алоқадор шахслар гуруҳи томонидан режалаштирилган ва ташкил этилган, агар қочоқларга қарасангиз, уларнинг хатти-ҳаракатлари таажжуб уйғотадиган даражада уйғун шаклланганлигини кўрасиз, бу эса шубҳа туғдиради…». Бундай қараш изчил бўлишига умид билдириб қоламиз…

Бироқ бу ва бошқа барча баҳс талаб қилмайдиган фактлар кимларнингдир қўлида қўғирчоқ бўлган нодавлат ташкилотлар ҳамда улар ортида турган яна қудратлироқ кучлар томонидан ошкора рад қилинмоқда. Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Уларнинг қўшалоқ стандартлари билан, уларнинг пул ва геосиёсий эҳтиёжларни умуминсоний қадриятлар, ўзбек халқининг ўз ерида тинч ҳаёт кечириш, ўз болалари учун осудалик ва хотиржамликни таъминлаш ҳуқуқидан устун қўйиши билан изоҳланса керак?! Бу эса жуда кучли ғоя…

Наҳотки Андижон воқеаларининг четда турган «режиссёр»лари ўйлаб кўришмаса, ахир, Ўзбекистонда пул учун ўз қариндошлари ва яқинларини, қўни-қўшниларини ва юртдошларини ўлдиришга, бизнинг еримизда ўзга тартиботларни ўрнатишга тайёр бўлган бир неча юз безориларгина эмас, балки 25 миллиондан ортиқ ўзаро жипслашган халқ ҳам бор!

Ҳа, бу хорижий «политтехнологлар» кўзларига қарасинлар, агар улар Худо асрасину, яна бир марта давлатимиз ва халқимизга қўл кўтарадиган бўлса, бундай жиноятчилар ва уларнинг ҳамтовоқлари нафақат қуролли кучлар, балки халқнинг ўзидан чиққан посбонлар томонидан ҳам йўқ қилиб юборилади. Бундай халқ кўнгиллилари аскарлар ва зобитлар билан елкама-елка туриб жангарилар ва ёлланма қотилларнинг илдизини қуритади. Шунда бу «режиссёр»лар ўзбек халқининг ўз она Ватанида озод ҳаёт кечириш учун курашини, миллий суверенитетнинг ҳақиқий рўёбини кўришади.

Ўзини ҳурмат қилган ҳеч бир ўзбек ватанида қандайдир аблаҳ кимсалар ҳукмронлик қилишига, белгиланган узунликда соқол қўйиб юришга мажбур қилиб, унинг шахсий ҳаётига аралашишига, телевидение сингари халқ анъаналари ва тараққиёт ютуқларини тақиқлашига, унинг онаси, аёли ёки қизининг уст-боши қандай бўлиши кераклигини белгилашига, ўзининг аждодлари яшаб ўтган ерга биров келиб ўзгача тартиботларни ўрта асрлардаги хурофотчилар тушунчасидаги бузилган шариатни, шаҳар ва қишлоқларимиз майдонларида омма «қувончи» учун қўл ва оёқ кесиш амалиётини жорий этишига чидаб тура олмайди.

Ўзини ҳурмат қилган ҳеч бир ўзбек «демократ» деб аталаётганлар демократия ниқоби остида бу ерда биз учун гуноҳ деб саналадиган ҳиссиётлар эркинлигини урчитишига, фаҳшни тарқатадиган тунги клублар ёки зино қилувчилар ҳуқуқини ҳимоялаш қўмиталарини очишига, Ўзбекистонни турли товламачилар ва халқаро миқёсдаги чайқовчилар учун маконга айлантиришига индамай қараб тура олмайди. Қандайдир ҳуқуқ ҳимоячилари унга ўз аёли билан қанақа муомала қилиш, фарзандини қандай тарбиялаш, ота-онаси билан қандай сўзлашиши кераклигини буюришига ҳам жим турмайди. Бу оддий сўзлар эмас. Бундай «ҳуқуқ ҳимоячилари»нинг маърузалари, ўз «грант»ларини оқлаш учун маҳаллалардаги оилаларга кириб, ёш келинчакларга эри билан ажрашиши, «мажбурий меҳнат» сабабли ўз қайнота-қайнонаси устидан шикоят қилиши учун пул таклиф қилганликлари ҳамон ёдимизда. Ва бундай ғаламисликларни кимлардир янада ҳафсала билан ҳамон давом эттирмоқда.

Биз бу каби очиқ ҳақиқатлар турли «хайрихоҳлар» учун аллақачон, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ тушунарли бўлгандир, деб ўйлагандик. Аммо уларнинг мамлакатимиздаги ўзларини тутиши ва суверен давлатнинг ички ишларига аралашмаслик ҳақидаги адолатли талабларга жавоби карнинг соқов билан суҳбатини эслатади. Ўша ғарбликларнинг ўзида шундай мақол бор: «Бошқа жойга ўз ақиданг билан борма». Бироқ бу «демократия элчилари» бизнинг юртимизга нафақат «ўз ақидалари билан келишди», балки бу ақидаларга бизнинг ҳам бўйсунишимизни талаб қилишмоқда.

Биз Марказий Осиёнинг, тўғрироғи, Осиё қитъасининг қоқ марказидаги давлатмиз. Мамлакатимиз аҳолисининг 90 фоизини мусулмонлар ташкил этади. Бу ерда ўзининг ахлоқий қадриятларини тиқиштириш бефойда. Масалан, протестант Англиянинг ахлоқий қадриятларини ўзининг кўп асрлик миллий анъаналарига эга бўлган, маҳаллада яшовчи тақводор мусулмонга зўрлаб тиқиштириш асло мумкин эмас. «Янги миссионерлар» маҳаллий аҳолига, унинг анъаналари, урф-одатлари, диний қарашларига жуда беписанд муносабатда бўлмоқдалар. Аслида улар ҳеч бир янгилик ўйлаб топганлари ҳам йўқ, фақат ниқобни алмаштирдилар, холос. Турли хил таклифлар, шиорлар билан мустамлакачилик давридаги сиёсатни давом эттиришмоқда. Собиқ СССР даврида, шундай аташ мумкин бўлса, коммунистик мустамлакачилик даврида Ўзбекистонда улкан завод ва фабрикалар қурилган, уларни бунёд этиш учун ўн минглаб ўзбек деҳқонига ўхшаган оддий ишчи ва муҳандислар келган, юз минглаб янги иш ўринлари яратилган бўлса, янги «мустамлакачи»лар «қулоққа тепиш» билан овора.

Бундай «демократлаштириш» қандай оқибатларга олиб келишини қўшни Қирғизистон мисолида аниқ кўриш мумкин.

«Демократлаштириш» ушбу мамлакатда саноатнинг вайрон бўлишига, қишлоқ хўжалигининг издан чиқишига, қирғиз халқининг минг йиллар давомида шаклланган анъаналари пойдевори қулашига олиб келди. Ваҳоланки, ўз халқи олдидаги субутсизлиги ва масъулиятсизлиги туфайли собиқ президент А.Акаев ҳокимиятни 1992 йилдан буён турли хил халқаро фондлар, ҳуқуқ ҳимоячилари ҳамда шуларга ўхшаганлар (халқ орасида уларни «демократлар» эмас, «дерьмократлар» деб аташади) қўлига топшириб қўйган эди. Қирғизистонни «ташқаридан туриб бошқарган» бу янги «миссионерлар» ўзларининг 15 йиллик фаолиятлари даврида битта ҳам йирик саноат ёки қишлоқ хўжалик корхонаси қурмади, ҳеч бўлмаса, бирор нарса ишлаб чиқарадиган ёки аҳолини даволайдиган ижтимоий марказ ҳам бунёд этмади.

Бу «миссионерлар» ва ўзларини нодавлат ташкилотлари ходимлари деб атаётган уларнинг югурдаклари асосан бор нарсаларни барбод қилиш билан банд. Улар саноатни бутунлай вайрон этишди. Саноат корхоналарининг қолган-қутганлари сўнгги икки-уч йилда Россиядан келган сармоя ҳисобига энди сал жонлана бошлади. Қирғизистоннинг тоғ яйловларида бир пайтлар 10 миллион бошдан кўпроқ қўйлар бор эди, ҳозир уларнинг бир миллиони ҳам қолмаган. Ўн йиллардан буён қирғиз овуларига сув (кўп жойларда бу ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланади) етказиб берадиган канал ва коллекторлар ташландиқ ҳолда ётибди. Натижада 1,3 миллион гектар суғориладиган майдонларнинг ярмидан кўпроғи суғорилмоқда, холос. 975 минг гектар суғориладиган ерлар 2,6 миллион фуқаро (ҳар бир одамга 0,38 гектардан) ўртасида бўлиб олинган. 1,5-2 гектар ери бор одамлар илмий асосланган алмашлаб экиш ёки зарур ирригация иншоотларидан фойдаланиш имконига эга эмас. Шу боис, қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб, 2004 йилда 1991 йилга нисбатан олиб қараганда 60 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, ҳозирги пайтда Қирғизистон ЯИМ ишлаб чиқариш тизимида қишлоқ хўжалиги улуши 40 фоизни ташкил этмоқда. Тоғ институти директори ўринбосари Абдурасуловнинг таъкидлашича, ердан қанчалик «самарали» фойдаланилаётганини қуйидаги мисолдан ҳам билса бўлади: чекка ер олган фуқаролар ўз ерларини ўртача 500-1000 қирғиз соми (12-25 АҚШ доллари)га тенг келадиган тўрт-беш қоп буғдойга ижарага бериб юбормоқдалар. Бу ўртада, қирғиз амалдорларининг бир қисми халққа тегишли мулкни сотиш ҳисобига чўнтагини қаппайтириб олди. Бунга «Қумтор» олтин кони билан боғлиқ воқеа мисол бўла олади. 2003 йилнинг 31 декабрь куни қирғиз ҳукумати «Қумтор» Қирғизистон – Канада қўшма корхонасини – «Центерра» қўшма корхонасига айлантиришга розилик билдирди ва табиийки, янги корхонада давлат улуши 51 фоиздан 33 фоизга камайди. «Қумтор» қўшма корхонаси 1996-2003 йиллардаги фаолияти давомида ҳаммаси бўлиб 150 тонна олтин қазиб олди. Таъкидлаш лозимки, бундан Қирғизистон бюджети бор-йўғи 94 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда кўрди, холос. Шунинг ҳам 80 фоизи солиқ, қолгани эса қўшма корхонадаги давлат улушининг дивидендлари тарзида келиб тушган.

2004 йилнинг 25 декабрь куни собиқ президент А.Акаев «Қумтор» қўшма корхонасидаги давлат улушининг 11 фоиз акциясини 87 миллион долларга сотилишини маълум қилди. Маҳаллий танқидчилар мазкур корхонада давлат улуши камайгандан сўнг фойда бирдай кўпайиб кетганига эътибор қаратишмоқда. Масалан, 2003 йилнинг учинчи чорагида қўшма корхонанинг фойдаси 2,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2004 йил учинчи чораги натижалари бўйича фойда миқдори 28,7 миллион долларга етди. Шундай қилиб, бир йилда фойда миқдори ўн баравар ошди. Собиқ бош вазир Н.Танаевнинг таъкидлашича, «Қумтор» олтин конидаги давлат улуши Қирғизистон саноат ишлаб чиқаришининг 50 фоизини ташкил этади. Собиқ раҳбарларнинг «менежерлик» истеъдодлари туфайли Қирғизистон Канаданинг «Калико» компаниясидан яна 35 миллион АҚШ доллари қарз бўлиб қолмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига қараганда, 2004 йилнинг 1 июлига келиб Қирғизистоннинг қарзи салкам 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Унинг 172 миллиони ички қарзлар, қолган 1,8 миллиарди эса ташқи қарзлардир. Шунинг учун мухолифат ҳукумат томонидан 780,3 миллион доллар, яъни 48,3 фоиз халқаро кредитлар «дастурий ва техник ёрдамлар: маслаҳатлар, семинарлар ўтказиш, иқтисодни ислоҳ қилиш бўйича тренинглар ва таълим дастурларига» сарфланганини танқид қилиб чиқди. Агар салкам 800 миллион доллар «демократик маслаҳатлар, бўлажак Сорос зурриёдларига фуршетлар учун» сарфланмасдан, саноат корхоналари қуришга ишлатилганда Қирғизистоннинг барча вилоятларида ҳар бири 20 миллион доллар турадиган бештадан тўқимачилик комбинати қуриш мумкин эди. Бу корхоналарда уч-тўрт минг ишчи ўринлари, шу билан бирга, икки ёки уч минг хизмат кўрсатиш ўринлари ташкил этилган бўларди. Хуллас, мамлакат бўйича саноатда 120-160 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 80-120 минг янги ишчи ўринларни яратиш мумкин эди. Уларнинг оила аъзоларини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, Қирғизистон бўйича 1 миллионга яқин киши ойлик тирикчилигини ўтказган бўларди. Юқорида таъкидлаганимиздек, собиқ президент А.Акаев ўзидан келган сармоя 2 миллиард доллар қарз билан бирга, вайронага айланган саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигини қолдирди. Иқтисод фанлари доктори А.Манбетовнинг қайд этишича, ўтган ўн йилликка (1981-1991 йиллар) солиштирганда 1992-2002 йилларда ЯИМ ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича 3,5 бараварга камайган.

Аслида «демократлаштирувчилар»нинг ғояларига кўра «тоталитар денгиздаги демократия ороли» сифатида Қирғизистон гуллаб-яшнаши керак эди. Аммо охир-оқибатда ўз қоринлари ва чўнтаклари раҳбарлар учун Қирғизистондаги оддий одамларнинг фарзандлари келажагидан муҳимроқ бўлиб чиқди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бугун ўша нодавлат ташкилотларнинг катта қисми ўзбек-қирғиз чегарасида кескинлик келтириб чиқаришга уринмоқда. Қирғизистон иқтисодини ривожлантириш, Андижон–Ўш–Иркештом–Қашқар темир йўл қурилиши каби халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича икки давлат раҳбарлари ўртасида бошланган фаол ҳамкорликка оид изчил фикр алмашинувларга қаршилик қилишга уринмоқда. Бу билан бақироқлар «бош демократлаштирувчи» Соросниг навбатдаги грантини қўлга киритмоқчи. Бакиев-Кулов жуфтлиги фаолиятида ҳар қандай ютуқ ва фаоллик шундай ҳам ўз тарафдорларини йўқотиб бораётган бу бузғунчиларни ҳалокатга олиб келиши аниқ.

Ўзбек-қирғиз ҳамкорлигига қарши бузғунчиликка қуйидаги далил мисол бўла олади. Бир бўлак «демократлаштирувчилар» шу йилнинг 1 июнь куни «Тинчлик ва зиддиятлар водийси» лойиҳасини туздилар. Бундан мақсад Қирғизистоннинг мамлакатимиз чегарасига яқин жойлашган жанубий вилоятлари радиостанцияларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонга қарши ахборот урушини бошламоқчи. Хўш, бунга Ўзбекистон қандай жавоб бериши керак? Чегараларни ёпиш, турли чеклашлар жорий этиш ёки худди улардек Қирғизистон ҳудудига ахборот уруши эълон қилиши мумкин. Ўзбекистоннинг жавоби туфайли Ўш, Боткент, Жалолобод вилоятлари аҳолисининг ўзиям ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасида миллатлараро нифоқ келтириб чиқаришга уринаётган маҳаллий раҳбарларни ҳам, П.Гломскийга ўхшаган бузғунчиларнинг танобини тортиб қўйиш ҳам мумкин. Ва яна қарангки, бу бузғунчиликка Соросга яқин тизим – «ОАВ-ни халқаро қўллаб-қувватлаш» ташкилоти маблағ ажратди. Шу ерда ҳақли савол туғилади: қачондан бошлаб халқаро «қўллаб-қувватловчилар» Қирғизистон ҳудудида туриб бу қадим заминнинг икки халқи ўртасида келишмовчилик уйғотадиган бўлиб қолди? Наҳотки улар 1990 йилги Ўш қирғини қайтарилишини исташаётган бўлса? Наҳотки Қирғизистоннинг жанубий вилоятларидаги маҳаллий раҳбарлар нодавлат ташкилотлар ниқобидаги чет эл махсус хизмати ходимлари уларнинг ҳудудида амалга ошираётган бузғунчилар туфайли шундай зиддият келиб чиқиши мумкинлигини ҳис этмаяптилар? Бу раҳбарлар уйларида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш учун уларни ўзларига раҳбар этиб сайлаган халқ олдидаги масъулиятни қачон ҳис этишар экан?

Барчага маълумки, иқтисодиётни ривожлантириш учун, аввало, қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур. Қирғизистон учун асосий ҳамкорлар – Хитой, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳисобланади. Турли нодавлат ташкилотларнинг асосий мақсади эса шундай ҳамкорликка йўл қўймасликка қаратилган. Қирғиз нодавлат ташкилотларининг Қозоғистон президенти Н.Назарбоев ва Хитой раҳбарлари снёсатига оммавий ҳужумлар уюштириши тагида ҳам шу мақсад ётибди. «Ким пулини тўласа мусиқани ҳам шу буюради», дегани шу бўлса керак-да. Бугунги қирғиз нодавлат ташкилотлари «мусиқачилари» ўз олдиларига – Марказий Осиёдаги қардош халқлар орасида низо уйғотиш, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида зиддият ва жанжаллар келтириб чиқаришни аниқ мақсад қилиб олган кўринади. Бунга қарши ўзбек ва қирғиз халқлари шундай дўстлашишлари керакки, орага низо солмоқчи бўлганлар лабларини тишлаб қолсин. Биз ҳамкорлик туфайлигина нафақат бугунги, балки келгуси авлодга ҳам тинчлик ва хотиржамлик ҳадя эта оламиз.

Икром СОДИҚОВ,
Олим ШАРИПОВ.
(«Халқ сўзи» газетасининг 118-сонидан олинди).

Муносабат

«АНЖАНЧА» ФЕЪЛ-АТВОР

«Бошқа вилоятларимизни камситмаган ҳолда, очиқ айтишимиз керакки, Андижон халқи ўзининг азму шижоати, янгиликка интилиши, тадбиркорлиги билан нафақат мамлакатимизда, балки чет эллик ҳамкорларимиз ўртасида ҳам обрў-эътибор топмоқда».

Андижон ҳақида сўз кетганда, аввало кўз олдимда, оқ яктак кийган, белини белбоғ билан боғлаб, дўппи кийган кишилар намоён бўлади. Вужудидан куч ёғилиб турибди. «Қандай ишингиз бор, қани айтинг, бажарамиз», дейди улар. Ғайрати бисёр, шижоати баланд, янгиликка ўч одамлар. Энг муҳими, ишбилармону тадбиркор. Айтган гапида туришади.

Менинг назаримда, чойхона дастлаб Андижон томонларда ташкил этилгандек. «Андижон чойхонаси»да ҳеч бўлганмисиз, кекса-ёш йиғилади бу жойда. Республикамизда юз бераётган ўзгаришлардан гап очилади, дунё янгиликлари хусусида гурунг бўлади. Одамларни жипслаштирадиган, бирлаштирадиган маънавият маркази бу ер. Андижон девзираси фақат ўзимизда эмас, қўшни республикаларда ҳам машҳур. Нега? Таъми зўр, калорияси кучли. Андижонлик бободеҳқоннинг пешона тери билан етиштирилаётган шолининг ҳосили у. Чойхоналарда андижон девзирасидан андижонча ош дамланади.

Андижон воқеаларидан олдин ҳам, кейин ҳам у ердаги чойхоналар одамлар билан гавжум. Кексалар бу борада фикр билдиришяпти, ёшлар ўз сўзини айтишяпти. Нега шундай бўлди, қаерда камчиликларга йўл қўйилди, муҳокама қилиняпти. Яна шундай воқеалар содир бўлмаслигининг чора-тадбирлари кўриляпти, барчани ҳушёрликка чорлашяпти.

Бир сўз билан айтганда, ўзига хослик , «анжанча» феъл-атвор эгаси улар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида нафақат мамлакатимизда, балки чет эллик ҳамкорлар ўртасида назарга тушиш унчалик осон иш эмас.

Бугунги кунда Андижон вилоятида ривожланган давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган 90 дан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ана шунинг натижаси ўлароқ, вилоят иқтисодиётига умумий қиймати 1 миллиард 218 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоялар киритилган.

Бизнесменлар нега айнан андижонликлар билан шериклик қилишга ошиқишмоқда? Сабаби аниқ: андижонликлар ўз касбининг устаси, билимдон, ғайрат-шижоатли, бир сўзли одамлар. Айтган сўзида туришади, лабзи ҳалол. Шундай одамлар билан шериклик қилишса, ютқазишмаслигини билишади, ўша жаноблар.

«ЎзДЭУавто» заводи, «Алишер Навоий интернешнл», «Андижон кабель», «Андижон полипропилен» каби йирик қўшма корхоналар, кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари дунёнинг 38 мамлакатига ўз маҳсулотларини «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган белги билан экспорт қилмоқда.

Мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини қўлга киритишида ҳам андижонликларнинг муносиб улуши бор. Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари ғалла масаласида қийинчиликка дуч келганимиз бор гап. Баъзилар Ўзбекистон ўзини ўзи ғалла билан таъминлашига шубҳа билан қарашган эди. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли бу борада ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботладик. Бу соҳада ҳам андижонликлар биринчилар қаторида бўлишди.

Давлатимиз раҳбари сўзлари билан айтганда: **«Ўзингиз ўйланг, тўрт-беш йил ичида вилоят бўйича ғалла ҳосилдорлиги гектарига 34 центнердан 75 центнерга кўтарилгани ҳақиқий меҳнат жасорати эмасми?»**

Андижонда яратилган буғдойнинг «Чиллаки», «Андижон-2» сингари янги навлари ўзининг тезпишарлиги билан ажралиб туради.

Андижонлик пахтакорларни-ку, айтиб ўтирмай. Донғи бутун дунёга кетган.

Бугун андижонлик уста пахтакорларнинг ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, деҳқончиликнинг янги усул ва технологияларини жорий этиш борасида ўзига хос мактаб яратганини кўпчилик эътироф этмоқда.

Чигитни плёнка остига экиш тажрибаси бекорга «Андижон мактаби» деб ном олган эмас. Бу усул пахта ҳосилдорлигини кўтариш, тола сифатини яхшилаш билан бирга, уни етиштириш муддатини ҳам 1 – 1,5 ойга тезлаштириб, деҳқоннинг оғирини енгил қилмоқда.

Ғаллакорлар – Содиқжон Абдурасулов, Отахон Аламатов, пахтакорлар – Асалхон Расулова, Одилжон Иномхўжаев, Ҳамидулло Қуббижонов, Абдувоҳид Маҳмудов, чорвадор Алижон Аҳмедов, пиллакорлар – Зийнатхон Эрматова, Мастурахон Мўминоваларга бежизга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилган эмас. Улар ҳақиқий меҳнат қаҳрамони, шижоат қаҳрамони, фидойи инсонлар.

Андижон вилояти юртимиз умумий майдонининг 1 фоизини эгаллаган ҳолда, бу ерда республика аҳолисининг қарийб 9 фоизи, яъни 2 миллион 200 минг киши истиқомат қилади.

Маълумки, бу ҳолат ўз навбатида кўп-кўп ижтимоий масалаларни ечишни тақозо этади. Ана шундай мураккаб шароитни инобатга олган ҳолда, вилоятда қурилиш ва ободончилик, таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар мустақиллик йилларида ўзгача қиёфа касб этди. Қишлоқлар жамоли тубдан ўзгарган, обод ва кўркам. Равон йўллар барпо этилиб, замонавий биноларнинг қад ростламоқда. Транспорт қатновида узилишлар йўқ.

1991 йилда вилоятда ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 71 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсатгич бугунги кунда 90 фоиздан ошиб кетди. Табиий газ бўйича эса 26 фоиздан қарийб 70 фоизга ўсиш бўлгани бу соҳада жиддий натижага эришилганидан далолат бериб турибди.

Ҳозирда вилоятда 3 та академик лицей, 54 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам қувонарли ишлар амалга оширилмоқда. Икки юз элликдан ортиқ қишлоқ врачлик пункти, оналар ва болалар саломатлигини сақлашга ихтисослашган замонавий муассасалар, шошилинч тиббий ёрдам маркази ташкил этилган.

Маънавият соҳасида фаолият юритаётган Сайфиддин Жалилов, Зокиржон Машрабов, Дилшодахон Қурбонова, Фатҳиддин Исоқов, Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа ва Гулнора Бозороваларни ким билмайди дейсиз? Бутун республикамизда машҳур-ку улар.

Спортга ҳам эътибор кўнгилдагидек. Андижон шаҳрида Олимпия захиралари коллежи, 20 минг ўринли «Соғлом авлод» стадиони ёшларимиз ихтиёрида. Ахир, Чирчиқда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида андижонликлар бекорга биринчи ўринни олишмади-да!

Андижон спорт мактабининг ёрқин намояндалари – олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ва Ўткирбек Ҳайдаров, жаҳон кубоги ғолиблари Антонина Москалёва ва Татьяна Левина каби халқаро майдонларда Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариб келаётган моҳир спортчиларимиз билан бутун халқимиз ҳақли равишда фахрланади.

«Бизнинг кўҳна ва шонли тарихимиздан маълумки, улуғ Амир Темур бобомиз азму шижоат соҳиби бўлган, мард ва жасур, тадбирли инсонларни ҳамиша юксак қадрлаган, шундай одамларга суяниб-таяниб иш тутган, – дейди Юртбошимиз. – Соҳибқирон ҳазратлари орзу қилган ана шу хислат ва фазилатлар бугунги кунда юртимизда, жумладан, Андижон элининг табиатида тобора кучайиб бормоқда, десам, ўйлайманки, ҳақ гапни айтган бўламан».

Шу йилнинг 12 майидан 13 майига ўтар кечаси Андижонда нохуш воқеалар содир этилди. Бир гуруҳ диний экстремистлар, террорчилар андижонликлар тинч ҳаётига раҳна солиб, одамларни гаровга олдилар, бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлдилар.

Бу воқеаларни эслар эканман, беихтиёр Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг қуйидаги сўзлари хаёлимдан ўтди:

«Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, ҳозир оламда онг учун катта кураш кетяпти. Ғоялар жанги авж палласига чиққан.

Онгу тафаккур ишғол қилингач, мамлакатни, халқни мустамлакага айлантириш қийин иш эмас. Шу боис мамлакатимизда безовталик, беқарорлик ва нотинчлик туғдиришдан катта манфаат кўрадиган кучлар йўқ эмас».

Андижонда содир этилган воқеаларни «тинч намойиш» дея таърифлашга уринаётганлар чучварани хом санашяпти. Ахир, ўзингиз айтинг, одамларни гаровга олишни, бегуноҳ кишилар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жонига қасд қилишни тинч намойиш деб бўладими? «Тинч намойиш»нинг қўлида қурол бўлиб, гиёҳванд моддалар истеъмол қилган бўладими? Ақлга сиғмайдиган сафсата бу.

Ўша ғаламислар хомтама бўлишмасин. Андижонликлар ноёб фазилатга эга, мард ва вафодор, ташаббускор ва изланувчан одамлар. Улар мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун фидокорона, айтиш мумкинки, қаҳрамонона меҳнат қилишмоқда. Президентимизга, халқимизга содиқ. Бир сўз билан айтганда, «анжанча» феъл-атвор эгаси улар. Ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам.

Андижон томонларда дўстларим кўп: «Ўзбекистон овози» газетасининг мухбири Аҳмадулло Солиев, Олтинкўл тумани газетаси муҳаррири Ғолиб Абдуллаев, шоира Замира Рўзиева… Бу рўйхатни яна давом эттиришим мумкин. Мен уларнинг барчасини талабалик чоғларидан биламан. Ишдан қочмайди, эринчоқлик бегона. Энг муҳими, дўстга содиқ.

Улар бошқалардан ўша «анжанча» феъл-атвори билан ажралиб туришарди. Ҳозир ҳам шундай.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Заметки публициста

ОБЪЕДИНЕНИЕ И СПЛОЧЕННОСТЬ – ВЕЛЕНИЕ ВРЕМЕНИ

«Сегодня объединяющим все страны мира началом является борьба против международного терроризма, экстремизма и радикализма».
(Президент Ислам Каримов. Из выступления на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан 28 января 2005 года).

Это один из важнейших выводов, сделанных главой нашего государства при анализе приоритетов нашей внешней политики, вытекающих из характера современной военно-политической обстановки в мире и нашем регионе. Здесь объединение выступает и как тенденция, и как императив. Объединение против общего врага – международного терроризма, религиозного экстремизма и фундаментализма.

Узбекистан – составная и неотъемлемая часть мирового сообщества. Он не только всецело поддерживает курс мирового сообщества на бескомпромиссную борьбу с международным терроризмом и религиозным экстремизмом, но и активно участвует в этой борьбе всеми имеющимися у него средствами. Почему? Ответ однозначен. Потому что нам, чтобы построить правовое демократическое государство, государство с развитой рыночной экономикой, гражданское общество, нужен мир, нужна стабильность и в стране, и в регионе. Мы не имеем ни к кому из наших соседей, ни к странам ближнего или дальнего зарубежья никаких территориальных претензий или иных притязаний, мы со всеми странами хотим жить в мире и согласии. Наш враг – международный терроризм и религиозный экстремизм, который, как сказал глава нашего государства, стремится **«взорвать обстановку в Узбекистане, подорвать единство и согласие между людьми, их стремление к свободе и нормальной жизни».**

Сейчас, после недавних выборов в двухпалатный парламент, мы находимся на историческом этапе углубления общественно-политических и экономических реформ, либерализации всех сфер общественной жизни, демократизации общества. При этом на углубление реформ настроены все сферы жизни общества, все слои населения. Это очень важно.

Но это, как говорится, одна сторона медали. Другая, к сожалению, выглядит иначе – наша планета постоянно сотрясается террористическими актами международных террористов и религиозных экстремистов.

Проблема борьбы с международным терроризмом и религиозным экстремизмом с первых шагов XXI столетия стала острой как никогда, потому что именно в начале XXI века человечество встретилось с невиданным размахом международного терроризма и религиозного экстремизма, несущим с собой небывалую бесчеловечность, массовый террор, кровь и разрушения, захват заложников, духовное рабство, зомбирование и средневековые порядки.

Это стало проблемой уже не для одного или нескольких государств. Она охватила большинство стран мира и все континенты нашей планеты. Она стала глобальной проблемой, самой острой и самой жгучей проблемой современности.

Узбекистан, и это хорошо известно всему миру, настойчиво и последовательно борется за мир и стабильность не только в регионе, но и во всем мире. Глава нашего государства Президент И.А.Каримов, выступая на самых высоких форумах, неоднократно вносил конкретные, практические предложения, которые, будь они в свое время приняты, не только бы оздоровили международную обстановку, но и помогли бы избежать самых бесчеловечных, самых беспрецедентных террористических актов, которые произошли в Нью-Йорке, Вашингтоне, Москве, Беслане и в ряде других мест.

Сегодня мир совсем не такой, как вчера, и его новые проблемы не могут решаться на основе старых подходов. Мы должны научиться жить в новом мире и научиться бороться с этим глобальным злом. Научиться слушать голос разума, научиться объединению, сплоченности, консолидации всех здоровых сил мирового сообщества. Научиться и перевести это объединение, сплочение, консолидацию в плоскость практических действий. Потому что сама жизнь и практика борьбы с терроризмом уже наглядно доказали, что ни одно государство в мире, даже самое могущественное и богатое, не в состоянии справиться с терроризмом самостоятельно и одними лишь военными средствами. Вот почему сегодня особенно актуальными являются слова Президента И.А.Каримова, сказанные на совместном заседании палат нашего парламента о том, **что бороться надо прежде всего с первоисточником этого зла: с теми многочисленными радикальными и экстремистскими центрами, которые политизируют ислам, создают идеологию ненависти и терроризма, с теми, кто отравляет умы и зомбирует, в первую очередь, молодежь, создает как бы конвейер по подготовке будущих террористов, пытается реализовать различные бредовые идеи, как создание мусульманского халифата.** Эти силы и центры дают мощное, стратегическое оружие в руки самых ярых экстремистских движений и организаций, таких, как «Аль-Каида» или «Хизб ут-Тахрир». Не надо забывать, что эти люди, как дымовую завесу, используют в своих корыстных целях нашу святую религию, они преднамеренно и изощренно, исподволь, но постоянно ведут незримый бой за умы и сердца миллионов простых людей во многих странах мира. Экстремистская, террористическая деятельность «Аль-Каиды» общеизвестна. Даже после поражения в Афганистане она не прекратила своей террористической деятельности. И сегодня в многочисленных террористических актах, которые становятся все бесчеловечней и изощренней, отчетливо просматривается направляющая рука «Аль-Каиды».

В последние годы в Центральной Азии, и в частности у нас в Узбекистане, активизировала свою деятельность организация «Хизб ут-Тахрир». Созданная еще в 1953 году в Иерусалиме, она пустила свои корни прежде всего в арабских странах, а затем во многих других странах, и в частности в молодых независимых государствах Центральной Азии. За свою экстремистскую деятельность, направленную на разжигание межнациональной, межрелигиозной вражды, за насаждение идеологии ненависти и терроризма она запрещена в шестнадцати странах Арабского Востока, и в частности в Саудовской Аравии, Сирии, Омане, Иордании, Египте, Ливане, Судане и Омане. Запрещена она и у нас в Узбекистане, поскольку ставит своей целью разрушение светской государственности, свержение конституционного строя, восстановление на территории стран региона средневекового халифата. Запрещена эта организация в России, Германии и ряде других стран.

Несмотря на это, организация «Хизб ут-Тахрир» ведет подпольную работу среди населения, насаждая свою радикальную идеологию. Руководители этой экстремистской организации пытаются доказать, что они ведут работу «мирными, ненасильственными методами», но это далеко не так. Только в последнее время правоохранительными органами ряда стран, например России, Казахстана, Кыргызстана, были задержаны сторонники экстремистской организации «Хизб ут-Тахрир», у которых наряду с экстремистской литературой были обнаружены взрывные устройства, взрывчатка, детонаторы, большое количество листовок экстремистского содержания. Это еще одно доказательство того неоспоримого факта, что экстремисты, как и международные террористы в целом, не сложили оружия. Наоборот, после поражения в Афганистане они бросили вызов всему человечеству.

Чем характеризуются сегодняшние деяния международных террористов и религиозных экстремистов?

Во-первых, тем, что международный терроризм и экстремизм наращивают свою преступную деятельность вглубь, то есть их действия становятся все более бесчеловечными и масштабными, и вширь – они распространяют свою террористическую деятельность на новые территории и новые государства.

Во-вторых, их методы борьбы стали более изощренными и труднопредсказуемыми. Зомбируя фанатиков, они готовят боевиков-смертников и натаскивают их, как собак, на такие объекты, где больше всего невинных людей – детей, женщин, стариков. Главное для них – побольше шума, побольше разрушений, больше жертв и крови.

В этой связи как никогда актуальными и своевременными являются слова главы нашего государства, которые он многократно повторяет: **«Мы должны быть бдительными и внимательными».** И это не простые слова, не дань сложившейся обстановке, это – высокий нравственный наказ руководителя государства своему народу, обществу и государству, Вооруженным Силам. Бдительность – это неослабное внимание каждого гражданина, организаций и политических партий, государства и его Вооруженных Сил к вопросам обороны и безопасности, умение анализировать существующие угрозы и вызовы и делать для себя правильные практические выводы. Бдительность – это прежде всего дисциплина, организованность и сплоченность. Сегодня как никогда мы должны быть сплочены вокруг руководителя страны, его курса реформ и делать все от нас зависящее для укрепления могущества республики, ее боевой мощи, мы должны уметь распознавать и упреждать любые поползновения врага против нашей страны, уверенно идущей по пути обновления и прогресса.

В то же время мы должны быть и внимательными. В этом нравственном наказе главы государства заключен глубокий смысл. Мы должны быть внимательными прежде всего к идеологическим проискам врага. Мы должны всегда помнить и не забывать, что международный терроризм и экстремизм жив, он функционирует, его преступная деятельность набирает все большие и большие обороты, представляя опасность для всех стран мира.

В этих условиях мы должны быть как никогда идейно вооружены и психологически готовы дать четкий, ясный, аргументированный отпор любым попыткам врага насаждать в нашем обществе идеологию ненависти, терроризма, проталкивать в сознание людей бредовые идеи «о богоугодности халифата», «царстве справедливости и благоденствия». На это мы должны дать четкий ответ: «Мы – свободные граждане свободной страны. Мы патриоты своей Отчизны. Мы верны избранному курсу реформ и уверенно идем по пути обновления и прогресса. И никому не удастся свернуть нас с этого пути. Никому и никакими посулами». И еще об одном хочется сказать. Терроризм живуч, изворотлив, изобретателен. Для достижения своих целей террористические организации могут примерять на себя любые маски. Поэтому, чтобы победить такого врага, нужно действовать на опережение, действовать превентивно, **постоянно совершенствуя тактику своих действий** и решительно искореняя эту «чуму XXI века». **А путеводной нитью в стратегии этого вопроса** является четкая и глубоко продуманная программа действий, изложенная Президентом И.А.Каримовым в докладе на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

А.КУРГАНОВ.

Идеология терроризма

Айдын ГУДАРЗИ

Хизб ут-Тахрир аль-ислами: МИФЫ И РЕАЛЬНОСТЬ

(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).



На самом же деле суть «азиатского метода» по «Акрамии» действительно можно рассматривать, как не трех, а пятиэтапное установление халифатской государственности:

● «Сирли» – тайное изучение и последовательное привлечение лиц с религиозными взглядами, впечатлительных, доверчивых, имеющих ораторские и организаторские способности, недовольных жизнью.

● «Моддий» – улучшение жизни новых членов течения через оказание им материальной помощи с устройством одаренных из них на прибыльные должности, с последующим выделением ими одной пятой части доходов на общие цели движения.

● «Маънавий» – моральное перевоспитание членов группы через их знакомство с религиозной литературой, содержащей теологически обоснованные способы радикальных методов захвата власти.

● «Узвий майдон» – всесторонняя подготовка верных лидерам кандидатов на внедрение в государственные и общественные организации для их широкомасштабной деятельности в пользу движения.

● «Тунтариш» – государственный переворот, или свержение конституционного строя с провозглашением халифатской государственности.

Результатом многих выводов А. Юлдашева стали его «12 уроков пути», изложенные в подпольно изданной книге «Йимонга йул» – «Путь к истинной вере». Не вдаваясь в подробности этого достаточно интересного для любого исследователя труда, можно констатировать: «уроки» Юлдашева сохранили не только идейную целостность Хизб ут-Тахрир, но и известный лозунг Набхани: «Достижение истинной веры – в возрождении халифата».

Первый этап хизбуттахрировского «просвещения» мусульман Узбекистана осуществлялся на фоне инициированных первой волной апологетов «чистого ислама» непростых внутриобщественных настроений, охвативших в конце восьмидесятых годов часть населения некоторых регионов республики. Избегая пересказа этих давно известных фактов, невольно обращаешь внимание на некоторые эпизоды конца 1995 года, когда на одном из кабульских совещаний руководителей движения «Талибан» с участием Джумы Намангани и Тахира Юлдашева был утвержден план создания оппозиционного «Исламского движения Узбекистана», и уже через два года, к маю 1997-го, талибы взяли афганский город Мазари-Шариф. Тогда и прозвучало их ставшее широко известным заявление: «Следующий намаз будем делать в Бухаре».

По словам одного из бывших афганских генералов, общавшегося с руководством «Талибана», «они (талибы) не сомневались – критическая ситуация в Узбекистане достигла пика, хотя это, разумеется, было ложью, преподнесенной им теми, кто имел с этой лжи деньги. Имена этих людей известны, и они неуютно чувствуют себя и сейчас, проживая в политической эмиграции в Европе. Имеют все те же деньги, но уже за ложь другого качества, преподносимую другим политическим партнерам – не турецким или исламистским, а европейским».

Своей цели «Талибан» и его союзники не достигли. В Азиатском регионе наступило временное затишье, которое нарушил Усама бен Ладен. В середине февраля 1998 года прозвучало его заявление о создании «Всемирного исламского фронта борьбы против иудеев и крестоносцев». Одним из тайных участников «фронта», согласно секретной договоренности, стало транснациональное движение Хизб ут-Тахрир, выдвинувшее условие – сохранение самостоятельности в выборе собственной конспиративной тактики идеологической подготовки части населения Центральной Азии, которое должно было проявить себя в нужный для «фронта» момент.

23 февраля 1998 года прозвучал первый призыв «фронта»: «Мы объявляем фетву (указ) всем мусульманам: убивать американцев и их союзников – гражданских лиц и военных. Личный долг каждого мусульманина, который может это сделать в любой стране, где это возможно... Мы – с помощью Аллаха – призываем каждого мусульманина, который верит в Аллаха и жаждет Его награды, выполнять приказ Аллаха убивать американцев и завладевать их деньгами всегда и везде, где он найдет их».

* * *

В тот год во «Всемирный исламский фронт» вошли «Египетский исламский джихад», египетский «Джамаа исламийа», «Ливийская исламская боевая группа», йеменская «Исламская армия Адена», кашмирские «Лашкар-и-Таиба» и «Джаиш-и-Мухаммед», алжирская «Салафистская группа Призыва и Битвы», «Вооруженная исламская группа», малайзийско-филиппинская «Абу Сайяф», «Исламское движение Узбекистана» (ИДУ), возглавляемое Джумой Намангани, уже хорошо подготовленным к командованию боевыми формированиями, и политическим лидером и идеологом Тахиром Юлдашевым. Был и третий представитель, «лидер политической оппозиции правительству и Президенту Узбекистана», старающийся официально не засвечивать своей причастности к планам ИДУ, но внесший свой вклад в идеологическое затушевывание радикального фундаментализма.

Руководители и рядовые члены Хизб ут-Тахрир нередко выступают с заявлениями, в которых доминируют утверждения о мирном характере их религиозно-политической деятельности. Одновременно звучат протесты против сравнения их методов с методами борьбы радикалистов, не говоря уже про их связи с «Аль-Каидой».

«Мы никогда не используем оружие и насилие. Мы не занимаемся террористическими актами, взрывами и грабежами. И никогда не делаем ни одного шага в этом направлении. Партия (хизб) не применяет насилие не потому, что боится правителей и их насилия, а потому, что в деле призыва к восстановлению исламского государства руководствуется предначертаниями Посланника Аллаха (мир и благословение ему), в которых нет места насилию».

Подобные заявления Хизб ут-Тахрир изначально были рассчитаны на некомпетентность оппонентов, незнакомых с внутренним смыслом идеологии Набхани, которую невозможно осознать, не прочитав по определенной схеме всю литературу Хизб ут-Тахрир и не ориентируясь в смысловом содержании использованных в ней аятов Корана и хадисов Пророка Мухаммада.

* * *

Здесь придется сделать несколько комментариев к вопросу – можно ли было сомневаться до весны 2004 года в том, что Хизб ут-Тахрир, объединившись с другими радикально-фундаменталистскими движениями, не перейдет от двухэтапной теоретической практики подготовки «центрально-азиатских мусульман» к третьему этапу – объявлению территории Узбекистана «вилоятом» халифата? Нет. Слишком очевидны совпадения идейной платформы и призыв «Мусульмане всех стран, объединяйтесь» с аналогичными идеями проекта «исламской глобализации». Цели и методы здесь тоже общие – задавить уже не теорией, а активным террором современную неисламскую цивилизацию во всех ее мыслимых проявлениях, а заодно уничтожить и исламскую светскую модель государственности в ее современном прогрессирующем развитии.

Уловить эту завуалированную агрессию Хизб ут-Тахрир возможно, но только после тщательного анализа текстов книг. Особенно важен контроль над содержанием текстов листовок. Они главный и наиболее эффективный инструмент «агитпропа» Хизб ут-Тахрир, охватывающий широкий спектр тем, отражающих в подтекстах или открыто идеологические концепции международной секты.

Главные фигуры листовок – критика, проклятия и угрозы главам государств антитеррористической коалиции и их партнерам. В текстах существует и отдельная тематика с призывами к мусульманам Узбекистана отказаться от традиций светского ханафитского мазхаба (школы), в исторической, религиозной практике более гибкого и терпимого к инакомыслию. Эти призывы не уточняют и то, что ханафитский мазхаб традиционно не препятствует полноценному развитию человеческой личности и не провозглашает сведение смысла человеческой жизни к одной только идее «распространения веры с идеологической символикой – джихад до судного дня».

Ханафитский мазхаб традиционно не запрещает отказа от мирских благ, не осуждая этого жизненного поступка у индивидуума. В современном светском обществе это возможно до поры, пока индивидуум не начинает декларативно требовать того же от всего общества. При этом, как минимум, используя подрывную идеологию для дезориентации общества и, как максимум, применяя террористические методы для запугивания того же общества.

Тексты листовок Хизб ут-Тахрир украшаются адресным обращением: «Эй, мусульмане!», – после которого следует предложение свергнуть правительство и президента страны с провозглашением «исламского государства халифат», о котором общество знает ровно столько, сколько об этом написано в восточных сказках.

Есть тексты, призывающие правительство и президента сдать свои полномочия и согласиться с объявлением халифатского правления. Особенность этого вида «призыва» – он основан на известном еще по текстам «Порядка объявления военного Джихада», составленного Кудурий для «Кодекса о войне и мире», согласно которому, «получившему призыв дается срок отреагировать на него, а призыв, оставленный без внимания, дает право на объявление войны».

(Продолжение следует).

МЕРОС

ОДОБ-АХЛОҚИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундай экан, ҳадисшунослик илми тараққиётини таъминлаган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ан-Нисоий, Имом ас-Самарқандий каби аллома боболаримизни, уларнинг дунё халқлари, миллионлаб инсонлар ахлоқини, иймон-эътиқодини янада гўзаллаштиришга муносиб ҳисса қўшаётган табаррук тўпламлари, беқиёс хизматларини ҳар қанча улуғласак арзийди. Аммо афсус-надоматлар бўлсинким, биз узоқ йиллар ушбу сарчашмалардан бебаҳра қолдик. Халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келган илоҳий таълимот таъқиб остига олинди. Ёт тузум, ёт мафкура бизнинг ўқ илдизимиз – миллий маданиятимизга, маънавиятимизга болта урди. Буюк меросимиздан жуда узоқлашиб кетдик. Дунёга ўнлаб, юзлаб алломаи замонларни, Форобий, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Беруний, Навоий, Улуғбек каби даҳоларни, мутафаккирларни етказиб берган миллат ўз қиёфасини, ўзлигини, имон-эътиқодини йўқотаёзди.

Хайрият, хайриятки узоқ-узоқ кечалардан сўнг ҳуррият қуёши балқиб чиқди. Мустақиллик,озодлик деган буюк неъматга ниҳоят биз ҳам эга бўлдик. Миллат ўзлигига қайта бошлади. Ўзбекнинг диний қадриятлари, эътиқод эркинлиги яна тикланди. Қуръони карим, Ҳадиси шарифлар ва бошқа диний асарларнинг қарийб бир асрдан сўнг кўп минг нусхаларда чоп этилиши миллат маънавий ҳаётидаги улкан воқеага айланди. Аслида, ушбу туб ўзгаришни мустақил давлатнинг руҳий камолот, инсон, миллат, жамият ахлоқини юксалтириш сари шахдам қадамлари дея баҳолаш мумкин.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Халқимиз йиллар, асрлар давомида ёт мафкура таъсирида қолса ҳам доим ўзликни сақлашга, азалий сарчашмаларга интилиб яшаган. Яширин тарзда бўлсада, қон-қонига сингиб кетган урф-одатларни, амалларни баҳоли қудрат бажарган. Ўзбекнинг азал-азалдан одоб-ахлоққа оид ҳикматларни, насиҳатларни севиб ўқиши, тинглаши, уларга амал қилишга ҳаракат қилиши инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат, бобомерос қадриятларга ҳурмат-эҳтиромнинг бир ифодасидир аслида.

Ўзингизга яхши маълум, илоҳий китобларда, айниқса, мусулмон динида одамларнинг яхши ахлоқ эгаси, ҳалол, пок бўлишига катта эътибор берилган. Бунинг сабаби аниқ: ахлоқсиз, тарбиясиз киши нафақат ўзига, атрофидагиларга, балки, миллатга, халққа, жамиятга ҳам зарар етказади. Ёмон хулқлар фақат разолатдан иборат бўлиб ўзаро келишмовчиликлар, душманликларнинг асл сабабчисидир. Дунё файласуфлари, олимларининг бир овоздан инсон, жамият учун, ҳар қандай миллатнинг юксалиши учун ахлоқ ниҳоятда зарур деб билишлари шундан.

Хўш, ёмон хулқлардан қандай қутилиш мумкин? Албатта ўқиш-ўрганиш, панд-насиҳат, ҳикмат, тарбия воситасида! Асрлардан бери инсониятни тўлқинлантириб келаётган Ҳадиси шарифларда бу ҳақда шундай дейилган: «Ҳикматли сўз мўминнинг йўқотган нарсасидир. Уни қаердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир, «Дин – насиҳатдир», «Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм олишга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир».

Ҳақиқатдан ҳам илмсиз одам худди қоронғида кетиб бораётган йўловчига ўхшайди. Йўлнинг паст-баландини яхши ажрата олмайди, албатта адашади. Илмсиз одамнинг эътиқоди, одоби-ахлоқи суст бўлади. Ўзи англамаган, билмаган ҳолда халқига, ватанига зарар етказиши ҳам мумкин.

«Қариндошларга мурувват қилиш, хушхулқлик ва яхши қўшничилик юртни обод ва умрни зиёда қилади», «Кимки кичикларга раҳму шавқатли, катталарга иззат-икромли бўлмаса, у бизлардан эмасдир» каби Ҳадиси шарифларни ўқиганда беихтиёр халқимизнинг «Қўли очиқнинг – йўли очиқ», « Ён қўшнинг – жон қўшнинг», «Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл» деган қадимий мақоллари эсингизга тушади. Бу эса халқимизнинг урф-одатлари, ахлоқи, азалий қадриятлари нақадар дину диёнат, иймону эътиқод билан ҳамоҳанг эканлигига яққол мисолдир.

«Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқи одобдан буюкроқ мерос беролмайди» дейилади яна Ҳадиси шарифда. Демак, биз нафақат ўзимиз ахлоқли-одобли бўлишимиз, балки, фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялашимиз, уларни доим эзгу ишларга, амалларга чорлашимиз ҳам шарт экан. Модомики, фарзанд, ёш авлод тарбияси, тафаккури, дунёқараши ҳақида сўз борар экан, бир нарсага алоҳида эътибор бермоқ керак. Олижаноб фазилатлар инсонда ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Салафларимиз таъкидлаганидек, тарбия – биз учун ҳаёт-мамот масаласи! Бугунги авлоднинг эртанги муваффақиятлари, халқ, ватан тараққиёти, тинчлиги-осойишталиги учун юксак масъулият билан яшаши аввало, биз катталарнинг қўлида. Ёшларни бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш, уларни билимдон, кенг тафаккурли, ҳалол, ватанпарвар, халқпарвар инсонлар қилиб вояга етказиш озод ва обод юртнинг дахлсизлиги,буюк келажагини таъминловчи асосий воситадир. Сўз ватанга, инсонга муносабат ҳақида кетар экан яна Ҳадиси шарифларга мурожаат қилмасдан илож йўқ. Чунки, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик масаласи устувор аҳамият касб этган: «Ватанни севмоқ иймондандур», «Ватан сарҳадини бир кун ҳимоя қилмоқ олтмиш йиллик нафл ибодатидан ортиқроқдур», «Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин!», «Одамларнинг яхшиси – одамларга фойдалироғидир» каби азиз каломлар, кечирилмайдиган, Тангрига ширк келтиришдек бешта гуноҳи кабираларнинг бири Ватан ҳимояси пайтида жангдан қочиш эканлигининг ўзиёқ биз мустақил юртимиз, миллатимиз, дўст-ёрларимиз ҳимояси, келажаги учун нақадар масъуллигимизни кўрсатади.

Ҳа, агар биз шу тарзда миллат маънавияти, ахлоқининг сарчашмаларига мурожаат қилаверсак бу уммоннинг туби, чегараси кўринмайди. Ушбу содда, равон, бебаҳо насиҳату ўгитлар бизнинг руҳиятимизга, ақлимизга, миллий урф-одатларимизга жуда-жуда яқин. Буюк ота-боболаримиз руҳияти, ахлоқи-одоби айни илоҳий манбалар орқали шаклланган. Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби қанчадан қанча азиз авлиёларни, маърифат, маънавият қутбларини камолга етказган айни сарчашмалар.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, барчамизнинг мақсад-орзуимиз аниқ: мустақил Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, ривожи, миллий давлатимиз тараққиёти, унинг буюк келажагини таъминлайдиган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш. Шундай экан ҳар биримиз миллий анъаналарга садоқат, одоб-ахлоқни гўзаллаштириш, ўзаро ҳурмат-эътибор, меҳр-мурувват, фидойилик, ватанпарварлик билан дўст-ёрларимиз, миллатимиз, халқимизнинг таянч тоғларига айланайлик. Ғуруримиз, шаънимиз, инсонлик мақомимиз, фазилатларимиз келгуси наслларга ибрат бўлсин.

Майор
Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МИРОНШОҲ МИРЗОНИНГ МУҲР-УЗУГИ

Таҳририятдан: Ўзингизга маълум, Соҳибқирон Амир Темур хонадони, унинг авлодлари номи билан боғлиқ қанчадан-қанча қимматбаҳо ашёлар, осори-атиқалар замона зайли билан юртимиздан ўзга ўлкаларга олиб кетилган, талон-тарож этилган. Уларнинг сони-саноғини ҳеч ким билмайди, билолмайди. Дунёнинг энг машҳур, номдор музейларига кўрк бағишлаб турган бебаҳо санъат асарларига келсак, ҳеч иккиланмасдан, бу ўзлаштирилган бойликларнинг юздан, мингдан бирини ҳам ташкил этмайди, дейиш мумкин…

Хуллас, рус олими Н.Веселовскийнинг «Кауфманский сборник» (Москва, 1910 йил) деб номланган китобдан олиб жузъий қисқартишлар билан эълон қилинаётган мақоласида ҳам ўзбекнинг бебаҳо ёдгорлиги ҳақида сўз юритилган. Хўш, Мироншоҳ Мирзонинг муҳр-узуги бугун қаерда? Бу саволга жавоб бериш жуда мушкул…





1885 йил Самарқанд шаҳрида мен Император Археологик комиссияси учун бироз маҳаллий осори-атиқаларни харид қилишга муяссар бўлдим. Улар орасидан Амир Темурнинг учинчи ўғли, Озарбойжон ҳокими Мироншоҳ Мирзонинг исми ёзилиб саналанган узук чиқиб қолди. Тарихан аҳамиятли ва нодир археологик топилдиқ эканлигига қарамасдан бу узук ҳақидаги маълумотлар шу пайтгача эълон қилинмасдан қолди. Сабаби Ўрта аср мусулмончилигига мансуб шу хилдаги ёдгорликлар умуман жуда кам, Руссияда эса, қарийб йўқ деса ҳам бўлади. Шуниси ажабланарлики, ўз вақтида бундай ёдгорликлар кўп бўлган, чунки шарқий мусулмонларда имзо ўрнига кўпинча узукка ўрнатилиб исм ёзилган муҳр босиш урф бўлган. Татар (турк) хонларининг ёрлиқлари ҳам гоҳида унинг номи ёзилган узук яъни йўзук нишонлиқ билан тасдиқланган.

Мироншоҳ узугининг асосий қисмини узук муҳр ўрнида хизмат қилиши учун бутун ёзувлари ўйиб ёзилган юпқа, бодомсимон пластинка шаклидаги зумраддан ясалган лавҳача ёки улама ташкил қилади. Тош тилла гардишга ўрнатилган, афтидан улама янги бўлса керак. Фақат халқасимон банд кейинчалик, балки яқин вақтларда кавшарланган. Аммо тилла банд билан гардишнинг ранги бир-бирига мос келади…

Бодомсимон шаклдаги узук ва муҳрлар аслзодалар учун имтиёз бўлиб, ундан фойдаланишга оддий одамларнинг ҳаққи бўлмаган. Ушбу шаклни биз фақат Ўрта Осиёда эмас, балки бошқа жойларда ҳам кўрамиз. Жумладан Қрим хонлари ҳам бодомсимон шаклдаги муҳрга эга бўлишган, уни Ширин беклари ҳам ўзлаштириб олишган. Маълумки, уларда ҳам хонларникига ўхшаган бодомий муҳр – бодомсимон муҳр бўлган… Биз биламизки, Ширин беклари бошқа бекларга қараганда алоҳида мавқега эга бўлишган: хонлик ҳуқуқларидан кўпларини қўлга киритишган. Шунинг учун ҳам хон муҳрларининг шакли улар назаридан четда қолмаганлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Улар бунга катта аҳамият беришиб, ўз таомилларига киритишган, у билан фахрланишган. Ғарбий Туркистонда эса тартиб қаттиқроқ, яъни бодомий муҳр фақат хонларда бўлган. 1873 йил майда Хива шаҳри қўлга киритилгандан сўнг Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфман томонидан мусодара қилинган хонлик хазинасидаги тилла муҳрларнинг кўпчилиги ҳам шу шаклдадир. Хива хонларига тегишли ушбу муҳрлар ҳозирда Император эрмитажининг Ўрта аср бўлимида сақланмоқда.

Мироншоҳ узугидаги ёзув қуйидаги форсий матнга эга:

«Амир ал-умарои Озарбойжон Мирзо Мироншоҳ бинни амир соҳибқирон амир Темур Кўрагон 802» (мелодий 1399-1400 йиллар).

Бу ерда диққатни тортадиган нарса амир ал-умаро – амирлар амири унвонидир. Бу унвон илк марта Чиғатой улусида жорий қилиниб, мартабаси ва ҳокимияти жиҳатидан Олтин Ўрда туманбегисига тўғри келадиган бош вазирга даҳлдор бўлган. Бундан чиқди Мироншоҳ, демак Амир Темурнинг бошқа авлодлари ҳам биз ўйлаганимиздек ўзларига ажратилган вилоятларга мулкдор ёки княз эмас, балки генерал-губернатор сингари амалдор киши сифатида келганлар. Эътибор берсак, «Зафарнома»да Мироншоҳнинг юқоридаги унвони айтилмай, нуқул амирзода дея тилга олинади. Ҳар ҳолда узук Мироншоҳ қандай унвон билан Озарбойжонни бошқаришга киришганлигини «Зафарнома»га қараганда аниқроқ кўрсатади.

Муҳрда кўрсатилган ҳижрий 802 санаси ҳам мисоли Мироншоҳга Озарбойжон ва бошқа вилоятлар устидан ҳукмронлик қилиш топширилган вақтни кўрсатаётгандек, аммо Шарафиддин бу воқеа етти йил олдин, айнан ҳижрий 795 йилда бўлиб ўтган деб ёзади. Унинг Осиё музейидаги қўлёзмаларига асосан келтирилган ҳикоя матни сарлавҳаси шундай номланган:

«Музаффар Соҳибқирон Хулагухон тахтини амирзода Мироншоҳга топширганлиги ҳақида ҳикоят»…

«Марҳаматли амир амирзода Мироншоҳга Озарбойжон, Рай, Дарбанд, Боки вилоятларини; Ширвон вилоятини, Гилён вилоятини унга қарашли (ерлар) ва Румгача бўлган жойларни берди. Саодатли амирзода Табриз, Султония ва бошқа вилоятлардан қандайлиги ва қанчалигини таърифлашга қалам ожизлик қиладиган муносиб совғалар ва ҳадялар олиб келди. У томоша, ўйин-кулгилар билан тўй бошлаб бир неча кунни роҳат, шод-хуррамлик ва базму ишратда ўтказди… ўн учинчи кун сешанбада у (Темур) амирзода Мироншоҳни Қалоғий томонга жўнатди»…

(Бу ҳикоят Петис до ля Круанинг француз тилига таржимасида («Histoire de Timurbec» «Темурбекнинг тарихи») баён қилиниб, шаъбон ойининг 13-куни, ҳижрий 795 санаси (мелодий 1393 йилнинг 24 июни) кўрсатилади.

Ушбу воқеа тўғрисидаги маълумот Шарафиддин томонидан яна бошқа жойда «Ҳазрат Соҳибқирон амирзода Мироншоҳни Озарбойжонни бошқариш ҳамда Аланжиқ қалъасини қамал қилишга йўллагани ҳақида ҳикоят» бобида ҳам такрорланади:

«Бу ҳақда юқорида зикр қилганимиздек, Соҳибқирон аъло ҳазратлари Озарбойжон тахтини ҳамда Боки Дарбандидан Бағдодгача, Ҳамадондан Румгача бўлган вилоятларни бошқаришни амирзода Мироншоҳга топширди. Кимдир Хуросонда қолган амирзодага яқин лашкарбоши ва аскарларни бутун лашкаргоҳи билан Озарбойжонга олиб келиш учун жўнаб кетди. Шу пайтда амирзода Озарбойжонни бошқаришга киришсин, бундан ташқари Аланжиқ қалъасини қамал қилсин, деган фармони олий чиқди»… Бу ҳижрий 798 сана (мелодий 1395-1396 йиллар) билан қайд этилган.

Асарнинг французчага таржимадаги биргина фарқ шундаки, унда «бу ҳақда юқорида зикр қилганимиздек» жумласи тушириб қолдирилган. Натижада, матнга мурожаат қилмасдан туриб Темур Озарбойжонни бошқаришни Мироншоҳга иккинчи марта топширган деб ҳам ўйлаш мумкин. Шундай қилиб, Мироншоҳ узугида нега ҳижрий 802 санаси кўрсатилганлиги биз учун жумбоқлигича қолмоқда.

Русчадан майор
Низомаддин АЗИМОВ
таржимаси.

Мақолларда олам яширин

НЕГА ШУНДАЙ ДЕЙМИЗ?

ИНТИЗОМЛИ ЛАШКАР ЕНГИЛМАС. Асрлар давомида ўз Ватанини мудофаа қилиш мақсадида турли душманларга қарши курашиб келган халқ катта ҳарбий тажриба ҳам тўплаган. Ана шу тажрибадан келиб чиқиб, лашкарнинг енгилмаслиги, ғалаба қозониши учун биринчи галда ҳар бир аскар интизомга қаттиқ риоя қилиши зарурлиги уқтирилган.

ЖАҲЛ – ДУШМАН, АҚЛ – ДЎСТ. Ота-боболар ўзларининг бир туркум мақолларида жаҳл, ғазаб, ғам, қайғу саломатлик душмани эканлигини уқтирганлар ва кишиларга ҳуда-беҳудага ғазабланмасликни тавсия этганлар. Халқнинг бу хусусдаги қарашларини илмий медицина аллақачонлар тўла тасдиқлаган, чуқур исботлаган ва тобора ривожлантирмоқда. XVIII асрда прусс врачи Х. Гефаланд шундай ёзган эди: «Ҳаётни қисқартирувчи таъсирлар орасида қўрқиш, ғам, маъюслик, зерикиш, руҳий тушкунлик, ҳасад, ғазаб, нафрат асосий ўрин тутади». Машҳур рус олими И.Мачников қаттиқ ғазабланиш кўпинча томирларнинг ёрилиб кетишига, қанд касаллиги ва катаракта касаллигининг қўзғалишига олиб келишини таъкидлаган эди. Вар:. «Оқилнинг ақли – ўзига йўлдош, жоҳилнинг жаҳли – ўзига кундош»; «Жаҳл – пичоқ, ақл – таёқ». (Таёқ бу ерда «ҳасса», яъни кишига таянч бўладиган, ёрдам берадиган нарса, деган маънода келтирилган); «Жаҳл келса, ақл қочар»; «Жаҳли чиққаннинг – ақли чиққан»; «Аччиқ ақлни кесар»; «Ўринсиз ғазаб – ўзингга азоб»; «Ғазаб билан қайнаган қон зарар билан тинади»; «Бугунги жаҳлни эртага қўй, бугунги ишни эртага қўйма»; «Ким мард – жаҳлини ютган мард»; «Жаҳлни ютиш – чўғни ютиш билан баробар» (Дарҳақиқат кишининг бир нарсадан жаҳли чиқса, ғазабланса, индамаслиги, ўзини босиши – жуда ҳам мушкул бир ҳол. Аммо қанчалик мушкул бўлмасин, жаҳлни, қаҳру ғазабни тиймоқ – кишининг сиҳати учун ҳам, ўзаро муносабатнинг кескинлашмаслиги, аксинча қайта тикланиши ва яхшиланиши учун ҳам бениҳоя зарурдир. Мазкур мақолда бунга эришмоқлик мардлик билан тенглаштирилган); «Аччиқни ақл енгади»; «Аччиғинг чиқса, ирнингни тишла» (Ирн – пастки лаб). Одатда бирор гапни гапиришдан ўзини тийган одам пастки лабини тишлайди. Мазкур мақолни кўпинча: «Аччиғинг чиқса, бурнингни (?) тишла» деб, мантиқан нотўғри қўллайдилар; «Жаҳлинг чиқса сўкинма, сўкинган сўнг ўкинма»; «Жаҳл дориси – сукут»; «Ақлингга ақл қўш, жаҳлингга – сабр».

ЗАМОН СЕНГА БОҚМАСА СЕН ЗАМОНГА БОҚ. Замоннинг тартиб-қоидаларига кўникиш, замонасоз бўлишга даъват этувчи бу мақолнинг қуйидаги вариантлари ҳам бор: «Замон сенга созлик қилмаса, сен замонга созлик қил»; «Замон сенга бўйин қўймас, сен замонга бўйин қўй»; «Ел қаёққа эсса, елкан шу ёққа сузади»; «Шамол қаёққа эсса, бошоқ шу ёққа эгилади»; «Замонанг тулки бўлса, сен тозиси бўл»; (Мазкур мақол билан: «Замон ҳамиша бирдай туравермайди, тобора ўсаверади, мураккаблашаверади. Шундай экан, сен ҳам ўз билиминг, ҳунаринг билан чегараланиб қолмай, олға томон интилавериб, билимингга билим, ҳунарингга ҳунар қўшавер, шундагина замонга бас кела оласан, замондан ортда қолсанг, ўзингга қийин бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар); «Замон – ёмон эмас, замонга боқмаган – ёмон».

ИНСОФ САРИ – БАРАКА. Халқимиз инсофлилик ва одилликни энг яхши инсоний фазилатлардан деб билади, умрнинг баракаси ҳам, ҳаётдан кўрадиган моддий манфаатнинг баракаси ҳам, аввало, инсофдандир, деб ҳисоблайди. «Инсофи йўқнинг – имони йўқ», деган мақол ҳам бор. Имон – ишонч; бир нарсага қаттиқ ишониб, уни кўнгилда маҳкам тутиш. Ўтмишда имонни бир дарахтга ташбиҳ этганлар. Бу «имон дарахти»дан бешта шох: инсоф, ҳаё, адолат, шафқат, марҳамат «шох»лари униб чиқади. Кишида мана шу беш фазилатнинг лоақал биттаси бўлса ҳам, унинг имони бор бўлади, бирортаси ҳам бўлмаса – бу унинг имонсизлигидан далолат беради, деб ҳисоблаганлар. «Инсофли одам ошини ер, инсофсиз одам бошини ер» деган мақол ҳам борки, бунда инсофлиликнинг яхши самара бериши, инсофсизликнинг эса оқибати ёмон бўлиши уқтирилади.

Баҳора АКРАМОВА тайёрлади.

ТУРОН ҚОПЛОНИ

БИРИНЧИ ПАРДА. БИРИНЧИ КЎРИНИШ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Хўжанд ҳокими саройи. Шамсиддин тахтда, Қамчибек, Арслонбек, Девонбеги эса курсиларда ўтириб майхўрлик қилишмоқда. Бир чеккада ясовул қўл қовуштириб турибди. Темур Малик кириб келади. Шамсиддин, сўнгра бошқалар уни кўриб жойларидан қўзғалишади.

ШАМСИДДИН: Саркарда Темур Малик, қай шамол сизни Хўжанд томон учирди? Келаётганингизни хабар ҳам қилмабсиз. Улуғ султоннинг шундоқ номдор саркардасини мартабасига яраша тантана билан кутиб олардик.

ТЕМУР МАЛИК: Шамол эмас, Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад ҳазратларининг фармони келтирди мени бу ерга.

ШАМСИДДИН: Қандай фармон? Худога минг қатла шукрким, Хўжанд ерида осойишталик. Ҳеч бир тарафдин вилоятга хавфу хатар йўқ.

ТЕМУР МАЛИК: Сизларнинг бу боқибеғамлигингизда хавфу хатар эшик остонасига келганда ҳам пайқашларингиз гумон. Мана улуғ Султоннинг фармони (кўрсатади). Чингизхон бошлиқ мўғуллар ҳужуми хавфи ошиб бораётганлиги сабабли мен Хўжандга ҳоким этиб тайинландим. Сен эса вақтинчалик бош вазир бўлиб, барча юмушларда менга ёрдам кўрсатурсен.

ШАМСИДДИН: Хўжанднинг янги ҳокимига шон-шарафлар. Ҳоким жаноблари, тахтингизга марҳамат қилинг. Фуқароларингиз сизни кўришдан шодумондир.

(Хўжандликларга) О бахтиёр хўжандликлар, султон ҳазратлари шундоқ баҳодир саркардани шаҳримизга ҳоким қилиб юборибдурлар. Камина шундоқ шарофатли ҳокимга вазир қилиб тайинланибмен. Бу мен учун шараф. Улуғ саркардага вазир бўлганим, ҳоким бўлганимдан ҳам ортиқроқдур.

ХЎЖАНДЛИКЛАР: Мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин, ҳоким жаноблари. Шаҳримизга хуш келибсиз.

ТЕМУР МАЛИК: Куллуқ, ўз шаҳримга келганимдан бағоят хурсандмен. Хатарли дамда ўз ҳамшаҳарларим билан биргамен. Энди биргаликда ёвни даф этишга тайёрланмоғимиз зарур.

ШАМСИДДИН: Ҳоким жаноблари, саҳройи Чингиз ким бўлибдур? Ҳеч бир азият чекманг. Биз уни Хўжанд остонасида банди қилиб доруссалтанатга – шоҳи оламтобга элтурмиз. Ясовул! Ошпазларга буюр, энг тансиқ таомлардан ҳозирласинлар. Кўзалар бошқатдан майга тўлдирилсин. Тез бўл, бугун ҳоким ҳазратлари шарафига катта базм уюштирамиз.

ТЕМУР МАЛИК: Ҳозир вақти эмас, фурсат зиқ, базмдан юз чандон зарур ишларимиз бор.

ШАМСИДДИН: Ҳоким жаноблари, наҳот сизнинг келганингиз шарафига тузукроқ зиёфат беролмасак. Сизни қуп-қуруқ кутиб олсак. Хўжандликларнинг қанақа обрўси қолади унда? (Ясовулга) Созандаларга айт, дарҳол олоти мусиқалари билан келсинлар. Раққосалар энг нафис либосларини кийиб чиқсинлар. Бугун Хўжандда катта байрам. (Ясовул таъзим қилиб чиқиб кетгач Темур Маликка) Хитой раққосаларини хуш кўрамен, ҳазратим. Бултур бир савдогардан тўрттасини икки минг олтинга сотиб олгандим. Ҳозир ўзингиз кўрасиз.

ТЕМУР МАЛИК: Тўғри, созандаю раққосаларга бой экансен. Худди шоҳ саройидагидек. Лекин қўшинга ҳам шундай ғамхўрмисен? Қалъагачи? Деворлари ўпирилиб ётибди. Вилоятни ёғий босса, анинг дафъи учун не тадбир қила олурсен? Ахир Хўжанд сарҳадга ёвуқ бир шаҳар-ку!

ШАМСИДДИН: Ҳоким ҳазратлари, Хўжанд мустаҳкам ва аскарлари довюрак.

ТЕМУР МАЛИК: Қалъада қанча сарбоз бор?

ШАМСИДДИН: Саккиз юз баҳодир йигит.

ТЕМУР МАЛИК: Сен ҳар йили хазинадан икки минг аскар сақлашга маблағ оляпсен. Қолгани қаерда?

ШАМСИДДИН: Хўжанд сарбозларининг ҳар бири икки-уч ёвга бас келадур, ҳазратим.

ТЕМУР МАЛИК: Барибир қўшин сонини оширамиз. Бу биринчи галдаги вазифа. Хўжанд қўшинини ўн мингга етказмоқ лозим. Мўғуллар анойи душман эмас. Шу пайтгача ўнлаб ўлкаларни забт қилганлари бунга далилдур.

Ясовул кириб вазирнинг қулоғига пичирлайди. Шамсиддиннинг ранги ўзгариб кетади. У ҳам ясовулга пичирлаб, бир нарсаларни уқтиради. Ясовул чиқиб кетади.

ШАМСИДДИН: Ҳоким жаноблари, хоҳласалар бир кўнгилочар томошага таклиф этамен.

ТЕМУР МАЛИК: Томошанинг мавриди эмас, ишни бошламоқ зарур.

ШАМСИДДИН: Лекин бу бошқача томоша. Йўқ деманг, ҳазрат.

Бир бадкирдор ўнбошини тутишди. Мен унга жазо берамен. Ана уни олиб келишди.

Икки қуролланган аскар ўнбоши Самадни қўлларидан маҳкам ушлаб олиб келишади.

ШАМСИДДИН: Қаршингда ҳоким ҳазратлари турибдилар. Тиз чўкиб, гуноҳингга иқрор бўл. Кўрдингизми бунинг безбетлигини? Ҳоким ҳазратлари, то бу ерда зиёфат дастурхонини тузатгунларича биз ташқари чиқсак. Бу безорини дорга осcак. Бундан қизиқ томоша бўлмаса керак. Дор қурилган, жаллодлар ҳозир.

ТЕМУР МАЛИК: Сен ҳоким кимлигини унутиб қўйдинг, шекилли. Мени четлаб одамларни қатл қилиш ҳуқуқини сенга ким берди?

ШАМСИДДИН: Бир қошиқ қонимдан кечинг, ҳазратим. Бу ўнбоши шундай жиноят қилдики, уни айтишга тилим бормайдур. Боғда менинг қизим ёлғиз сайр қилиб юрганида, бу унинг йўлини тўсибди. Қизимга тажовуз этмоқчи бўлибди. Ҳайриятки, навкарлар кўриб қолиб, уни қўлга олишибди. Шамсиддиннинг қизи Жамила югуриб кириб, Темур Маликнинг оёғи остига йиқилади.

ЖАМИЛА: О, ҳоким жаноблари, шафқат қилинг! У бегуноҳ, уни нобуд қилманг. Ҳамма айб менда.

ШАМСИДДИН: Бешарм! Йўқол кўзимдан! Шармандаи шармисор қилдинг мени.

ЖАМИЛА: «Э, худо не гуноҳи бор унинг», – деб йиғлаб чиқиб кетади.

ТЕМУР МАЛИК: Кўриниб турибдики, ҳамма иш қизингнинг розилиги билан бўлган.

ШАМСИДДИН: Барибир шариат ҳукми билан ўнбоши ўлимга лойиқ.

ТЕМУР МАЛИК: Бундоқ ҳолда қизинг билан иккаласини тошбўрон қилмоқ керак. Сен шунга розимисен?

ШАМСИДДИН: Ҳоким жаноблари. Ахир ўзингиз кўрдингиз. Қизим ҳали гўдак-ку! Бир норасиданинг уволига қолмайлик.

ТЕМУР МАЛИК: Қизингга ҳеч бир зиён-заҳмат етказилмас. Лекин ўнбоши ҳам дорга осилмайдур. Унга бошқача жазо лозим. Масалан, қирқ кунлик зиндон. Лекин у сарбоз экан. Истаса қиличи билан бу жазодан ҳам омон қолмоғи мумкин. У мана шу навкарлардан бири билан қиличбозлик қилади. Енгса, омонлик олади. Енгилса қирқ кунга зиндонга ташланади. (Самадга) Хўш йигит, сен шу шартга розимисен? Ё тақдирга тан бериб, зиндон борурмисен?

САМАД: Эр йигит ҳеч вақт омадини синаб кўришдан воз кечмаслиги керак. Мен шартингизга розимен, ҳазрат.

ТЕМУР МАЛИК: Унга қилич ва қалқон беринглар. Сен олишурсен у билан.

Темур Малик алп қоматли аскарни кўрсатади. Иккинчи аскар қилич ва қалқонини Самадга беради. Самад қиличбозликда рақибини енгиб, унинг қиличини уриб туширади.

ТЕМУР МАЛИК: Офарин, абжир йигит экансен. (Шамсиддинга) Сен бўлсанг шундоқ йигитни бир томоша учун қурбон қилмоқчийдинг. Кўрдингми? Куёв қилсанг ҳам куймайсен. Энди бас, қалъани ва қўшинни кўздан кечиришга чиқайлик.

Чиқиб кетишади. Қамчибек ва девонбеги қолишади. Қамчибек у ёқ, бу ёққа аланглаб, ҳеч ким қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, қўйнидан тангалар солинган халтача олиб девонбегига узатади.

ҚАМЧИБЕК: Мана буни олинг, девонбеги ҳазратлари. Маҳмуд Ялавоч хизматларингиз эвазига сизга узатибдур. Бу ҳали хамир учидан патир.

ДЕВОНБЕГИ: Ташаккур, тақсир, ташаккур. Ул тарафдан яна чопар келдиму? Ялавоч ҳазратлари соғ-саломат юрибдиларми?

ҚАМЧИБЕК: Ҳа, улар соғу саломат Чингизхон қароргоҳида юришибдур. Биз юборган маълумотларни олибдурлар. Ҳоқон қўшини ҳужумга тайёрланаётибдур. Тез кунларда бутун вилоятларни уруш алангаси қоплаб олғусидур.

ДЕВОНБЕГИ: Ҳай, ҳай, кўп даҳшатли гаплар-ку бу!

ҚАМЧИБЕК: Сиз қўрқманг, девонбеги. Бу уруш кўпларнинг ёстиғини қуритса-да, сизу бизга ҳеч бир зиён-заҳмат етмагай. Биз бу урушда кўп мол-дунё орттирамиз. Чингизхон ва Маҳмуд Ялавоч бизнинг хизматларимизни унутмайдилар.

ДЕВОНБЕГИ: Бу-ку яхши-я, лекин султон бизнинг ишларимизни сезиб қолса-чи? Оҳ, унинг ғазаби…

ҚАМЧИБЕК: Ваҳима қилмасангизчи бунча! Султон энди бизга қўрқинчли эмас. У ҳам ҳозир ўз жонини қутқариш ҳақида қайғураётгандир. Ялавоч ҳам, ҳоқон ҳам кўп донишманд кишилардур. Агар султон бор қўшинини йиғиб, юриш қилганда уни енгиш ҳоқонга жуда қийин бўларди. Баъзи бир саркардалар, жумладан, мана шу Темур Малик ҳам султонга шундай қилмоқни маслаҳат бердилар. Лекин Чингизхон ва Маҳмуд узоқдан туриб, уларнинг режаларини барбод этдилар.

ДЕВОНБЕГИ: Қандай қилиб?

ҚАМЧИБЕК: Жуда боплаб. Деярли барча саркардалар номидан Чингизхонга қалбаки мактублар битилди. Бу мактубларда уларнинг султондан норозилиги, ҳоқон томонга ўтиб хизмат қилишга тайёр эканликлари баён этилганди. Бу қалбаки мактубларни олиб келаётган «чопар» атайин қўлга тушди ва мактублар Хоразмшоҳ қўлига етказилди. Шоҳнинг ўз саркардаларига ишончи йўқолди. Султон бор қўшинини йиғиб мўғулларга қарши юришдан қатъиян бош тортди. «Саркардалар бирлашиб, менга қарши бош кўтармасин», – деб уларни турли қалъаларга юборди. Кўп тажрибали аскарбошиларини хиёнатда гумонсираб, вазифасидан бўшатди. Афсуски, Темур Малик бундан четда қолди. У оз аскар билан Хўжандга юборилган бўлса-да, ҳоқон учун ғоят хавфли.

ДЕВОНБЕГИ: Рост айтасиз, Қамчибек. Темур Малик қўрқинчли одам. Ёв ҳақида сўйлаганда кўзлари ғазабдан шундай чақнаб кетадики, юрагинг орқангга тортиб кетадур. Худо кўрсатмасин, агар у бизнинг ҳоқонга маълумот жўнатиб туришимизни пайқаб қолса борми! Тирик қўймайди бизни. Хўжандда қолиш хавфли. Қочиш керак бу ердан, саркарда!

ҚАМЧИБЕК: Девонбеги Хўжанддан қочсангиз, сизнинг Маҳмудга ҳам, ҳоқонга ҳам ҳеч бир керагингиз йўқ. Улар бу олтинларни сизга бекорга жўнатмайдур. Биз Хўжандда туриб ҳоқоннинг музаффарияти учун хизмат қилмоғимиз лозим. Бугун ҳам Темур Малик келганию, шаҳар мудофаасига қаттиқ жазм этгани ҳақида бир мактуб битиб, яширинча Чингизхонга юборурмиз. Токим ҳоқон Хўжандни забт этишга энг тажрибали нўёнлари бошчилигида катта қўшин юборсин. Биз ҳам ўз тарафимиздан ёрдамга тайёр эканлигимизни айтамиз. Қарабсизки, мактубимизга жавоб бўлиб, яна жарақ-жарақ олтинлар келадур.

ДЕВОНБЕГИ: Олтинлар кўп яхши нарсадур. Темур Малик келгунга қадар, мен ҳеч нарсадан хавфсирамас, олтинлардан бошқа нарса ҳақида ўйламас эдим. Лекин энди ҳоқоннинг олтинларига қарасам, ўз бошим кўзимга кўриниб кетадур.

ҚАМЧИБЕК: Начора, олтинга эга бўлиш учун баъзан бошни гаровга қўйишга тўғри келади. Темур Маликнинг Хўжандга келганидан мен ҳам ғоят ташвишдамен. Собиқ ҳокимимиз қандай лақма ва олтинга ўч эди. Уни ўз томонимизга оғдириб олишдан осон иш йўқ эди. Ҳоқон юборган қимматбаҳо хитой буюмларидан бир-иккитасини кўрсатсанг бас, у султонга садоқатини ҳам, вилояту шаҳарни ҳам, ўзини ҳам унутарди қўярди.

ДЕВОНБЕГИ: Темур Маликни эса олтинга сотиб олиб бўлмайдур. У султонга садоқатли ва ёғийга нафратли.

ҚАМЧИБЕК: Аммо унинг ҳам заиф томони бор. Темур Малик содда ва макру ҳийладан бехабар. У билан ёнма-ён юриб, Чингизга хизмат этаётганимизни, асло хаёлига ҳам келтирмайдур. Биз сиртдан унинг ишларига хайрихоҳдек бўлиб юрамиз. Лекин мўғуллар келгач, иложини қилиб, хоразмшоҳнинг бу номдор лашкарбошисини тириклайин тутиб берурмиз. Ўшанда Чингизхон сизу мени бўйимиз баравар олтинга кўмадур.

ДЕВОНБЕГИ: Айтганингиз келсин, Қамчибек. Лекин «Темур Маликни тутиб берурмиз», – деган гапни қўйинг. Бу жуда хавфли. Ўзимизга ҳам зиён-заҳмат етиши мумкин. Ҳоқондан шу қилаётган хизматимиз эвазига оладурғон олтинлар ҳам етарлидур. Темур Маликка мўғуллар ўзлари бас келсинлар.

ҚАМЧИБЕК: Албатта бас келадурлар. Ҳоқоннинг Субудой ва Жаба янглиғ нўёнлари, шаҳар ичида эса сизу биздек тарафдорлари бор.

Парда.

(Давоми бор).

ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

ОТА-ОНА ОРЗУСИ

Марказий ҳарбий округда кичик сержант Сулаймоновлар оиласини жуда кўпчилик яхши танийди ва ҳурмат қилади. Ўз ишининг усталари сифатида эътироф этилаётган ушбу шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Раҳматилла ва Зумрад айнан касбига бўлган чуқур ҳурмати туфайли бугун ҳарбий жамоада кўпчиликнинг эътиборини қозонган. Раҳматилла майор Рустам Халилов етакчилик қилаётган ҳарбий қисмда ёқилғи омборхонаси бошлиғи вазифасида хизмат қилади. Нафосатли оила бекаси Зумрад эса округ штабида хизмат қилмоқда. Ватан посбонлари мана олти йилдирки, ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиб келишаётир.

– Ҳарбийлик сермашаққат бўлиши билан бир қаторда айни дамда шарафли касбдир, – дейди кичик сержант Зумрад Сулаймонова. – Буни фақат юрт осойишталигини ҳар нарсадан устун қўйиб, эгнига ҳарбий либос кийган инсонларгина ҳис қила олади.

Асли жиззахлик бўлган бу икки ёш 1993 йили оила қуришди. Бу пайтда келин Жиззах шаҳар клиник шифохонасида катта ҳамшира бўлиб ишлар эди. Тўйдан сўнг куёв Самарқанд автомобиль йўллар билим юртига ўқишга кирди. Техникумни имтиёзли баҳоларга тугатган йигит Жиззах шаҳридаги авто-корхонага ишга жойлашди. Бу орада уларнинг ёлғиз қувончи Муроджон дунёга келди. Ана шундай сокин кунларнинг бирида Зумраднинг онаси Гулбаҳор опа қизининг ҳолидан хабар олиш учун уларникига меҳмонга борди. Куёви бу оқшом навбатчиликда қолган экан. Гулбаҳор опа қизи билан дастурхон атрофида чойхўрлик қилишаётган эди. Телевизордан лотин америкасидаги ва Чеченистондаги террорчилик ҳаракатлари ҳақида кўрсатув бошланди. Аввалига кўрсатувни беэътибор кузата бошлаган Зумраднинг диққатини даҳшатли лавҳалар сергаклантирди.

Босқинчилар тинч аҳолига зўравонлик қилиб, уч ёшли болани гаровга олишди. Бу ҳодисани кўрган жабрланган боланинг онаси ҳушини йўқотди. Шу онда қаердандир пайдо бўлган ҳукумат кучлари – ҳарбийлар болани «қузғун»лар қўлидан озод этиб ота-онаси бағрига қайтаришди…

Бу лавҳадан ваҳимага тушган Зумрад олдида ўтирган ўғилчасини беихтиёр бағрига босди. У шу дақиқада ҳам оиласини, ҳам халқини доимо сергак туриб ҳимоя қила оладиган юрт посбони бўлишни кўнглидан ўтказди. Эрталаб турмуш ўртоғи ишдан қайтгач, унга ҳам бу таклифини аён қилди. Бамаслаҳат бу фикр ўйлаб кўрилгач, иккаласи ҳам ҳарбий бўлишга аҳд қилишди. Бу воқеа 1999 йилда бўлиб ўтган эди. Орадан бир йил ўтибоқ, улар ўз кўзлаган мақсадига эришди. Яъни, эгнига ҳарбий либос кийишиб, ҳар иккаласи ҳам миллий армиямиз сафларида хизмат қила бошлашди. Хизматнинг дастлабки йиллари, Зумраднинг табиатан сергайрат, матонатли бўлишига қарамай бироз қийинчиликлар туғдирди. Ана шундай пайтда полковник Виталий Ҳожиқулов ва подполковник Беҳбуд Тўйчиевлар ҳаракатчан Зумрадга ёрдам қўлларини чўздилар. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай тиришқоқ бу шогирд устоз офицерлар кўмаги билан барча ўгитларга амал қилган ҳолда, иш юритиш сирларини мукаммал ўрганиб олди. У бўш вақтларидан унумли фойдаланган ҳолда компьютер орқали иш бошқаришни ҳам тезда ўзлаштирди. Хизмат мураккабликлари, машаққатлари Зумраднинг шарафли касбга бўлган қизиқишларини орттирса-орттирдики, асло камайтирмади. Дугоналаринг «ҳарбийлик эркаклар касби» деган, гап-сўзларига умуман эътибор қилмади. Ҳарбийларда ҳар бир дақиқа ҳисобда, бўш вақт деярли кам бўлади. Зумрад бундай вақтни асосан оиласига, фарзанд тарбиясига ажратади. Ахир, ўғлининг дарсларни қандай ўзлаштиришини назорат қилиши лозим. Бу ишларни албатта уддалайди. Боз устига, Муродга бадиий китоблар ўқиб беришни ҳам эсдан чиқармайди. Раҳматилла эса ўғлининг жисмоний чиниқишини таъминлаш мақсадида унга бокс сирларини ўргатиб келмоқда. Дам олиш кунлари Муроджон отаси билан ҳарбий қисмга бориб, ўзининг тили билан айтганда «аскарча юришни» ўрганади. Мабодо унга келажакда ким бўласан десангиз, жавоби тайёр.

– «Мен ота-онамга ўхшаб довюрак, жасур юрт ҳимоячиси бўламан», – дейди. Ота-она ўғлининг бу қароридан жуда хурсанд. Ахир, уларнинг мақсади ҳам шу-да, ўзи.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Аччиқ данак

ҚИЗ БОЛАНИНГ ҲАЁСИ БЎЛСИН

– Дунёнинг ишлари қизиқ эканда, дўстим. Биридан ҳайратинг ошса, бирини кўриб ёқа ушлайсан. Баъзан бўлаётган ишлардан жазаванг қўзиса, айрим ҳолатлардан кулишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмай қоларкансан.

– Ҳа, бунча асабинг таранг, кимдир арпангни хом ўрдими?

Фатҳулла ака ва Ҳамдам ошпазнинг чойхонадаги суҳбати ҳар кеч шу зайлда бошланади. Ўзларича нималарнидир куйинчаклик билан муҳокама қиладилар, йўл йўлакай гувоҳи бўлишган воқеа-ҳодисаларни эсга оладилар.

Бугун ҳам уларнинг самимий, аммо, жиддий суҳбатларига бир қулоқ тутиб кўрайлик-а, балки, бизни ҳам бироз ўйлашга, мулоҳаза қилишга ундар…

– Ўзи тўлиб юргандим, – худди оғир меҳнатдан толиб, тинка-мадори қуригандек, оғир хўрсиниб ва энтикиб гап бошлади Фатҳулла ака.

– Ҳа, тинчликми? – дўстининг яна нимадандир безовталигини кўрган Ҳамдам ошпаз овозини пастлатиб сўради.

– Э-э, нимасини айтай, кўчада юрсанг кўрмаган нарсанг қолмас экан. Шу десанг, бутун ишга кетаётгандим, автобусдаги уятсизлик кун бўйи эс-хаёлимда бўлди. Автобуснинг ўриндиғига ўтириб олган икки қизнинг кийим-боши ва уларнинг оғзидан чиқаётган гап-сўзларни эшитиб, бошимдан ҳушим учди. Тиззасидан тепароқда турган либоси қизларнинг бор-будини намойиш этаётгандек, яна овозларини баралла қўйиб йигитлар билан бўлган муносабатларни бир-бирларига мақтанишади. Ё тавба, ё тавба, булар кимларнинг фарзанди, ким уларга бундай тарбия берган, шарм-ҳаё, иффат, ор-номус деган тушунчалар уларга бегонами дейман, – обдон жазаваси қўзиди Фатҳулла аканинг. – Менга энг таъсир қилгани, уялмай-нетмай йигитлар билан қандай ўпишганини мақтангани бўлди. Ахийри чидай олмадим, танбеҳ бердим. Озгина одоб сақлаб ўтиришни, бу ерда эркак кишилар, ота-онаси тенги одамлар борлигини, уларнинг олдида бундай шармсиз гапларни айтиш фақат тарбиялаган кишиларига лаънат келтиришини эслатиб қўйдим.

– Хўш, улар нима деди? – сўради дўстининг ҳикоясидан таъсирланган Ҳамдам ошпаз.

– Нима ҳам дерди, безрайиб ўтираверди, – деди Фатҳулла ака жаҳлини босиш мақсадида чой ҳўплар экан.

– Энди тушунгандирсан, кетма-кет қиз кўрганимда нима учун хафа бўлганимни, – заҳарханда билан гап бошлади Ҳамдам ошпаз. – Ўшанда устимдан кулгандинг, гарнитурдан қочяпсанми деб мазах қилгандинг. Аслида, қиз кўрганимда кўнглим чўккининг асосий сабаби бошқа эди. Қиз болани тарбиялаш масъулияти жуда катта бўлганлиги учун бу вазифани эплай олармиканман дея диққатим ошганди-да.

Кун бўйи асабингни ўйнатиб, ота-онасига лаънат тилаб олган ўша қизларни ҳам сен билан менга ўхшаган одамлар вояга етказган, вақтида керакли тарбияни бера олмаганлиги учун ҳам қизларининг бугунги қиёфаси шу даражага етган, – энди Ҳамдам ошпазнинг жиғибийрони чиқди. – Аслида, ҳар бир фарзанднинг келажакда ким бўлишини ота-онанинг маънавий баркамоллиги, ҳалоллиги белгилайди. Бежиз, қуш уясида кўрганини қилади, деган нақл айтилмаган. Ота-онадаги хислатлар фарзандларга ҳам кўчади.

Ахир, ўша калта-култа кўйлакни ота-она олиб бермаса, қиз қаердан олиб кияди. Қолаверса, қизининг қаерда ким билан юрганини назоратга олиб, тарбияси билан жиддий шуғулланса, қизларни шу даражада «юзи очилиб» кетмайди. Қиз боланинг тарбияси нозик бўлганлиги учун ҳам бу вазифа кўпроқ она зиммасига юклатилади. Буни эса ҳамма она ҳам уддалай олмайди.

Икки ўртага жимлик чўмди. Индамайгина чой ҳўплашар экан, икки дўст ўз хаёллари билан банд бўлишди. Ўртадаги сукунатни Ҳамдам ошпаз бузди.

– Ҳей, ўша қиз тарбиялаган…

Фатҳулла ака оғир хўрсиниб яна гап бошлади.

– Агар қизни қойиллатиб тарбиялаб қўйсанг-ку, ўнта ўғилдан афзал-а. Эрта тонгда ёнингга югириб келиб, қўлингга сув қуйиб, сочиқ тутадиган ҳам, онасига дастёр бўлиб, уйингга файз бағишлайдиган ҳам шу қиз бола бўлади. Катта бўлгач, ўзга хонадонга оқ либосда кириб бориб, ўз ҳаёси-ибоси, эрига вафоси билан ота-онага раҳмат келтирадиган ҳам шу қиз бола. Бироқ, бунинг акси бўлса-чи. Ота-онани қуйдиргани ҳам етмагандек, ўз ҳаёти ҳам барбод бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.

Худди бир нарса эсидан чиққандек, ҳовлиққанча гапни Ҳамдам ошпаз илиб кетди.

– Ҳей, шармсиз кийингани, оғзидан шоди кириб, боди чиққани етмагандек, сигарета чекиб, спиртли ичимлик ичганига нима дейсан? Тунов куни аёлим билан бозордан чиқиб келаётгандик. Дарвоза ёнида жойлашган кафеда уч-тўрт чоғли қизлар қийқиришиб, сигарета чекиб, ароқ ичиб ўтирибди, барчаси маст-аласт. Келажакда булардан туғиладиган фарзандларнинг соғлиги нима бўлади-ю, улар тарбиялаган авлод юртга, халққа нима каромат кўрсатади?

Фатҳулла ака янада босиқлик билан давом этди.

– Аслида, ҳозирги кунда айрим ўғил-қизларимизнинг бунчалик маънавий қашшоқ бўлиб, ибо-ҳаёдан йироқлашаётганларига биз атрофдагилар ҳам айбдормиз. Қўшнимизнинг қизи ёки ўғли ножўя иш қилаётганини кўрсак-да, кўрмагандек ўтамиз, қиғир қадамини тўғрилаш учун ота-онасини ёки ўзини огоҳлантирмаймиз. Ўз тинчлигимизни ўйлаймиз, бировга ёмон кўриниб қолмай деймиз. Аслида эса, тушунган киши учун ҳар қандай огоҳлантириш ўша кишининг кони фойдасидир…

Икки дўстнинг суҳбати алламаҳалгача давом этди. Нафақат қиз балки, ўғил тарбияси ҳам нозикликда ва масъулиятлиликда ундан қолишмаслигини исботлаш мақсадида узоқ тортишдилар, баҳслашдилар. Мени эса хаёллар ўз гирдобига тортди…

Ҳар safар фарзанд тарбияси ҳақида давраларда сўз кетганда бир нарса жуда ўйлантириб қўяди. Тирикчилик, рўзғор ташвишини рўкач қилиб, фарзандидаги қусурларни оқлашга уринаётган ота-оналар ҳам афсуски, учрамоқда. Бирон нима десангиз, сенга нима, бола меники, қандай хоҳласам шундай тарбиялайман дегувчилар ҳам бор орамизда. Надоматлар бўлсинким, тарбия масаласидаги бугунги оқсоқлигимизнинг эртанги натижаси ҳақида бироз бош қотиргимиз келмайди.

Тўғри, мамлакатимизда, ёшлар тарбияси, баркамоллиги йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу масала давлат аҳамиятига молик устувор масалалар қаторидан жой олган. Бироқ, бу саъй-ҳаракатларда ота-оналар, педагоглар ва бутун жамоатчилик биргаликда, қўлни-қўлга бериб иш олиб бормас экан, юқоридагидек иллатларга дуч келаверишимиз аниқ.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Бугун бола тарбиясида аждодларимиз танлаган йўлдан четга чиқиб, Европаю Америкага тақлид қилиб, Буюк Шарқ анъаналарини унутаёзгандекмиз. Аслида эса, фарзанд тарбиясидаги энг мақбул йўлни ота-боболаримиз белгилаб бўлишган. Буни соғлом фикрли, масъулиятли ҳар бир инсон англаб етмоғи керак.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

АЁЛСАН – ШУ БИЛАН ҲАҚСАН…

Севги-муҳаббат ва айниқса аёллар ҳақида айтилган сўзлар, битилган ғазалу рубоийлар, ёзилган шеъру достонлар, билдирилган гўзал фикрлар талайгина. Қуйида, уларнинг айримлари билан танишасиз.

Йўқ севгидан ўзга бир ҳамроз менга,
Аввал – ўзи, охир - ўзи устоз менга
Ичдан берадир бу жоним овоз менга:
«Эй севгида сусткаш одам, бўл мос менга».

Жалолиддин Румий.

Ўзга бировларни айлаб йўлдошинг,
Оқизма ўз дилбарингнинг кўз ёшин.
Ёмон бўлса ҳам у умрлик сирдошинг,
Вақтинча қўл берган ҳурдан яхшироқ.

Бердақ.

Муҳаббат ўтида ёнмаса кўнгил,
Ҳолига вой, дегил, бемору зоҳил
Муҳаббатсиз ўтган ҳар бир кунинг, бил:
Умрингдан беҳуда кетмиш беҳосил.

Умар Хайём.

Сени ётлар тугул ҳатто қилурман рашк ўзимдан ҳам
Узоқроқ термулиб қолсам бўлурман ғаш кўзимдан ҳам.

Э.Воҳидов.

Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан бехабар ўтади.

Стендаль.

Аёлни севинг, аёлни ардоқланг! Ундан фақат тасалли эмас, илҳом ҳам изланг, маънавий ва ақлий салоҳиятингизни оширинг.

Д.Мадзини.

Тўпловчи Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.

Вы просили рассказать

И БУДЕТ СЧАСТЛИВОЙ СЕМЬЯ

Какие влюбленные не мечтают скрепить свой союз в единое целое, соединить свои жизни и судьбы! Но ведь для того, чтобы в счастливой молодой семье появились здоровые дети, необходимо, чтобы и сами родители не имели патологий. Ежемесячно в стране регистрируется около 8 – 10 тысяч пар.

А перед вступлением в брак молодые люди проходят полное медицинское обследование. Еще в 2000 году в нашей республике была введена система контроля за состоянием здоровья молодой семьи. Однако тогда молодые люди проходили лишь поверхностный медицинский осмотр, теперь же, независимо от возраста и наличия совместных детей, он проводится основательно.

– На медицинскую комиссию сегодня мы направляем все пары, подавшие заявление на регистрацию брака, – говорит директор Центра брачно-семейных ритуалов «Навруз» Зумрад Акрамходжаева. – И если раньше пары преклонного возраста или же имеющие общих детей проходили медицинское освидетельствование по собственному желанию, то сегодня это ни для кого не является исключением.

Конечно, не все еще осознают важность предпринимаемых мер. Нередко в районных поликлиниках можно услышать возмущенные возгласы будущих молодоженов. Теперь они предоставляют не только справки от терапевта, но и проходят осмотр в туберкулезном, кожно-венерическом, психо-неврологическом и наркологическом диспансерах. А также сдают анализ крови на RW и на СПИД. Возможно, некоторых подобный подход смущает, а иным кажется оскорбительным. Но в современном мире подобные меры просто необходимы, говорят сотрудники «службы Гименея».

– Постоянно приходится проводить с будущими молодоженами разъяснительную работу, говорить, что медицинское освидетельствование позволит им узнать как о собственном здоровье, так и о здоровье будущей второй половинки. Вот, к примеру, был такой случай, – рассказывает Зумрад Саидовна, – когда перед вступлением в брак у девушки обнаружили туберкулез на начальной стадии. Свадьбу молодые люди откладывать не стали, но мужа проинформировали о состоянии здоровья девушки, и для излечения молодой супруги были предприняты необходимые меры. А ведь если бы недуг обнаружился после свадьбы, он мог бы перейти в осложненную форму, что неблагоприятно сказалось бы и на будущих детях, и на семье в целом.

Часто при подаче заявлений на регистрацию брака с иностранными гражданами у новобрачных возникает вопрос, существуют ли какие-либо исключения для этих пар. Нет, молодоженов регистрируют на общих основаниях, и медицинское освидетельствование иностранцы проходят либо у себя на родине, либо при поликлинике Министерства иностранных дел Республики Узбекистан. Все это предусмотрено Семейным кодексом РУ.

На вопрос же, уменьшилось или увеличилось количество разводов при введении системы медицинского освидетельствования, сотрудники Центра ответили, что количество бракоразводных процессов несколько снизилось, а вот количество подавших заявление и не пришедших на регистрацию или же отложивших ее, наоборот, увеличилось.

Однако, как считают сами молодожены, прошедшие медосмотр, лучше отложить свадьбу и подлечиться, нежели потом это все отразится на потомстве.

Г.ОЛЬГИНА.

XURMACHA POLVON

(O‘zbek xalq ertagi)

Bir bor ekan, bir yo‘q ekan, och ekan, to’q ekan. Bir chol-u kampir bor ekan. Bularning echkisi ko’p ekan-u, bolasi yo’q ekan. Kunlardan bir kun kampir sut pishirib o’tirib: “Mening bolam bo’lsa edi, sut desa sut bersam, qaymoq desa qaymoq bersam, qatiq desa qatiq bersam” debdi. O’shandan keyin kunlardan bir kuni boshi ham yo’q, oyog’i ham yo’q, qo’li ham yo’q bir xurmacha o’g’il tug’ibdi. Kampir xurmachani tandir ustiga tashlab qo’yaveribqi. Chol kampirga:

– Kampir, farzandim yo’q deding, bir xurmacha tug’ding, tandir ustida yotibdi. Shu xurmachani ko’rmaylik ham kuymaylik ham, sindirib tashlaylik, – debdi. Shunda tandir ustidan xurmacha turib:

– Ey ota, sizga nima zararim tegdi, ishga buyurdingiz-u, qilib kelmadimmi, yo o’roqqa aytdingiz-u, bormadimmi? – debdi.

Chol:

– Mana, falonchi boyning o’rog’i o’rilmagan, shunga o’roqqa chiqsang bo’lmaydimi? – debdi.

Xurmacha o’roqni olib astasekin boyning oldiga boribdi.

Boy:

– O’rganingga qancha haq olasan? – debdi. Xurmacha polvon:

– Shu xurmachani to’ldirib bersangiz, – debdi. Boy “Ozgina haq berar ekanman” deb suyunibdi. Xurmacha polvon boyning o’rog’ini o’ribdi, bog’labdi, yanchibdi, sovuribdi. Boy kelibdi-da, yengini shimarib bug’doyni qoplamoqchi bo’libdi. Xurmacha polvon boyga:

– To’xtang, avval mening haqqimni bering, keyin qoplarsiz, – debdi.

Boy:

– Men qoplab ketaveray, haqingni keyin beraman, – debdi.

Xurmacha polvon:

– Yo’q, oldin haqqimni bering! – debdi.

Boy:

– Hay, kel sendan qutulay, oldin sening haqingni bera qolay, o’zim keyin qoplab olarman, – deb bug’doyni g’alvirlab xurmachaga solaveribdi. Xirmonda bug’doyning yarmi qolibdi. Xurmacha to’lmabdi, bug’doyning hammasini solibdi, xurmacha to’lmabdi.

Xurmacha polvon:

– Xurmacha to’lmabdi, to’ldirib bering. – debdi.

Boy:

– Bug’doyning barini soldim – to’lmadi. Bu xurmacha emas bir balo ekan. Shuncha dehqonchiligim ketdi, shunda ham to’lmadi, – deb xafa bo’libdi.

Xurmacha polvon:

– To’lmasa, to’lmas, – deb uyiga qaytibdi. – Ona! Otamga ayting, tomga chiqib tom tepasini teshsin, – debdi.

Onasi:

– Nima olib kelding? – debdi.

Xurmacha polvon:

– Bug’doy olib keldim, – debdi.

Onasi:

– Olib kelgan bug’doynigni tovoqqa solib qo’yaver, qancha ketar edi bu **xurmachaga, – debdi. Xurmacha polvon:**

– Tovoqqa sig’maydi, tomni teshinglar, uyni to’ldiraman, – debdi.

Otasi tomga chiqid tomni teshibdi. **Xurmacha polvon tomga chiqib tom teshigidan bug’doyni to’kaveribdi, to’lib ketibdi. Shunday qilib, chol-u kampir Xurmacha polvondan xursand bo’lishibdi. Tinch yashab murodlariga yetishibdi.**

“MAQTANCHOQ G‘OZ” BOSHQOTIRMASI

Quyida berilgan so‘zlarni bo‘sh kataklarga yozib chiqing. So‘zlar: kun, zina, o‘tin, o‘rdak, mag‘rur. Suratni bo‘yang.

O‘tkir TOJIBOEV tayyorlagan.

Ёз – ўтмоқда соз

БОЛАЛИКНИНГ НУРАФШОН «ТОНГ»И

Болани ақлли ва мулоҳазали қилмоқ учун уни бақувват ва соғлом ўстиринг: майли у югуриб елсин, излансин, тинмасин, бақириб-чақирсин, ишқилиб, доимий ҳаракатда бўлсин!

Ж.Ж.РУССО.

Бола кулса олам кулади, деган нақл бор доно халқимизда. Тинч осмон, осойишта замин узра болаларнинг шўх-шодон овозлари янграб турган юртимиз фуқаролари ўзларининг улуғвор мақсадлари рўёбини мана шу болажонлари тимсолида кўрадилар. Донишмандлар фарзандларни жаннатнинг гули, дея таърифлашади.

Дарҳақиқат, болалар борлиғимиз, бугунги кунимизнинг чароғон юлдузлари, эртамизнинг порлоқ истиқболи, умримизнинг давомчиларидир. Улар билан кунлар гўзал, тонглар нурафшон. Болаликни севинг, унинг ўйин ва эрмакларига, мурғаккина табиий туйғуларига эътибор беринг! Лабдан кулги аримайдиган, қалб шу оламдан тўхтовсиз ҳузурланадиган ўша дақиқаларни қай бирингиз, ахир, ачиниш билан эсламайсиз, деган экан донолардан бири. Ортда қолган ўша файзли дамларни ҳар биримиз соғинч билан ёдга оламиз. Болалик чоғларида дунё, теварак-атроф, табиат янада сирли туюлади, беихтиёр сиз ҳам яна ўша поҳшолик даврингизга қайтгингиз келади.

Мана, ўлкамизда ўзининг ширидан шакар мевалари-ю, узундан узоқ кунлари, фарахбахш тонглари билан ёз фасли ҳукм сурмоқда. Ёз фаслини ҳаммамиздан кўпроқ болажонлар интиқиб кутадилар. Йил давомида мактабдаги сабоқларни ўзлаштириб, ўқитувчи-ю мураббийларини ўзларининг яхши хулқлари, аъло ўқишлари билан қувонтирган ўқувчи ёшлар уч ойлик таътил кунларида мароқ билан дам олиб, ҳордиқ чиқаришга ошиқадилар. Фарзандларимиз учун тахт қилиб қўйилган соғломлаштириш оромгоҳлари эса улар учун энг қулай дам олиш масканлари ҳисобланади. Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» соғломлаштириш оромгоҳини ҳам шу жумлага киритиш мумкин.

– Бу масканда фарзандларимиз мириқиб хордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар мавжуд, – дейди биз билан суҳбатда оромгоҳ бошлиғи Людмила Васьковская. – Уларнинг бу ердаги ҳар бир кунини мазмунли, қизиқарли ўтказиш мақсадида ҳар хил тўгараклар ташкил қилганмиз. Жумладан, «Моҳир қўллар», «Ёш рассом» тўгаракларида ўғил ва қизларимиз ўзларига керакли бўлган буюмларни ўз қўллари билан ясайдилар, табиат манзараларини расмларда ифода этадилар, бундан ташқари гуруҳлар ўртасида «қувноқ стартлар» мусобақалари ўтказилаяпти, хуллас барча саъй-ҳаракатларимиз болалар таътилини яхши ўтишини таъминлашга қаратилган.

Ҳа, оромгоҳ раҳбарининг фикрлари тўғри, албатта. Оромгоҳда бу йил ҳарбий хизматчиларнинг 450 нафар фарзандлари ҳордиқ чиқаришмоқда. Уларга – Манзура Асадова, Мунаввар Қобулова, Эдуард Киселев, Надежда Дронова, Фарида Орифжонова каби етук тарбиячилар етакчилик қилишмоқда. Биз бу маскан ҳақида мақола тайёрлаш чоғида чирчиқлик Тимур Казаков билан танишиб қолдик. У бу оромгоҳда бешинчи йил дам олишга келганини айтди. Бу ернинг нимаси сенга ёқади, деган саволимга у шундай жавоб берди :

– Мен ҳар йили таътилимни ушбу оромгоҳда ўтказаман, чунки бу ердаги шароит менга жуда ёқади. Биз кўп дўстлар орттирамиз, чўмилиш ҳавзасида мазза қилиб чўмиламиз, қўшиқлар куйлаймиз, ўйнабкуламиз. Овқатлари ҳам мазали. Бу маскан ҳақида илиқ фикрларни дам олувчи бошқа кўплаб болалар ҳам билдирдилар. Болалар уларга яхши муносабатда бўлаётган тарбиячилари – мусиқа раҳбари Александр Афанасьев ҳақида кўпроқ тўхталишди. Унинг болаларга кўрсатаётган меҳрибонлиги чексизлигини биз ҳам сездик, жажжиларга қўшилиб куйлаётган, уларга турли хил ўйинлар ўргатаётган мураббий ҳақиқатдан ҳам мақтовга лойиқ инсон эканлигига амин бўлдик. Ташрифимиз чоғида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун яратилаётган қулайликларни кўздан кечирдик. Шинамгина озода хоналар, кенг ва мовий рангдаги чўмилиш ҳавзаси, турли безаклар билан ясатилган ўйин майдончалари, ҳар тарафлама қулай бўлган ошхона, спорт мусобақалари ўтказишга мўлжалланган яшил майдон – бу-ларнинг барчаси кўзимизнинг оқу-қораси бўлган кичкинтойларимиз хизматида. «Яхши дам – меҳнатга ҳамдам», деганларидек, мириқиб дам олган ҳар бир бола навбатдаги ўқув йилини яна ҳам кўтаринки руҳ, янгича шижоат билан бошласа, не ажаб.

Мавжуда МИРЗАЕВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Ҳасан МИРЗАЕВ олган суратлар.

АДОЛАТ МЕЗОНИ

БАШАРИЯТНИНГ ЎЛМАС ХОТИРАСИ

Олмон файласуфи Артур Шопенгауэр шундай ҳикматли сўзларни ёзиб қолдирган эди: «Инсоният илмининг барча соҳаларга оид катта қисми қоғозларда, башариятнинг қоғоз хотираси бўлмиш китобларда яшайди. Шунинг учун ҳам одамзоднинг ягона умиди ва ўлмас хотираси фақат китоб тўплаш ва кутубхона очишдадир».

Қадим манбаларнинг гувоҳлигидан ҳам маълумки, илм муқаддас заминимизда азал-азалдан юксак қадр топиб келган. Абу Али ибн Сино ҳақида кўп эшиттансиз. Иқтидорли, ёш ҳакимга сарой кутубхонасидан фойдаланишга ижозат берилиши ҳаётидаги улкан воқеа сифатида ҳикоя қилинади. Дарҳақиқат, ўн олти ёшида энг ҳурматли ҳакимларга маслаҳатлар бера олган ибн Сино мутолаага жуда берилган эди. Мустақил ўқиб-ўрганиб, илм чўққиларини эгаллаган ўн тўққиз ёшли истеъдодли ҳакимни Шарқда «Шайх ар-раис», яъни «Донишмандлар етакчиси» деб атаганлар.

Ҳамма даврларда илм-фан, санъат ривожланган давлатларда жамият тараққиётга юз тутган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳалардаги каби маънавий-мафкуравий соҳани ҳам тубдан янгилаш ва ривожлантириш масаласи кўндаланг бўлганди. Тарих ва тараққиёт анъаналарига таянган ҳолда миллий мафкура ғоялари яратилди. Миллат тафаккурининг маҳсули бўлган миллий ғояни ҳаётга татбиқ этиш, уни халқимизнинг маънавий қуролига айлантириш катта фидойиликни талаб қиладиган ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Комил инсон тарбияси миллий ғоянинг асосини ташкил қилади. Қуролли Кучларимизда олиб борилган бир қатор ислоҳотларда ҳам айнан шу миллий ғоянинг амалдаги ифодаси кўзга ташланади.

Кутубхоналарнинг аҳамияти ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Маънавият сарчашмасининг мўъжизавор қудратини эса ўз касбини чуқур ўзлаштирган ҳақиқий фидойилар намойиш этадилар.

Бугун ҳар бир ҳарбий қисм ўз кутубхонасига эга. Маънавиятни юксалтиришдаги беқиёс аҳамияти эътиборга олиниб, уларни бойитиш юзасидан бир қатор амалий ишлар олиб борилди ва давом этмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида эллик мингдан зиёд китоблар аскар кутубхоналари, китоб жавонларидан жой олди. Аскар кутубхоналарини турли-туман адабиётлар билан тўлдиришда жамоат ташкилотлари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Бу хайрли ишда посбонларимизнинг ота-оналари ҳам борлиги, айниқса, қувонарлидир. Шундай оилалардан бири Қарши шаҳридан Шавкат ва Сайёра Жабборовлар. Улар ўғиллари катта лейтенант Умид Жабборов хизмат қилаётган ҳарбий қисм кутубхонасига қашқадарёлик ижодкорлар қаламига мансуб беш юзга яқин адабиётларни тақдим қилдилар.

Муқаддас Файзиева Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кутубхоналаридан бирида фаолият кўрсатади. Унинг фаолиятида қаҳрамонона хатти-ҳаракатлар, ёки ғайриодатий воқеалар учрамайди. Бор-йўғи кутубхоначиликдек ўзи оддий аммо масъулияти бир олам касб эгаси. Унинг бошқалардан фарқи шундаки, кутубхонага посбонларни жалб қила билади. Инсон турли руҳий ҳолатларда бўлади. Шундай ҳолатларда китобдан яхшироқ ҳамдард бўлмаслигини англатиш учун анчагина маҳорат ҳам керак бўлади. Табиатан сезгир бўлган Муқаддас посбонлардан бири кейинги вақтда анчагина бўшашиброқ юрганини пайқаб қолди. Аёлларга хос қизиқувчанлик билан унинг дўстлари орқали нима гаплигини суриштириб билиб олди. Маълум бўлишича аскар яхши кўрадиган қизни бошқа йигитга узатиб юборибдилар. Тизгинсиз ёшлик муҳаббат қаршисида мўмин-қобил болакайдек, гўё. Муқаддас ҳеч нарсадан хабари йўқ каби аскарга Паҳлавон Маҳмуд шеърларидан ўзи белгилаб қўйганларини ўқишни таклиф қилди. Уларни хоҳламайроқ қўлга олган йигит орадан бироз фурсат ўтиб…Паҳлавон Маҳмуднинг бошқа китоблари бор-йўқлигини суриштириб қолди. Нега бўлмасин, бор! Муқаддас аввалдан тайёрлаб қўйган китобни олиб аскарга узатди. Маълум вақт ўтиб, кутубхонага келган йигит таассуротлари билан шундай ўртоқлашди:

– Бу шеърлар худди менинг кўнглимдан чиққанга ўхшайди. Ўқиганинг сари енгил тортаверасан…

Номард ит кабидир, мард – буюк дарё,
Дарё ит дамидин ҳеч мурдор бўлмас.

Ҳарбий қисмларда иккинчи бир Искандария мўъжизасини яратиб бўлмайди, албатта. Аммо ундаги кичкина маънавият сарчашмасини посбонларимиз учун севимли, дилтортар жойга айлантира олган фидойиларимиз хизматини тилга олиб ўтмаслик ҳам мумкин эмас.

Қуролли Кучлар хизматчиси Тўйчи Пиримов майор Баҳром Аширов тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари бўлиб хизмат қилаётган ўқув комбинати кутубхонасида ишлайди. Бу ерда кутубхонага қабул қилинаётган ҳар бир янги адабиётнинг ўзига хос тақдимот маросими бўлади. Бунда китобнинг муаллифидан тортиб, унда илгари сурилган ғоягача билимдон кутубхоначи томонидан посбонларга тушунтириб ўтилади. Шу сабабли ҳам кутубхонага келтириладиган янги адабиётлар барчанинг қизиқишини орттириб, эътиборида бўлади.

Бу борада Қуролли Кучлар хизматчиси Валентина Рудник фаолияти ҳам диққатга сазовор. Кутубхонанинг шарқ мутафаккирларининг расм ва пурҳикмат фикрлари билан жиҳозланган шинамгина ўқув зали ҳаммавақт ўқувчилар билан гавжум. Ўзбек ва рус тилларида удумларимиз, қаҳрамонларимиз, шаҳарларимиз тарихи ва бугуни акс этган альбомлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ўқувчиларининг кўплиги билан ҳам бу қироатхона бошқаларидан ажралиб туради. Бугун намуна қилиб кўрсатсак арзийдиган кутубхоналаримиз талайгина. Улардан айримларинигина тилга олиб ўтдик.

Улкан тарихнавис Баёний қаламига мансуб «Шажараи Хоразмшоҳий» китобининг Саййид Муҳаммад Раҳимхони Соний – Феруз фаолиятига бағишланган қисмида шундай ҳикоя қилинади: «…суҳбати ҳумоюнларида китобхонлик бўлур эрди ва сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлик этарга тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар». Ҳар бир замон, даврнинг ўзига хос, такрорланмас, ўхшамас, қайтарилмас жиҳатлари мавжуд. Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги даври ҳам илм-фан, маданият ва диннинг ўзига хос юксалиш ва янгиланиш даври бўлди. Бу даврда китобат ишлари, мусаввирлик, мусиқа санъати ривожланди, шеърият ранго-ранг шакл ва моҳиятларда намоён бўлди.

Бугунги давр ҳам ўтганларига ўхшамас ва такрорланмасдир. Юксалишни, буюк эзгу ўзгаришларни мақсад қилиб олган халқимиз улуғ тафаккур эгалари бўлган ҳисобсиз донишманд аждодларимиз қолдирган бой маънавий-маданий меросимизга, дунё тамаддунида залворли ўрин тутган қудратли давлатчилик тарихимизга битмас-туганмас илҳом, илм манбаи сифатида қарайди. Ўз навбатида қадим халқнинг шерюрак, салоҳиятли посбон ўғлонлари ана шундай зилол чашмалардан маънавий куч оладилар.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ОДИЛ СУДЛОВГА МУРОЖААТ

Конституциямизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринга қўйилган. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас. Шу билан бирга фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш жараёнида давлат ва жамиятнинг ёки мансабдор шахсларнинг қонуний манфаатларига путур етказувчи ҳар қандай ҳаракатлардан тийилишлари билан бирга бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига бирор бир тарзда зарар етказмасликлари шарт.

Қонун талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, мансабдор шахслар фуқароларнинг мурожаатларига нисбатан ҳамиша сезгир ва ҳозиржавоб бўлишлари талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунида фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатланган.

Жумладан, фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ҳеч ким бирон бир мурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларнинг жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади.

Фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт.

Фуқаро унинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсинув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақли.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сири ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар ва бошқа ахборотлар давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этганликлари учун таъқиб қилиш ман этилади.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинларини суд орқали ҳам ҳимоя қилишлари мумкин. Ўз навбатида ҳарбий хизматчилар бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида ҳарбий судларга мурожаат қилишлари мумкин.

Навоий ҳарбий гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган офицерлар, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар ва муддатли ҳарбий хизматчиларнинг одил судловга бевосита эркин мурожаатини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш Навоий ҳарбий суди томонидан йўлга қўйилиб, бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларни одил судловга шахсий мурожаатлари бўйича бевосита бориб қабул қилиш, ҳарбий хизматчилар билан ҳуқуқий билимлар кунини ўтказиш, жиноятчиларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиб, жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш ҳақида чиқарилган хусусий ажримларни шахсий таркиб иштирокида муҳокама этиш ва жиноят ишларини тегишлилиги бўйича ҳарбий қисмларда сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш каби ишлар йўлга қўйилган.

Албатта, ҳарбий хизматчи ҳуқуқий билимга эга бўлган ва уни амалиётга татбиқ эта оладиган маданиятли ва чуқур билим эгаси бўлиши лозим. Шундай экан, барча ҳарбий қисм командирлари, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, гуруҳ командирлари ва бошқа ҳарбий хизматчилар ҳозирда замон билан ҳамнафас қадам ташлашлари учун қонунчилигимиздаги янгиланишлар, жамиятимизнинг ютуқлари, муаммолари ва устувор вазифалари ҳақида атрофлича тушунчага эга бўлиб, қўл остидаги ҳарбий хизматчиларни шунга даъват эта олиш маҳоратига эга бўлишлари керак.

Ҳарбий хизматчиларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши жамиятнинг, давлатнинг ҳуқуқларига ва қонунлари манфаатларига, ҳарбий хизматга, бошқа ҳарбий хизматчилар ва турли фуқароларнинг ҳуқуқларига путур етказмаслиги лозим. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларидан фойдаланиш бўйича мажбуриятларни бажармасликда айбдор бўлган командир (бошлиқлар) бунинг учун қонунларда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Адлия катта лейтенанти
Ҳамидулло КАМОЛОВ,
Навоий ҳарбий суди судьяси.

Строгое соблюдение законности и уставного порядка, предупреждение всякого рода правонарушений, поддержание воинской дисциплины на должном уровне – все эти вопросы неразрывно связаны с жизнедеятельностью каждого воинского коллектива. Добиться полного искоренения негативных явлений – задача не из легких, но вполне выполнимая. И способствует этому целенаправленная работа командиров, офицеров-воспитателей. Причем коэффициент полезного действия такой деятельности возрастает лишь в том случае, когда данный процесс является последовательным и непрерывным. Заместитель командира подразделения офицер Зокир Хамраев знает об этом не понаслышке, поскольку сам лично интенсивно внедряет подобную практику в жизнь коллектива. Даже в перерывах между занятиями на полигоне он находит время и возможности, чтобы провести разъяснительную работу среди личного состава. А капля, как известно, камень точит. Так, шаг за шагом, и добились в батальоне того, что даже малейшее нарушение здесь рассматривается как чрезвычайное происшествие и, естественно, не остается без внимания, что, в свою очередь, самым положительным образом отображается на морально-психологическом климате, показателях в боевой учебе и в целом на боеготовности подразделения.

Текст и фото **подполковника Ярослава КОРУКИ.**

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ҳокимиятнинг учинчи тармоғи ҳисобланган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Жумладан, 2001 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Президентимиз ташаббуси билан тақдим этилган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди ва Президентимиз томонидан имзоланиб, 2001 йил 18 октябрдан бошлаб кучга кирди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан яна бир муҳими – бу ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш институти бўлди. (Ўзбекистон Республикаси ЖК 66-1-моддаси).

Маълумки, дунё мамлакатлари суд амалиётида қўлланилаётган ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятида инсонпарварлик ва адолат тамойилларига тўғри келадиган ярашув институти миллий қонунчилигимиз учун янгилик эмас. Чунки, халқимиз тарихида жиноят содир этган шахс билан жабрланувчининг ўзаро келишуви кенг қўлланилган. Бунда жиноят содир этган шахс жабрланувчига товон тўлагани учун жабрланувчи уни кечириб, айбдорнинг жазодан озод этилишини талаб қилишга ҳақли бўлган. Ҳуқуқшунос Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида товон ҳақи жазо сифатида қўлланилгандан сўнг уни айбдор уч йил мобайнида тўлаши лозимлиги айтиб ўтилган. Ислом қонунчилигида бу институт товон тўлаш, деб аталган. Шундай экан, ярашув институти миллий урф-одатларимизга мос келади.

Ярашув институтининг жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, республикада судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенгроқ қўлланилишига имкон яратди ва жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб, жиноят ишларини тугатишга асос бўлди.

Ярашганлик муносабати билан шахсни жавобгарликдан озод қилиш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган тўртта ҳолатнинг мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга. Яъни шахсни Ўзбекистон Республикаси ЖК 66-1-моддасида кўрсатилган (ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш) ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни (ЖКнинг 30 та моддаси) биринчи марта содир этган бўлиши, ўз айбига иқрор бўлиши, жабрланувчи билан ярашиши ва етказилган зарарни бартараф этган бўлиши лозим. Шунингдек, ярашувни тасдиқлашнинг яна бир аҳамияти шундаки, жабрланувчининг айбланувчи билан ярашишига келишганидир. Агар ярашув суд томонидан тасдиқланиб, ишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинса, иш юзасидан узил-кесил тўхтамга келади. Бунда суд ярашувни тасдиқлаганда, яъни суд ажрими ўқиб эшиттирилишидан бошлаб жабрланувчи юқори судга ушбу иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Шунингдек, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилингандан сўнг судланмаган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66-1-моддасида рўйхати келтирилган жиноятлардан ташқари, бошқа ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир қилган шахслар билан шу ишлар юзасидан жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили, деб топилганлар ўртасида ярашувга эришилган тақдирда жиноят содир этган шахсни ЖКнинг 65 ва 66-моддаларига асосан жавобгарликдан озод қилиш ёки шу кодекснинг 70 ва 71-моддаларига асосан жазодан озод қилиш масаласи судлар томонидан муҳокама этилиши амалга киритилди.

Ҳозирги кунда ҳарбий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66-1-моддасини қўллаш амалиёти кенг жорий қилинмоқда. Бу эса ҳарбий хизматчилар ўртасидаги судланганлик ҳолатини камайишига аҳамиятли таъсирини кўрсатмоқда.

Умуман олганда ярашув институтини жиноят қонунчилигига киритилиши суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали натижаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Адлия майори Илёс ЕРМАНОВ.

ҲАРБИЙ МУЛКНИ НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари томонидан давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини ва конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қилинишида жанговар шайликни таъминлаш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш муҳим ўрин тутади. Ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноий ҳаракатлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар» номли XXIII-боби, 296-моддасида ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш жинояти кўрсатилган.

Ҳарбий мулкни эҳтиёт қилиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий хизматчи томонидан мазкур тартибни қасддан бузиш, қурол-аслаҳаларни, ҳарбий техника ёки бошқа бирор ҳарбий мулкни йўқ қилиш, унга шикаст етказишда ифодаланган бўлса, у катта ижтимоий хавф туғдиради.

Мазкур жиноятнинг объекти, ҳар бир ҳарбий хизматчининг қуролларни, техникани, ўқ-дорилар ва бошқа ҳарбий мулкни эҳтиёткорлик билан сақлаш, уларга тўғри хизмат кўрсатиш, фойдаланиш ва ишлатиш, уларни нобуд бўлиш, йўқолиш ёки бузилишдан сақлашга доир белгиланган ҳарбий мулкни асрашга оид тартиб ҳисобланади. Қуроллар, ўқ-дорилар, ҳаракат қилиш воситалари ва бошқа ҳарбий буюмлар давлат мулкидир. Шу боис қасддан шикаст етказиш ёки йўқ қилиш мулкнинг қўшимча жиноят объекти ҳисобланади.

Объектив жиҳатдан жиноятлар ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатларда намоён бўлади. Мулкни нобуд қилиш деб, буюмни йўқотиб юбориш, яъни унинг ўз фаолиятини тугатганлиги тушунилади.

Ушбу жиноятнинг субъектив томони тўғри ёки эгри қасд шаклидаги айбли ҳаракат билан тавсифланади. Яъни айбдор бошқа бирор мулкни эмас, балки айнан ҳарбий мулкни нобуд қилаётганлигини ёки унга шикаст етказаётганлигини англайди.

Ҳарбий хизматчи ёки йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахслар мазкур жиноятнинг субъектидир.

Мулкнинг нобуд бўлиши ёки унга зарар етказилиши оғир оқибатларга олиб келган ҳолларда қилмиш ўз оқибатларига кўра қасддан ёхуд эҳтиётсизлик туфайли содир этилган, дея тавсифланади. Бироқ одамлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар фақат эҳтиётсизлик орқали содир бўлиши мумкин.

Ҳарбий мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш жанговар вазиятда содир этилиб, оғир оқибатларга олиб келганда мазкур қилмиш алоҳида оғир жиноят ҳисобланади.

Юқорида таърифлаб берилган жиноятнинг содир этилиши Қуролли Кучларда ҳарбий интизом ва жанговар шайликни сусайтиришига олиб келади. Шу боис ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган жиноятчиликнинг олдини олиш бир марталик тадбир бўлиб қолмасдан, балки ҳарбий хизматнинг барча соҳасига тааллуқли доимий фаолият тури бўлиб қолиши лозим.

Адлия подполковниги
Номурод ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий суди судьяси.

Ҳарбий техника шарҳи

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА



Жанубий Африканинг «Денел аэроспейс системз» фирмаси мутахассислари Мк'80 сериясидаги бошқарилмайдиган авиацион бомбаларга ўрнатиш учун янги универсал мўлжалга олиш блокларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш борасида концептуал изланишлар олиб бормоқдалар. «Амбани» деб номланган янги универсал блок биринчи марта 2004 йилнинг сентябрь ойида «Африкэн аэроспейс энд дефенс» номли авиакосмик кўргазмада намойиш этилган эди. Янги концепцияга ишлаб чиқувчи мутахассислар тузилишнинг модул принципини, паст нархли мўлжалга тўғрилаш тизимини, нисбатан содда фойдаланиш таъминоти тизимини, шунингдек ҳар томонлама универсалликни асос қилиб олдилар.

Шундай универсал авиацион бомбалар билан миллий ҳарбий ҳаво кучлари таркибидаги жанговар самолётларни, шу жумладан истиқболли JAS-39 «Грипен»ни жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

ТАЖРИБА НУСХАСИ ЯРАТИЛДИ



Франциянинг «ЖИАТ ИНДАСТРИЗ» компанияси VBCI деб номланган бронетранспортёрнинг (БТР, ғилдирак формуласи 8х8) тажрибавий нусхасини яратди. Ишлаб чиқарувчи мутахассислар фикрига кўра, кейинчалик ушбу машина ҳозирда Франция қуролли кучлари техникаси таркибида бўлган AMX-10P ва VAB русумли жанговар зирҳли машиналарни алмаштириши мумкин. БТР корпуси тўлиқ пайвандланган ва алюминийли зирҳдан тайёрланган. Шунингдек, ён томонларда олиб қўйиладиган тунука (лист) ва корпуснинг олд томонида спойлер кўринишидаги қўшимча зирҳли ҳимоя ҳам кўзда тутилган. БТРга 555 от кучи қувватига тенг бўлган дизел ўрнатилган бўлиб, у шосседа энг юқори тезликни 100 км/соатга етказиш имконини беради. Тажрибавий нусхада 25 мм.ли М811 тезотар тўпи ва унга жуфтланган 7,62 мм.ли пулемётдан иборат бўлган «Драгар» башня қурилмаси ўрнатилган. Ҳозирда 105 ёки 120 мм.ли силлиқ стволли FEP тўпи (расмга қаранг) бўлган башня қурилмасини яратиш борасида ишлаб борилмоқда.

VBCIнинг асосий тактик-техник тавсифлари: жанговар оғирлиги – 28 т, узунлиги – 7,6 м, эни 2,98 м, баландлиги – 2,2 м, юриш захираси – 750 км.

ҲАММАСИ БЎЛИБ 8 ДОНА



АҚШ соҳилни қўриқлаш кучлари қўмондонлиги томонидан янги русумдаги кемани ишлаб чиқиш ва қуриш ҳақида қарор қабул қилинди. 2003 йилнинг 2 апрелида «Нортроп-Груммон» компанияси билан шу борадаги тегишли шартнома имзоланди. Кемани қуриш ишлари 2004 йил ўрталарида бошланди, бу ишларни якунлаш 2006 йилнинг охирига мўлжалланган. 2007 йилда эса ушбу янги кемани жанговар кучлар таркибига киритиш режалаштирилган.

Янги кеманинг асосий тактик-техник тавсифлари: стандарт сув сиғими 3086 т, тўлиқ сув сиғими 3956 т, узунлиги 128,3 м, эни 16,5 м, сувга ботиб туриш даражаси 6,4 м. Бош энергетик қурилма таркибига қуввати 29500 от кучига тенг бўлган LM 2500 типидаги битта газ-турбина двигатели ҳамда умумий қуввати 19310 от кучига тенг бўлган MTU 20 V1163 типидаги иккита дизел киради. Кеманинг максимал тезлиги 29 узел, сузиш узоқлиги – 9 узел тезликда 12000 миль.

Қуроллари: 57 мм.ли Mk 3 «Бофорс» русумли артиллерия қурилмаси, 20 мм.ли Mk 15 «Вулкан-Фаланкс» Block русумли зенит-артиллерия комплекси, тўртта 12,7 мм.ли пулемёт, иккита вертолёт (ёки вертолёт ва учувчисиз бошқариладиган учиш аппарати). Радиоэлектрон жиҳозлар таркибига учта радиолокацион тузилма киради: отишни бошқарувчи SPQ-9B, сув устидаги нишонларни аниқловчи TRS-3 Д/16 ва навигацион SPS-73 тизимлари. Экипаж 126 киши, шу жумладан 19 офицердан иборат бўлади. Ҳаммаси бўлиб шу типдаги кемалардан 8 тасини қуриш мўлжалланмоқда.

(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).

ЯДРОВИЙ ХАВФ – МУНОЗАРАЛИ МАВЗУ

Хиросима ва Нагасаки воқеаларидан кейин дунё бир қалқиб тушди. Инсоният ўзи учун янги, даҳшатли бир хавф таҳдид солаётганини тушуниб етди. Англаб етгандирсиз, бунинг ядро қуроли, ядровий хавф эканлигини. 1946 йилда, яъни ядро асри бошланганидан бир йил кейин БМТ Бош Ассамблеяси ядровий қуролсизланиш муаммосига бағишлаб ўзининг биринчи резолюциясини қабул қилди. 1957 йилга келиб Атом энергияси бўйича халқаро агентликка асос солинди. Яъни бу билан атом энергиясини тинчлик мақсадларига йўналтиришга эътибор қаратилди.

Совуқ уруш даврининг геосиёсий рақобатлари ядро қуроли билан боғлиқ муаммонинг кескинлашувига хизмат қилди. Ўша даврда жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган қатор шартномалар бироз бўлса-да муаммо кескинлашувини юмшатишга олиб келди. Булар сирасига 1963 йилда қабул қилинган «Атмосфера, космик фазо ва сув остида ядро қуроллари синовини ўтказишни тақиқлаш, 1967 йилдаги Ядро қуроллариии Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасига жойлаштиришни тақиқлаш», 1968 йилдаги «Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида»ги шартномаларни қўйиш мумкин.

Хўш, нега айнан бу мавзуга урғу бериб, унинг тарихига қисқача кўз югуртирдик? Бунга яқинда, аниқроғи жорий йилнинг май ойида Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага амал қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция сабаб бўлди.

Мутахассисларнинг фикрича, мазкур конференция кутилган самарани бермаган. Дунёнинг деярли барча мамлакатлари тилга олинаётган шартномага ўз вақтида имзо чекишганини таъкидламаса-да, яхши биласиз. Унда муаммо нимада?

Асосий масала шартноманинг ядро қуролларини тарқатмаслик, қуролсизлантириш, ядро технологиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш каби йўналишларида дарзлар пайдо бўла бошлагани билан изоҳланади. Демак, ўша дарзларни ўз вақтида «таъмирлаш» талаб этилмоқда. Маълумки, мазкур шартномага амал қилиш масалаларини ўрганиш борасида ҳар беш йилда конференция ўтказиб келинади. 2000 йилда ўтказилган халқаро анжумандан то ҳозирга қадар Корея халқ демократик республикаси шартномадан чиқишини эълон қилган. Ливия эса қатор йиллар давомида ядро қуролини яратиш бўйича махфий дастур бўйича иш олиб борганини тан олган. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик эса Эронда уранни бойитиш бўйича эълон қилинмаган иш олиб борилаётгани ҳақида хабар берди.

Тўғри, бугун жаҳонда қуролсизланиш масаласида муайян олга силжишлар бор. Аммо ҳали-ҳануз 27 минга яқин ядровий ўқ-дорилар борлиги, уларнинг кўпчилиги қўллашга шай тургани таҳликали-да.

Мазкур конференция натижаларига кўра, БМТ Бош Котиби Кофи Аннан ўз баёнотини берди. «Конференция очилишидаги маърузамда ютуқларимиз инсониятга таҳдид солаётган мавжуд барча ядровий хавфнинг тан олинишига боғлиқ эканлигини таъкидладим. Айрим делегатлар хавфнинг барига эмас, айримларига эътибор қаратишса, Конференция боши берк кўчага киради, дея таъкидладим. Айрим иштирокчи давлатлар жиддий хавфни ядро қуролининг тарқалишида деб, яна айримлари мавжуд ядровий арсеналларда деб ҳисоблашади. Ҳатто айримлари ядровий ёнилғилар технологияларини тарқатиш циклини яратиш ядро қуроллари тарқалиши хавфини оширишини зўр бериб таъкидлашса, бошқалари ядро технологияларидан фойдаланиш йўлига тўғаноқ бўлмасликни ёқлашди. Натижада улар хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида деспсиб қолишди », деди жумладан у.

«Хўш, унда бу қандай қилиб бартараф эта оламиз?», дея савол қўйиб,бунга жавобни ўша баёнотнинг ўзида берган, Бош Котиб.

Яъни бундай глобал ва долзарб масала халқаро анжуманда узил-кесил ҳал қилинмаган экан, бу вазифани давлатлар етакчилари ўз зиммаларига олмоғи лозимлигига, бу билан у жорий йилнинг сентябрида 170 дан зиёд давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари иштирокида Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашувга ишора қилган. Бу учрашувда тилга олинаётган муаммога ечим топиш учун текширув ўтказиш механизмини такомиллаштириш, ядровий энергиядан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқини ядро қуролларини тарқатмаслик талаби билан уйғунлаштириш ёки бир сўз билан айтганда, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

Майор Ш. ТОЛМАСОВ.

СИЯЙ, ТАШКЕНТ, – ЗВЕЗДА ВОСТОКА

На наших глазах преображается облик столицы Узбекистана. С каждым годом Ташкент становится лучше и краше. За годы независимости, благодаря инициативе и заботе Президента И.А.Каримова, построено немало различных административных зданий, жилых домов, объектов социально-бытового и культурного назначения, которые стали украшением архитектурного ансамбля города.

Да, облик нашей столицы неузнаваемо преобразился. Это постоянно отмечают и жители Ташкента, и его гости. А изменения в лучшую сторону происходят, видимо, еще и потому, что для создания каждого сооружения привлекаются, как правило, не одна, а несколько проектных организаций. А к строительству рекомендуется самый лучший из лучших проектов.

Особенно большой объем строительно-монтажных и отделочных работ был выполнен в последние годы. Многое сделано не только в центре Ташкента. Каждый район города может похвалиться своими новостройками. Радуют глаз крупные культурно-бытовые сооружения, красивые жилые дома, современные коттеджи, роскошные отели, восточные рынки, оригинальной формы фонтаны. Повсеместно проложены широкие и ровные улицы, мосты, заложены сады и парки. И в каждом творении рук человеческих воплощены самые лучшие традиции национального и современного зодчества.

Для примера достаточно назвать здания Олий Мажлиса, городского хокимията, ряд музеев, парк Памяти и Почестей, Национальный банк, отели «Интерконтиненталь», «Ле-Меридиан», «Шератон».

Особое внимание в последние годы уделялось работе по благоустройству и озеленению города. Ряд столичных парков культуры и отдыха реконструированы в современном стиле. Озеленены тысячи гектаров площадей. Многое сделано и по обеспечению жильем населения. Выросли новые жилые городки и кварталы во многих районах Ташкента.

Постоянно совершенствуется инфраструктура города. Для улучшения транспортного движения налажены многокилометровые трамвайные и троллейбусные линии. Открыты новые автобусные маршруты.

Радуют достигнутые результаты и в сфере телекоммуникации. При сотрудничестве с зарубежными фирмами сданы в эксплуатацию новые телефонные станции. Значительно увеличилось число абонентов.

Весомый вклад в обновление Ташкента вносит и личный состав военных инженерно-строительных формирований Министерства обороны Республики Узбекистан. За годы независимости многое сделано умелыми трудолюбивыми руками воинов-созидателей. Построенные и реконструированные ими здания и сооружения стали настоящим украшением города. Это – комплексы объектов Военной академии, здания ЦДО, Спецфакультета Министерства обороны при ТУИТ и др.

В Ташкентском городском хокимияте вопросам дальнейшего социально-экономического развития столицы уделяется первостепенное внимание. В ближайшие годы предусматривается осуществление еще большего объема созидательных дел. В будущем будут постепенно выведены за пределы города некоторые промышленные и автомобильные предприятия, которые расположены внутри Ташкента и не отвечают экологическим требованиям.

Отрадно отметить, что будет осуществляться новый подход к строительству жилья для населения. Постепенно пойдет на снижение возведение высотных 9- и 12-этажных домов, и станут сооружаться только 4- и 5-этажные жилые дома, которые нравятся ташкентцам.

Изменений произойдет еще немало. Со временем, в соответствии с генеральным планом застройки города Ташкента до 2015 года, его облик станет значительно краше. И по своим своеобразным архитектурным и национальным чертам, величественности, общественно-экономическому значению и потенциалу столица Узбекистана будет выделяться не только среди городов нашей страны, но и всей Центральной Азии.

Сергей БУДАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **К. ТУРАЕВА**

Советы специалиста

СОБЛЮДАЙТЕ МЕРЫ БЕЗОПАСНОСТИ НА ВОДЕ

Вопросы обеспечения безопасности жизни являются очень важными для каждого человека, независимо от возраста. Поэтому редакция газеты «Ватанпарвар» на своих страницах открывает новую рубрику «Вазият» – «Ситуация». Первый материал из серии публикаций этого цикла, посвященный соблюдению мер безопасности на воде, читайте в сегодняшнем номере.

При проведении занятий по плаванию и во время купания необходимо строго соблюдать все меры предосторожности. Для организации их с личным составом, во избежание несчастных случаев, руководители занятий и командиры обязаны соблюдать меры безопасности на воде, в соответствии с требованиями 321-й статьи Устава внутренней службы и Наставления по физической подготовке.

Занятия и купание должны, как правило, проводиться только на водной станции, в искусственном бассейне или на специально оборудованном участке водоема. Купаться в одиночку и в незнакомом месте категорически запрещается. Тот, кто пренебрегает общепринятыми правилами, проявляет на воде безрассудную удаль, тот порой расплачивается за это очень дорого.

В местах проведения занятий и купания организуется дежурство для контроля за соблюдением установленных правил. Во время купания организуется также дежурство медицинского персонала.

Занятия и купание можно проводить в солнечную погоду при температуре воды не ниже 17 градусов. Плавание в более холодной воде может вызвать судороги.

Это явление внезапно сковывает мышцу и лишает пловца возможности совершать правильные движения, вызывая сильные болевые ощущения. Оно опасно даже для опытных спортсменов и может привести к несчастным случаям.

При судорогах не нужно теряться. Следует лечь на спину и спокойно работать ногой или рукой, которые не тронуты спазмами, и плыть к мелководью.

Входить в воду нужно спокойно и осторожно. На неглубоком месте необходимо остановиться и быстро окунуться с головой. Нельзя купаться в разгоряченном состоянии. Разгоряченное тело в воде быстро охлаждается. Поэтому после спортивных тренировок, маршей и работ рекомендуется перед входом в воду отдохнуть.

Попав в сильное течение, не плывите против него, а старайтесь приблизиться к берегу. В водовороте не теряйтесь. Наберите побольше воздуха в легкие, погрузитесь в воду и, сделав сильный рывок в сторону по течению, всплывайте на поверхность.

В месте прыжков вниз головой со стартовой тумбы глубина должна быть не менее 1,5 метра, с 3-метровой вышки – не менее 3,5 метра, с 5-метровой вышки – не менее 4 метров.

Каждый, кто умеет плавать, должен уметь оказывать помощь утопающему. Когда утопающий зовет на помощь, очень важно не поддаться панике. Сохраняя полное самообладание, в первый момент нужно быстро оценить обстановку. Если рядом есть спасательный круг или хорошо плавающий легкий предмет, то необходимо бросить его утопающему. Если под рукой не окажется спасательного круга, надо плыть к утопающему, разумно экономя свои силы.

Тонущий, как правило, теряет самообладание и может судорожно вцепиться в спасателя. Чтобы этого не случилось, надо подплывать к нему сзади. Если так сделать не удается, следует поднырнуть под тонущего, в воде развернуть его спиной к себе и начать буксировку. Лучше всего положить пострадавшего на спину, пропустив свою руку снизу ему под мышку, и плыть на боку, работая свободной рукой и ногами.

После того как тонувший будет вытащен из воды, с него надо быстро снять одежду, очистить рот от грязи, песка. Вслед за этим его следует положить животом на свое колено и ладонями надавливать на спину, чтобы удалить воду из легких и желудка. Когда вода перестанет выходить изо рта и носа пострадавшего, надо приступить к проведению искусственного дыхания.

Делать это лучше всего методом «изо рта в рот». Пострадавшего следует положить на спину, на полуоткрытый рот набросить носовой платок и начать вдувать в него воздух. Ритмичность дыхания – 18 – 20 раз в минуту. Если челюсти пострадавшего не удается разомкнуть, то вдувание воздуха производится через нос. После приведения человека в сознание желательно дать ему горячего чая или кофе и немедленно доставить в лечебное учреждение.

Для предупреждения несчастных случаев на воде и травматических повреждений необходимо:

– проверять в дни занятий состояние дна и глубину воды под стартовыми тумбами и вышкой, исправность поворотных щитов;

– проверять число занимающихся до входа в воду, во время купания и после выхода из воды;

– неумеющих плавать разбивать на пары для взаимного наблюдения и оказания помощи друг другу;

– поддерживать строгую дисциплину, не допускать шалостей в воде, самовольных прыжков и ныряния. Запрещать ныряние и прыжки в воду перенесшим воспалительные заболевания среднего и внутреннего уха;

– назначать во время занятий двух-трех отличных пловцов для наблюдения за находящимися в воде;

– соблюдать методически правильную последовательность обучения плаванию, старту и особенно прыжкам в воду;

– при обучении нырянию в бассейнах с малопрозрачной водой для страховки к поясу обучаемого привязывать прочный шнур длиной 5 – 8 метров с поплавком на свободном конце;

– прекращать занятия в воде и проводить разогревающие упражнения, если у занимающихся появились признаки сильного охлаждения (озноб, «гусиная кожа», посинение губ);

– при обучении плаванию вначале разрешить плавать на глубине, не превышающей 1,5 метра, а при обучении на более глубоком месте натягивать через водный рубеж веревку с поплавками для страховки.

Юрий МИХАЙЛОВ,
подполковник в отставке,
мастер спорта.

ЙИРИНГЛИ ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Инсон териси мураккаб тузилмага эга ва у турли ҳаётий функцияларни бажаради. Ўз остидаги тўқима ва органларни лат ейиш, зарбалар ва жароҳатлардан, кучли шамол ва совуқ таъсиридан, ифлосланиш ва микроблардан ҳимоя қилади.

Бироқ, барча ушбу вазифаларни фақат соғлом, шикастланмаган тери бажариши мумкин. Буни доимо ёдда сақлаш лозим, чунки булардан бохабар инсон йирингли тери касалликлари қандай келиб чиқиши ва улардан ўзини қандай сақлашни тушуниб олиши осон бўлади.

Терининг йирингли касалликлари (пиодермитлар) – бу йиринг пайдо бўлиши билан давом этувчи тери яллиғланишидир.

Табиий, соғлом тери ўзини тозалаш (стерилизациялаш) хусусиятлари, яъни устки қатламга тушувчи микроорганизмларни йўқ қилиш қобилиятига эгалиги билан тавсифланади. Терининг бу хусусияти бир қатор омиллар билан белгиланади. Терининг микробларга қарши фаолиятини унинг тозалик даражаси билан боғлаш мақсадга мувофиқ.

Йирингли тери касалликлари пайдо бўлишига имкон туғдирувчи кўплаб сабаблар аниқланган. Бу сабаблар киши организмидан ташқарида ҳам (яъни инсон яшаётган ва меҳнат қилаётган шароитларда), унинг организми ичида ҳам ясирининган. Улар ички органлар ва терининг ўзидаги ўзгаришларда бўлиб, бунинг натижасида тери йиринг келтириб чиқарувчи микробларга қаршилик кўрсатиш хусусиятини йўқотади.

Бунда ташқи сабаблар кўпроқ таъсирга эгадир. Улар орасида санитария-гигиена (тозалик) шароитлари алоҳида аҳамият касб этади. Тоза тери йирингни келтириб чиқарувчи микробларга яхши қаршилик кўрсатади. Бундай ҳолларда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, ҳаммомга мунтазам бориб туриш, кийим-бош ва ўрин-кўрпаларни, сочиқни ўз вақтида алмаштириб туришнинг айниқса фойдаси катта.

Қўшинлар турли техникалар билан таъминланган ҳозирги даврда, улар билан ишлаш жараёнида ҳарбий хизматчилар териси турли нефть маҳсулотлари билан ифлосланади, кўпинча унга ёғсизланиш, қуриш, шунингдек, ёриқлар ва турли яллиғланиш жараёнлари – дерматитлар пайдо бўлишини келтириб чиқарувчи моддалар тушади. Бундай моддалар таркибига турли кислоталар, ишқорлар, скипидар, бензин, баъзи бўёқлар ва бир қатор бошқа кимёвий моддалар киради. Охир-оқибат улар терига йиринг келтириб чиқарувчи микроблар тушишини осонлаштиради ва терининг йирингли касалликлари келиб чиқишига имкон яратади.

Баъзи ҳарбий хизматчилар томонидан иш вақтида ифлосланган қўлларни органик эритувчи суюқликлар (растворитель), ишқорлар билан ювиш, шунингдек, ушбу мақсадларда ёғоч қипиғи, қум ва бошқа механик қоришмалардан фойдаланишга йўл қўйилиши терининг ёғсизланиши ва қуришига, ёриқлар, кўплаб майда яра-чақалар пайдо бўлишига олиб келади.

Юқори температура шароитларида меҳнат қилиш оқибатида кучли терлаш юзага келади ва бу пиодермия келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Узоқ муддатли намлик терининг юмшаб қолишига олиб келади, бу эса терига йиринг келтириб чиқарувчи микроблар ўрнашиб олишини осонлаштиради. Шуни яхши билиш лозимки, йиринг инфекцияларига қарши кишида табиий иммунитет йўқ. Бироқ, тери қатламларининг тозалиги, инсон организмининг чиниққанлиги, мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланиш терининг касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини анча оширади. Касаллик келиб чиқишининг олдини олиш уни даволашдан кўра осонлигини ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши лозим. Бу юқумли (инфекцион), шу жумладан йирингли тери касалликларига ҳам тегишли. Тиббиёт муассасаларига ўз вақтида мурожаат қилиш ва тўғри ташкил қилинган даволаш муолажалари пиодермитлар билан касалланиш ва шу билан боғлиқ ҳолда меҳнат қобилияти йўқотилиши даражаси анча пасайишини таъминлайди.

Терининг йирингли касалликларини олдини олишга, аввало, терининг йиринг келтириб чиқарувчи коккларга қаршилик кўрсатишини ошириш ёрдам беради. Бунга эса мунтазам равишда инсон организмини чиниқтириб бориш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш, шахсий ва жамоат гигиенаси қоидаларига доимий риоя қилиш орқали эришилади.

Ҳарбий хизматчилар яшайдиган ва меҳнат қиладиган барча жойлар доимо тоза ва ёруғ бўлиши лозим. Ҳар бир аскар ўз терисининг тозалиги ва саломатлиги ҳақида қайғурмоғи керак. Тўғри ташкил этилган меҳнат ва дам олиш тартиби ҳам бу борада муҳим роль ўйнайди.

Қисмларда ушбу касалликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар мунтазам равишда, режа асосида ва тери касалланишининг у ёки бу формалари кўплигини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Бу касалланишнинг аниқ сабабларини аниқлаш, умумий санитария-гигиена ҳолати, қўшин турларидаги ҳарбий хизмат шароитлари, жангчилар жойлашган ҳудудлар ва об-ҳавонинг ўзига хос хусусиятларига асосланади.

Йирингли тери касалликларининг (пиодермитлар) олдини олиш билан боғлиқ ишлар бир неча йўналишларда олиб борилади. Беморлар ҳаммом кунлари жангчилар танаси кўрикдан ўтказилганда, амбулатория қабулида, қисмга янги келганлар, шунингдек, қисмга хизмат сафарларидан ва хўжалик ишларидан қайтган ҳарбий хизматчиларни кўрикдан ўтказиш вақтида аниқланади.

Терининг бактериялар билан ифлосланиши ва уни турли касалликларни қўзғовчи моддалар таъсиридан ҳимоялашни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган санитария-гигиена чора-тадбирларининг аниқ бажарилиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Бу чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

– шахсий таркибни мунтазам равишда ювинтириш, кийим-бош ҳамда ётоқ жиҳозлари, шахсий мочалка ва совун билан ўз вақтида таъминлаш;

– махсус ва ҳимоя кийими билан таъминлаш ва уни мунтазам равишда ювиб туриш;

– парклар ва устахоналарда иссиқ сувли душларнинг мавжудлиги.

Ишлаб чиқариш жараёнида тери қатлами шикастланиши юзага келишига таъсир этувчи ҳарбий хизматнинг санитария-гигиена шароитларига доимий равишда эътибор қаратиб борилиши лозим. Буларга иш жойининг етарли даражада ёритилганлиги, батартиблиги ва тозалиги, иш қуролларининг созлиги, машина, станоклар атрофида ўраб турувчи ва ҳимояловчи мосламаларнинг мавжудлиги ва бошқалар киради. Жароҳат олганда ўз вақтида ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган аптечкаларнинг бутлиги ва дори-дармонлар билан тўлдириб турилиши ҳам доимий назорат остида бўлиши керак.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи шуни ёдда тутмоғи зарурки, терининг йирингли касалликларига қарши кураш унинг фаол иштирокисиз самарали бўлмайди. Шунинг учун ҳам бундай касалликларнинг олдини олиш, аввало, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар бирига бевосита боғлиқдир.

Тиббий хизмат полковниги
Маҳмуджон СИДДИҚОВ,
Марказий ҳарбий клиник госпиталининг тери-таносил касалликлари бўлими бошлиғи,
Мудофаа вазирлигининг тери-таносил касалликлари бўйича бош мутахассиси.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



II Международный военно-морской салон в Санкт-Петербурге

В Петербурге открывается II Международный военно-морской салон. В его работе примут участие более 400 российских и зарубежных компаний и организаций. Среди экспонатов – уникальные подводные лодки четвертого поколения, крупные боевые корабли, десантные корабли на воздушной подушке, ракетные и патрульные катера.



Международный термоядерный реактор

Во Франции будет построен Международный экспериментальный термоядерный реактор (ITER). Такое решение приняли министры стран – участниц проекта: США, Южной Кореи, Японии, России, Китая и Европейского союза. По предварительным оценкам, строительство обойдется в 13 миллиардов долларов и продлится около семи лет. Внутри реактора будет осуществляться процесс управляемого термоядерного синтеза, аналогичный тому, который является источником энергии Сол-

Ford SAV запускается в серийное производство

Серийное производство нового мини-вэна этой марки начнется в 2006 году на бельгийском заводе Ford. Это будет серийная версия концептуального Ford SAV (Sport Activity Vehicle), представленного весной нынешнего года в рамках автошоу в Женеве. Эта модель, скорее всего, придет на смену устаревшему Ford Galaxy. По предварительным сведениям, премьера предсерийной модификации автомобиля состоится на автомобильной выставке во Франкфурте осенью нынешнего года.

В Рио-де-Жанейро опасно ездить по правилам

Городской совет Рио-де-Жанейро разрешил водителям ездить по ночам с превышением установленной скорости в наиболее криминогенных районах города. Это решение принято для того, чтобы уменьшить число нападений на медленно движущиеся автомобили. Рио-де-Жанейро известен не только карнавалом, но и одним из высочайших уровней преступности в мире.

Медведь перепугал детский лагерь

Голодный медведь пришел в летний детский лагерь под Североуральском (Свердловская область). Медведя привлек запах от баков возле пищеблока. Оттуда зверь направился к спальным корпусам. Вызванные милиционеры попытались отпугнуть животное, но медведь только рассердился и, рыча, продолжал идти к корпусам. Милиционерам удалось отогнать его только несколькими очередями в воздух из автомата Калашникова. В лагерь прибыл охотовед с двумя собаками. Он должен убить медведя.

Белоруссия ставит визовый заслон

Белоруссия рассматривает вопрос выхода из Бишкекского соглашения о безвизовых поездках граждан в рамках СНГ. Если так случится, то ее границы окажутся закрыты лишь для граждан Грузии в связи с намерением поставить заслон криминальным элементам, которые проникают из Грузии, а затем через открытую (белорусско-российскую) границу – в Россию. Возможно, белорусские власти опасаются активистов «Кмары» (молодежное движение, послужившее опорой Михаилу Саакашвили в грузинской «революции роз»), которые пообещали принять участие в государственном перевороте в Минске.

Красный Крест станет Красным Ромбом

Международный комитет Красного Креста в ближайшем будущем обзаведется третьим официальным символом – Красным Ромбом. Помимо Креста и Полумесяца, которые воюющие армии мира уже научились уважать, должна появиться третья фигура в виде ромба, лишенная каких-либо религиозных признаков, которой должны быть довольны все. С момента основания в 1864 году меценатом Анри Дюнаном, Красный Крест не имел ничего общего с христианством. Но в этом же году был принят еще один официальный знак – Красный Полумесяц. В октябре 2000 года, на конференции, на повестке дня стоял вопрос о «нейтральном символе». Нововведение может вступить в силу уже в октябре этого года. Как эмблема для защиты от нападений будет использоваться ромб, в то время как во внутренних структурах этой организации могут использоваться традиционные символы.

Олимпиада-2012: кто станет столицей

Как заявило руководство Международного олимпийского комитета, процедура объявления столицы Олимпийских игр-2012 состоится 6 июля в Сингапуре на 117-й сессии МОК. Она начнется с ролика, который представляет сессию МОК. После него будут показаны полутораминутные ролики о каждом из пяти городов-кандидатов: Париже, Нью-Йорке, Москве, Лондоне, Мадриде. После речи глава МОК Жак Рогге вскроет конверт с названием столицы Игр-2012. Затем состоится подписание контракта на проведение Олимпиады и совместная пресс-конференция МОК и Заявочного комитета города – столицы Игр.

(По страницам Интернета).

ТВОЙ ИНТЕРЕС

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Унга бир қарашдаёқ ҳофизнинг барчамизга таниш қўшиғидан шу сўзлар ёдга тушади:

«Шу сочлардан дор ясалса, майлига...»

Қалбидаги гўзал орзулар, эзгу ҳислар юз-кўзларига мафтункор чирой бағишлаб турган бу қизнинг исми-шарифи Наргиза Хўжамбердиева. Жамоат ишларида фаоллиги, танлаган касби билан у сиз ҳарбийларга руҳан яқиндир.

Наргиза пойтахтнинг Сирғали тумани тиббиёт коллежини имтиёзли диплом билан якунлади. 2002 йилдан коллежда ўтказилган барча танловларнинг ғолибаси ҳисобланади. Ҳатто Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган кўрик-танловда ҳам у етакчилик қилган жамоа ғолиб бўлди. Бир сўз билан айтганда уни тиббиёт коллежининг маликаси дейиш мумкин. Битирув оқшомида ўтказилган «Энг яхши битирувчи ҳамшира» танловининг ҳам мутлоқ ғолибаси бўлди.

Она Ўзбекистон нурли эртасига хизмат қилишга аҳд қилган мафтункор Наргиза, мусаффо қалбинг ҳамиша эзгуликка эш бўлсин!

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10x15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

В МИРЕ РЕКОРДОВ

УМНЫЙ СТУДЕНТ

24-летний французский студент первым в мире вычислил в голове корень 13-й степени из двухсотзначного числа. Алексис Лемайре (Alexis Lemaire) высчитал 16-значный ответ за 48 минут 51 секунду. Жестокосердные наблюдатели пожалели для него не то что калькулятор - карандаш и лист бумаги. Лемайре назвал вычисление двухсотзначного числа «самым сложным в истории умственной арифметики», поскольку в ответе есть потенциальных 400 000 миллиардов перестановок. Чуть ранее студент побил скоростной рекорд вычисления корня 13-й степени из стозначного числа. Вычисление в уме заняло 3,625 секунды. До него такую работу за 11,8 секунд проделал 38-летний немец Герт Миттринг.

ХОЛОДНЫЕ ОФИСЫ ГОНКОНГА

Гонконг может похвастать еще одним рекордом. В нем самые холодные офисы в мире. Кондиционеры в зданиях всегда ставят на температуру не выше 22 градусов по Цельсию. В одном офисе работают исключительно «моржи» – термометр в нем всегда показывает 17 градусов, намного ниже рекомендованных 25. Экологи Гонконга совсем не рады рекорду. Они призывают компании ввести более либеральный кодекс летней одежды, чтобы служащие как можно реже включали кондиционеры. Менеджеры, однако, крепко держатся за свои пиджаки как за символ власти.

(По страницам Интернета).

ХИТТА АЙЛАНГАН ҚЎШИҚЛАР РЕЙТИНГИНИ «TV – MARKAZ» ТЕЛЕКАНАЛИ ТАҚДИМ ЭТГАН.

МИЛЛИЙ ЎНЛИК

1. Ҳеч айрилма (Райҳон)
2. 16 қўшиқ (Акбар)
3. Ичим ёнар (Лола)
4. Биламан (Сетора)
5. Megamix (Наҳотки сен)
6. Нозигим (Ёдгор Мирзажонов)
7. Йиғладим (Анвар Санаев)
8. Я ҳабиби (Феруза Жуманиёзова)
9. Баландда (Шоҳрух)
10. Бахтлиман (Шаҳзода)

ЕВРОПЕЙСКАЯ ДЕСЯТКА

1. How we do (The Game)
2. Like toy solders (Eminem)
3. Лала (Жанна Фриске)
4. Get right (Jennifer Lopes)
5. Kuzu-kuzu remix (Tarkan)
6. Etjattends (Leslie)
7. Gentlmen (Traghedi)
8. Get the party started (Pink/Redman)
9. No way in hell (Boomfunk MC)
10. Obsession (Aventura)

«ПРАВИЛЬНО ЛИ ВЫ СПИТЕ»

Тест

Правильно ли вы спите? Часто самые обычные процессы человеческого организма обрастают домыслами. Проверьте правильность ваших знаний с помощью простого теста. Постарайтесь отвечать на вопросы самостоятельно, не заглядывая сразу в ответ.

1. В какой степени ухудшает иммунитет 5-часовой сон?
A – 10%.
B – 30%.
C – 50%.

2. Какой должна быть температура воздуха в спальне?
A – 15-16 градусов С.
B – 18-21 градусов С.
C – 21-23 градусов С.

3. Что может спровоцировать бессонницу?
A – Плохое кровообращение.
B – Недостаток микроэлементов.
C – Все перечисленное.

4. Что специалисты рекомендуют для облегчения засыпания?
A – Почитать книгу.
B – Выпить стакан вина.
C – Регулярно заниматься спортом.
D – Все вышеперечисленное.

5. Чем традиционно лечат бессонницу?
A – Валерианой.
B – Витамином С.
C – Зверобоем.
D – Всем вышеперечисленным.

6. Почему полезен сон с приподнятой головой?
A – Предотвращает мигрени.
B – Уменьшает мешки под глазами.
C – Облегчает заложенность носа.
D – Все вышеперечисленное.

7. Сколько мы спим в будние дни?
A – 5 часов.
B – 6 часов.
C – 7 часов.

8. Сто лет назад люди спали в среднем 10 часов за ночь.
A – Правда.
B – Неправда.

9. Если вы заснете в 11 вечера, в котором часу ваш сон будет наиболее глубоким?
A – В полночь.
B – В 3 часа ночи.
C – В 6 часов утра.

10. С возрастом потребность в сне уменьшается.
A – Правда.
B – Неправда.

11. Какое количество взрослых испытывает недостаток сна?
A – 33%.
B – 46%.
C – 56%.

12. При бессоннице от дневного сна лучше отказаться.
A – Правда.
B – Неправда.

13. Вам снится, что в вашей машине кончился бензин. Что скажут психологи?
A – У вас проблемы со здоровьем.
B – Вы испытываете стресс.
C – Вам нужно на заправку.
D – Ничего из перечисленного.

ОТВЕТЫ НА ТЕСТ:

1. **B.**
2. **A.**
3. **C.**
4. **C.** Занятия спортом регулируют суточные ритмы организма и тем самым нормализуют сон.
5. **D.**
6. **D.**
7. **C.**
8. **B.** В прошлом веке люди спали в среднем по 8,5 часа за ночь.
9. **A.**
10. **B.** Хотя люди пожилого возраста обычно ночью спят меньше, они компенсируют эти часы благодаря дневному сну.
11. **A.**
12. **A.** Вздремнув немного, вы почувствуете себя бодрее, однако привычка спать днем может спровоцировать бессонницу ночью.
13. **C.**

Если в большинстве случаев вы ответили правильно – прекрасно, вы вполне успешно можете решить небольшие проблемы со сном, которые мало кого миновали. Если нет – возможно, то, что вы узнали, вам пригодится.

ҚАЙСИ РАНГНИ ЁҚТИРАСИЗ?

Ҳар биримизнинг ёқтирган рангимиз бор. Нима учунлигини билмасак ёҳуд изоҳлай олмасак-да, айнан ўша рангни хуш кўрамиз. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, айнан қайси рангни ёқтиришига қараб ҳам инсоннинг характери, табиати ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Рангларга берилган қуйидаги таърифлардан фойдаланган ҳолда ўзингиз, яқинингиз, танишингизни текшириб кўринг.

Барча ранглар синтези бўлмиш оқ ранг – «идеал» рангдир. Уни ҳар қандай характерли киши ёқтириши мумкин. Чунки, у ўзидан йироқлаштириш хусусиятига эга эмас.

Қора рангли либосларни хуш кўрувчи киши ҳаётни тўқ рангларда, салбий томонларга кўпроқ эътибор берган ҳолда қабул қилади. Ҳаётдаги идеалларига эришиш мумкинлигига шубҳа кўзи билан қараш кучли асабийлашиш, ўзини бахтсиз ҳисоблаш ва ишончизликка мойилликни келтириб чиқаради. Қора рангли кийимнинг очроқ ранглисига тез-тез алмаштирилиши пессимистик кайфиятнинг тарқаб кетганлигидан, доим қора рангнинг танланиши эса руҳий тушкунлик ҳолатидан далолат бериши мумкин.

Бирор қарор қабул қилишдан олдин кўп ўйловчи, сермулоҳаза ва шубҳаланувчи, шунингдек, ўзини баралла намоён этишдан тиювчи кишилар кулранги ёқтиришади. Бу рангни ёқтирмаслик эса, қизиққон, енгил характер тўғрисида гувоҳлик қилади. Кучли толиқиш пайтларида ташқи муҳитдан ҳимояловчи тўсиқ бўлади, бу ранг.

Қизил – ҳиссиёт ва эҳтиросларни, серғайратлилик ранги. У жасур, иродали, инсонларни бошқаришга интилувчи, қизиққон ва киришувчан кишиларнинг севимли рангидир. Аксинча, қизил рангни хуш кўрмайдиганларда эса жанжал ва келишмовчиликлардан ўта қўрқиш, ёлғизликка, бир текис кечувчи муносабатларга мойиллик кучли. Ушбу рангни ёмон кўриш ёки имкон қадар ундан воз кечиш – жисмоний, руҳий толиқишни акс эттиради. Қизил айниқса, ўспиринлар ўртасида оммабоп.

Жигаррангни, ҳаётда қатъий ва ишончли оёққа туриб олганлар, анъаналар ва аввало, оилани қадрловчилар танлашади.

Сариқ, одамлар билан эркин муносабатда бўлишга интилувчи, қизиқувчан, мард, тез маслашувчан ва бошқаларга ёқиш, уларни ўзига жалб этишдан завқ олувчиларнинг севимли рангидир. Билингки, доим диққат бўлиб юрадиган, пессимистик кайфиятдаги, танишишда анча қийинчилик туғдирувчи кишилар бу рангни ёқтирмайди. Маълумки, сариқ – қизил ва яшил ранглар аралашмасидан ҳосил бўлиб, куч-қувватлилик ранги ҳисобланади. Аксарият ҳолларда уни ҳаётдан яхшилик, ижобий ўзгаришлар кутаётган инсонлар хуш кўради.

Кўк – осмон, тинчлик рангидир. Унинг ёқиши камтарлик ва ғамгинликдан далолат беради. Бундай инсонлар тез чарчаши туфайли кўпроқ дам олиши, ён-атрофдагилар ҳайрихоҳлигини ҳис этиши, ўзига бўлган ишонч туйғусини шакллантириши жуда муҳим. Дунёда ҳар ишга қодир инсон сифатида таассурот қолдиришга интилувчилар – кўкни ёқтирмайдиганлар сирасига киради. Лекин, аслида у ишончсизлик ва одамовилик намунасидир. Бу рангга бефарқ бўлиш ҳис-туйғулар борасидаги юзакиликни ҳам англатиши мумкин. Шунингдек, кўк – руҳий ва жисмоний тинчликка эҳтиёжни акс эттиради. Шунинг учун, касалланиш ёки толиқиш пайтида айнан шу рангга бўлган эҳтиёж ортади.

Яшил – табиат, баҳор рангидир. Уни – бошқалар таъсир доирасига тушишдан сақланувчи ва ўз ўрини белгилаб олишга интилувчи кишилар хуш кўради. Яшил ранг ўзида яширин энергияни мужассам этиб, иродалилик даражасини акс эттиради. Шунинг учун ҳам бу рангни ёқтирадиганлар доим ўзларига ишонишга ва қатъиятли бўлишга интилади. Олдига қўйган мақсадларига ўз иродаси эмас ҳиссиётлари орқали эришувчи, ҳаётий муаммолар умуман, барча қийинчиликлардан қўрқувчи кишилар аксинча, ушбу рангни хуш кўрмайди.

Апельсин рангни сезгирлик қобиятига эга, ҳаёл суришни жуда яхши кўрувчи инсонлар ёқтиришади.

Пушти ранг ёқиши ўта таъсирчанликдан далолат беради.

Сиёҳ ранг баъзан инсоннинг ёрдам ва таянчга муҳтожлигини англатади.

Учқун САИДНАЗАРОВ тайёрлади.



ТУРФА ОЛАМ

УЧ ЮЗТА СУНЪИЙ ОРОЛ

Бирлашган Араб Амирликларида 300 та оролдан иборат сунъий архипелаг бунёд этилмоқда..

Ороллар майдони бир гектардан 4,5 гектаргача бўлиб, ҳар бирининг кўриниши қайсидир мамлакатни, ороллар гуруҳлари эса материкларни эслатади. Шунинг учун мазкур йирик лойиҳа «Дунё» деб аталган. Шу пайтгача БААда иккита сунъий қуруқлик бунёд этилган бўлиб, юқоридан қараганда улар пальма дарахтларига ўхшайди. Бу пальмалар «Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси» деб номланган. Янги сунъий архипелаг Дубай соҳилларидан 4 километр узоқликда бунёд этилади. 2003 йилда бошланган қурилиш ишлари 2008 йилда ниҳоясига етади. Бунга 3 миллиард доллар сарфланиши кўзда тутилган.

Архипелагнинг умумий узунлиги 9, эни эса 6 километрни ташкил этади, ороллар орасидаги масофа 50-100 метр. Ороллар 6 метр тўлқинга дош бера оладиган муҳофаза девори билан ўралади, цунами юз бериши эҳтимоли эса жуда кам. Кемалар 125 минг куб метр қум ва 13 миллион тонна тошни денгизга ташиб бўлишгач, сунъий ороллар пайдо бўлади.

Қум билан тош мамлакат ичкарисидан олиб келинаётгани сабабли, унчалик қимматга тушаётгани йўқ. Ороллар ичимлик суви, электр қуввати ҳамда хавфсизлик чоралари билан таъминланишига кафолат берилмоқда. Архипелагни шаҳар билан 300 метрли кўприк боғлаб туради, ороллларга, шунингдек, вертолёт ҳам қўнса бўлади. Мингга яқин турар-жой бинолари, ҳашаматли меҳмонхоналар, кинотеатрлар қурилади. Яқин Шарқдаги ягона океанариум ҳам айнан шу ерда ташкил этилади.

Дастлаб Австралия кўринишидаги ва 4,5 гектар майдонга эга оролни Қувайтдаги риэлторлик компанияси 35 миллион доллар эвазига сотиб олди. Ороллар эгалари ўз майдонларидан исталган шаклда фойдаланиши мумкин.

ТАКОЙ ВОТ СЛУЧАЙ

В Бангладеш из брюшной полости мальчика-подростка врачи извлекли погибший плод весом почти в два килограмма, сообщает BBC News. Как пояснили медики, это «несостоявшийся» близнец, который был поглощен в процессе внутриутробного развития своим собственным братом. Такие случаи медицине известны, но встречаются достаточно редко. 16-летний Абу Райхан (Abu Raihan) был прооперирован в медицинском центре университета столицы Бангладеш. Подобное состояние называется «foetus in foeto» (плод в плоде), один из эмбрионов проникает внутрь другого и до некоторого момента продолжает развиваться. В данном случае у плода отсутствовала голова, но конечности были развиты полностью, на пальцах даже были ногти. Сотни горожан собрались у больницы из-за распространившегося слуха, что мальчик родил ребенка. Аналогичный случай произошел в 2003 году в Казахстане - врачами больницы города Чимкента из брюшной полости 7-летнего мальчика был извлечен эмбрион его брата-близнеца. Ребенок был госпитализирован с диагнозом «гигантская эхинококковая киста», однако в ходе обследования выяснилось, что медики столкнулись со случаем «foetus in foeto».

ЎҒРИ КЕЛДИ, УЙҒОНИНГ

Римни душман ҳужумидан ғозлар қутқариб қолгани ҳақида кўпчилик эшитган. Бу жониворлар ухлаб ётган одамларни душман яқинлашиб келаётганидан огоҳлантирган...

Ҳозирги пайтда эса ғозлардан соқчилик қилишда махсус фойдаланилади. Соқчи ғозларнинг катта қисми Шотландия омборхоналарида уч юз миллион фунт-стерлинг қийматли виски сақланадиган бочкаларни қўриқлайди. Бу ерда йигирма йилдан бери саксонта ғоз кеча-кундуз қўриқчилик қилаётир. Шу давр мобайнида вискининг бир томчиси ҳам ўғирланмади. Чунки бегона одам келиб қолса, ғозлар шу даражада шовқин соладики, қаттиқ уйқуда ётган қоровуллар ҳам уйғониб кетишади.

Омборхонада соқчилик қиладиган итлар ўғри ташлаган бир бўлак «луқма»га алданиб қолади ёки талончилар олдиндан ўргатиб қўйгани учун уларни «ўз эгасидек» ичкарига ўтказиб юборади. Ғозлар эса ҳеч қандай «таниш-билиш»ни тан олмайди.

БОЙЛИК КЕЛТИРГАН НОНУШТА

Қувайтлик беш фарзанднинг онаси Нусрат Маҳмуд Али бойиб кетишни сира хаёлига келтирмаган эди...

